

Александр Сергеевич Пушкин

ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН

Шеърпй роман



МИРЗО КЕНЖАБЕК
таржимаси

ТОШКЕНТ

Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти
1988

PI
II96

Ўзимнинг бу камтарин меҳнатим-
ни «Евгений Онегин» сари илк бор
йўл очган улуғ устоз Ойбек хотира-
сига бағишладим.

ТАРЖИМОН

П $\frac{4702010100-155}{M 352 (04)-88}$ 74-88

© Гафур Гулом номидаги
Адабиёт ва санъат нашриёти,
1988 (тарж.).

ISBN 5-635-00113-0

МУҲАББАТ ДОСТОНИ

Серповқин шаҳарлардан узоқ, соқин ва осойишта табнат қўйнидаги қишлоқда вояга етган, эндигина ўн олти баҳорни кўриб, қалби ширин-ширин орзулар билан банд, камгап, ҳаёли қиз пойтахтдан келган олифта ва такаббур бир йигитни кўриб, севиб қолади; уни ўз бахти, лаззатли хаёлларининг соҳибни деб ўйлайди, кўнглидан ишқ исёни кучайгандан-кучайиб, охири номус ва ҳаё ҳамда қизлик ғурури андишаларини йиғиштириб, ўша йигитга изҳори дил — муҳаббат мактубини ёзишга қарор қилади. Аммо, афсус, қизнинг умидлари пучга чиқади: йигит унинг севгисига севги билан жавоб бермади, балки уни рад этди...

Азиз китобхон, тўғри топдингиз, бу — улуг рус шоири А. С. Пушкиннинг машҳур «Евгений Онегин» номли шеърый романидан бир лавҳа. Пушкин оддий рус қиз Татьяна Лари-нанинг севги изтиробларини тасвирлаган бўлса-да, бироқ унинг ҳолати, ўй-фикри, кечинмалари бизга таниш ва маҳбуб, гўё асар воқеалари бугунги кунимизда содир бўлаётгандай, гўё ибодли, дардини ошқора айтишдан пайманадиган ўзбек қизининг юрак сирларини тинглаётгандай бўласиз асарни ўқибётганда. Шунинг учун бўлса керак, романнинг ёзилганига бир ярим аср вақт кечди-ю, аммо ундаги қаҳрамонларнинг тақдир, ҳис-туй-ғулари ҳамон бизни ҳаяжонга солиб туради, соф ишқини таран-нум этган дилбар шеърый сатрлар завқимизга завқ қўшади, кўнглимизни яйратади. Ҳа, буюк истеъдодлар қалбидан қуйилиб чиққан мўъжиза асарларининг ҳарорати сўнмайди, айниқса, агар асар муҳаббат ҳақида бўлса. Зеро, ишқ, севги умуминсоний ардоқли ҳис, вақт-замонлар билан чегараланмайдиган, ҳар кўн-глини янгидан янграувчи туйғу! Дунёда ишқни қуйламаган, севги ҳаловати ва изтироблари, умр баҳорининг мўъжизотла-рини жўшиб, ҳайратланиб ёзмаган шоир ёки ёзувчи кам топил-са керак. Қанчадан-қанча оташин шеърлар, ғазалиёт девоню ошиқ-маъшуқларининг саргузашти тасвирланган тугёнли қисса-ларни ўқиганмиз. Лайли ва Мажнун, Юсуф ва Зулайхо, Фарҳод ва Ширинларининг безавол муҳаббати битилган ўнлаб дoston-ларни такрор-такрор варақлаганмиз. Бироқ, шунга қарамай, ҳар дoм муҳаббатга ташлаимиз, муҳаббат ҳақидаги янги-янги асарларни кутамиз, қўмсайимиз, қидирамиз. Чунки муҳаббат — бу ҳаёт, муҳаббат — маънавийетимиз, инсоний борлигимизнинг синов тоши, қалб кимёси. Одамнинг одамийлиги, бурч, вафо,

садоқат каби тушунчаларга муносабат, ахлоқи, фаолиятининг моҳият-мазмунини ҳам ана шу муҳаббат шуъласида равшанлашди, аниқ аҳамият касб этади. А. С. Пушкин буни «Евгений Онегин»да моҳирона кўрсатиб бера олган.

А. С. Пушкин ижоди ва унинг шоҳ асарини «Евгений Онегин» хусусида кўп нарсани ёзилган. В. Г. Белинскийдан тортиб то ҳозирга қадар рус мунаққидлари ва адабиётшунос олимлари шеърининг битмас-туганмас фазилатлари, дилбар образларининг таровати ва шеърининг нафосати тўғрисида тўлқинланиб гапириб келадилар. В. Г. Белинский эса «Евгений Онегин»ни замонасининг бадий қомуси, «рус ҳаётининг энг сеvimли фарзанди», «энг жозибали асар» деб юксак қадрлаган эди. Дарҳақиқат, ҳажман унча катта бўлмаган бу романда XIX аср бошларидаги Россия ижтимоий ҳаётининг кўп қирралари, зиёлилар тафаккуридаги ўзгаришлар, Европадаги буржуа инқилоблари таъсирида пайдо бўлган илғор қарашлар, эрк ва озодликка интиқлик, декабристлар армонларининг поймол этилиши ўз ифодасини тополган. Воқеаларнинг реаллиги, ўша даврдаги рус кишиларининг характер хусусиятини ҳаққоний тасвирлаш билан Пушкин Ватан адабиёти тарихида биринчи марта чинакам миллий руҳдаги асар яратган эди; Онегин, Татьяна, Ольга, Ленский қиёфаларида минглаб одамлар ўз хусусиятларини кўриб, ҳайрон қолган эдилар. Асарнинг воқеаси ҳам оддий — ўша пайтда тез-тез учраб турадиган воқеалардан: Петербургининг дабдабали ҳаёти, базм-зиёфатлар кўнглига теккан аслзода йиғит қишлоққа — ўзига мерос қолган мулкка бориб қолади. Қишлоқ уни баттар зериктиради, кўнгили ёзиш учун қўшинсиникига меҳмонга боради, қўшинининг катта қизи севиб, кўнглини очганда, у рад этади. Ҳеч нарсадан ҳеч нарсани йўқ, софдил шоир ва ошиқ йиғит Ленскийни дуэлда ўлдиради. Кейин бошини олиб чиқиб кетади, фалакнинг гардиши билан обрўли генералга эрга теккан Татьянани кибор хоним қиёфасида кўриб, юрагида муҳаббат уйғонади, аммо энди Татьяна рад этади... Роман воқеаси мана шу, холос. Бироқ, шу ихчам воқеа улуг шоир қалами остида жаҳоншумул асарга айланган, чирсиллаган ўткир фикрлар, ғоялар майдони, инсоний қисматлар драмасини акс эттирувчи яхлит бир бадий полотно даражасига кўтарилган. Романи ўқиб, Россияда ҳукм сурган ғайринисоний феодал-қулчилик тартиботлари, кибор табақанинг ахлоқий тапазули, оддий меҳнаткаш халқнинг ночор, ачинарли турмуши, хароба-вайронага айланган қишлоқ-шаҳарлар, кўриниши ялтироқ, аммо пчи нурсиз, бефайз сўнник ҳаётнинг ифодасини кўраман.

Буюк шоир Онегин образини орқали яшаётган замонасининг иллатларини санъаткорона усулда яланғочлаб, ўз ҳукмини чи-

қарган, сарой ва унинг моғорли муҳитига нафратини билдирган. Бунга қарама-қарши ўлароқ, оддий рус кишилари, қишлоқ меҳнаткашларини Пушкин меҳр билан тилга олади. Евгений Онегин — ният-аъмолини ижтимоий-фойдали ишларга йўналтира олмаган, бекорчиликдан, маънисиз-мақсадсиз ҳаётдан безиб, ўйин-кулгидан зерикиб, ярим зоҳид-ярим иблис аҳволига тушиб қолган «ортиқча» одамлар тимсоли. Шоир уларнинг руҳий-маънавий фожиасини кўрсатиб беради. Табиатан ёмон бўлмаган, андак кўнгилчан ва ҳатто «прогрессив» кайфиятлар билан юрадиган бу йиғитни бузуқ муҳит бахтсиз қилиб қўйган. Чунки, киборлар тарбияси кишиларни самимиятдан, оддий инсоний ишонч-эътиқод, покиза туйғудан маҳрум этади, юрак тош қотиб, ҳамма нарсага бефарқ бўлиб қолади. Онегин — ҳамма қатори одам, айни вақтда ҳаммадан ажралиб турадиган, дунёдан, дунё одамларидан норози одам. У одамларнинг бахтини кўролмайди, одамлар шодлигига рашк қилади, улардан ўч олгани келади. Нега шундай? Ундаги бу худбинлик қаердан келиб чиққан? Буюк муаллиф бунга одамларнинг ўзи, жамият, тарбия сабабчи деб кўрсатади. Сохтакорлик, гийбат, ҳасад ва кўролмаслик Онегинни шу аҳволга солиб қўйган эди. Умуман, амалдорлар, аслзодалар синфида самимият бўлмайди, уларнинг бутун фикр-хаёли бир-бирини алдаш, бир-бирига нанд бериш, мансаб-манфаат учун турли пасткашликларга боришдан иборат. Ешлигидан шундай одамларни кўравериб, Онегиннинг ҳафсаласи пир бўлади, одамлар беқадр, заиф, почор махлуқлар бўлиб туюлади унга. У ғазабланади, лекин ғазабини кимга сочишни билмайди, ажойиб фикрлар, режалар миёсида пайдо бўлади, аммо одамлар унинг бу режалари устидан куладилар, ундан қўрқадилар, уни хавfli одам деб эълоп қилдилар. Чунки, у фавқулодда одам, Чатцкийга ўхшаб ақлли, эрк, тенглик тарафдори. Қўллик тартиботларига кўниккан, бу тартибларни абадулабад деб билган одамлар учун албатта Онегинлар, Чатцкийлар (Чатцкий Грибоедовнинг «Ақллилик балоси» драмасининг қаҳрамони) хавfli кишилар эдилар. Пушкин бу образ воситасида мавжуд подшолик тузумидан норози кишиларнинг характер хусусияти, Байроннинг худбин, зада ва безовта қаҳрамонларидай дайди, қўнимсиз, қасос олиш пайида кезиб юрадиган иблисона қаҳқаҳали руҳлар фалокати ва ҳалокатини тасвирлаб берган эди. Бундай одамлар Наполеондай буюк бўлиши мумкин, аммо улар чин инсоний туйғулардан бегона. Шу сабаб Онегин Татьяна муҳаббатини рад этди, чунки у бундай самимий, қайноқ муҳаббатни тасаввур қилолмайди, унинг кўнглида бундай муҳаббатга жой йўқ. Иккинчидан, у бундай муҳаббатнинг бўлишига ишонмайди, буни ўткинчи ҳирс деб қарайди. Ахир у бунақаларни кўп кўрган-да!

Татьяна эса Онегиннинг бутунлай тескариси. У — бегубор ва маъсума қиз, юраги романтик хаёллар, ширин орзуларга лиммо-лим. Пушкин Татьяна портретини бундай чизади:

Сал ёввойи, индамас, ғамлиғ,
Хуркак, ўрмон оҳуси янглиғ.
Ўз уйида гўё Татьяна
Ўгай эди, эди бегона.

У синглисидай дарров кўзга ташланадиган хушрўй, хушчақчақ ҳам эмас, ота-онага эркаланмайди, ўзи ёлғиз хомуш ўтиришни, тонг отишинию ойнинг сирли хира нуруви яхши кўради. Аммо ана шу бокира қалбда бир олам шоирона туйғу бор, ишқ бор. Қизиққи, буни биринчи бўлиб «юракларни аврагувчи золим» Евгений Онегин сезади. У биринчи учрашувдаёқ Ленскийга қараб: агар мен сенга ўхшаб шоир бўлганимда опасини таллардим, дейди. Ҳа, Татьяна Ленскийдай тоза юракли, софдил шоирга мос эди. Аммо шоир икки юзи ширмондай, ўзига парвона бўлиб юрган қақилдоқ Ольгани хушлайди. Татьяна ҳам Ленскийни оташин ашъорию, эҳтиросли сўзларига бепарво, у тунд ва хафақон Онегинга кўнгил қўйган. Муҳаббатнинг ўз қонуни, кўнгилнинг ўз майли бор, деб шунини айтадилар-да!

Татьяна Россия табиятининг, жозиб далаларининг бир парчасидай, у Пушкиннинг идеали, илҳомининг илоҳаси, шоирнинг муҳаббатидан йўғрилган дилкаш маҳбуба. Унинг образи бутун асар давомида ўқувчи қалбига нур таратиб, инсоний жозибаси билан мафтун этиб туради. Шунинг учун, гарчи роман Онегин номи билан аталса-да, лекин бош қаҳрамон Татьянадир. Татьянага бағишланган ҳар бир банд мўъжаз бир қўшиқдай янграйди. Асарнинг Россияда энг кўп ўқиладиган севимли ўқиш китоби бўлиб келаётганига сабаб балки шундир.

Онегин унинг қайноқ муҳаббат сўзлари битилган мактубини совуққонлик билан кутиб олиб, ишқини рад этган бўлса ҳам, лекин қиз уни унутмайди, муҳаббатидан воз кечмайди. У ҳаловатини йўқотиб, туну кун Онегин ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолади, далалардан, ўрмонлардан уни сўроқлайди, Онегин яшаган уйни бориб кўради, жиҳозларига тикилади. Ҳатто тақдирга тап бериб, бой генералга турмушга чиққанида ҳам Онегинни унутган эмас эди. Аммо, шунга қарамай, муҳаббат мантиқига зид ўлароқ, Онегин уни сарой хонимлари қиёфасида кўриб, севги изҳор этганда, Татьяна уни рад этади. Энди уларнинг роллари алмашган эди: илгари Татьянанинг эҳтиросли номасига Онегин рад жавобини қайтарган, қуруқ насиҳатгўйликка ўтган бўлса, Татьяна ҳам Онегиннинг ўшандай мазмули мактубига ўшандай жавоб беради. Бу қасосми? Йўқ, бу тақдир ҳукми, бир мар-

та синган кўнгилининг қайта пайвандланмаслиги, барбод бўлган ишқининг тирилмаслиги эди. Татьяна қишлоқдаги содда ҳаёти-нинг маҳзун дамларини соғинади, «бу дабдаба, шукуҳ, манфур ҳаёт зийнатини» аввалги фақир маскани, ёввойи боғларга ал-маштиргиси, илк муҳаббатнинг пашъасини сургиси келади. Аммо вақт ўтган эди: у бошқага насиб этган ва энди ишқи-бозлик қилиб, кибор аҳлига гап-сўз бўлмоқчи эмас.

Шундай қилиб, инсоннинг табиий интилишлари, ҳис-туйғу эркинлиги билан жамият ва унинг тартиблари орасидаги зид-дият абадийдир, деган бош ғоя «Евгений Онегин» романининг аввалидан охиригача давом этади, бу зиддият ҳал бўлмасдан қолаверади. Гениал шоир буни дунёнинг потекислиги, бебақо-лиги ҳақидаги Шарқ шоирларида кўн учрайдиган умумлашма фалсафий маъно орқали изоҳлашга интилади ва Шайх Саъдий-нинг «Бу чашма сувидан биз каби кўплар келиб ичдилар, бироқ бирлари энди йўқ, бирлари узоқда» мазмунли байтига ҳавола қилади. Маълумки, «Евгений Онегин» ўн йил давомида (1820—1830) ёзилган, бу орада Пушкин бир нечта «шарқона» руҳдаги дostonлар яратган эди. Шулардан бири «Боқчасарой фонтани» дostonи 1823 йилда ёзилган бўлиб, Саъдийнинг юқорида келтир-ганимиз байти унга эпитаф қилиб олинган ва муаллиф П. А. Ви-земскийга ёзган хатида Саъдий сўзларидан қаттиқ таъсирлан-ганини таъкидлаган эди. Пушкин «Евгений Онегин» охирида ўз қаҳрамонларининг етим қолган бахтсиз севгиси, ҳар томонга путраб кетган, сургунда азоб чекаётган дўсту ёрлари ва ўзининг қисмати ҳақида ўйлар экан, Саъдий ҳикмати яна хотираси қаъридан қалқиб чиққан эди. Умуман, бу ўринда шуни айтиш жоизки, «Евгений Онегин»да А. С. Пушкин кечинмалари, шах-сий ўй-фикри кучли акс этган, шоир ўз асарининг фаол қаҳра-монларидан бирига айланиб қолган. Бу эса асарга алоҳида жо-зиба, фазилат бахш этган. Дарҳақиқат, мазкур поэма (Белин-ский Пушкин романини поэма деб атайдн) аввало улуг шоир истеъдодининг тенгсиз мўъжизаси, денгиздай саҳий поэтик қалб бағрида парварин топган жавоҳир сатрлар тизмаси бўлгани учун ҳам кишини мафтун этади. Пушкиннинг катта асарлари-дан бирортасида бу қадар шеърин латофат, бу қадар мусиқий оҳанг, жило, бу қадар ҳаёлот ва илҳом парвози, бу қадар дил рози, ўз-ўзини ифодалаш, ўз-ўзини кашф этиш, халққа, ватанга, она табиат ва инсон гўзаллигига, хуллас, жамини энг ардоқли, энг муқаддас нарсаларга муносабат ва муҳаббат бу қадар ёрқин, соф ва мукамал намён бўлмаган. Шу маънода «Евгений Оне-гин»ни Пушкиннинг таржимаи ҳоли — ҳасби ҳол асар дейиш мумкин. Албатта, фақат Онегин ва Ленский тақдирлари шоир тақдирига ўхшаганлиги учун эмас. Ваҳолонки, Пушкин тарихда балки биринчи марта Ленский образида ҳақиқатдан ҳам ижод-

кор шахс характерини, болаларча содда, ишонувчан, тиниқ руҳ, сезгир ва жўшқин романтик табиатни шундай тўлиқлик билан яратган бўлса ажаб эмас. Онегинда ҳам Пушкин руҳий оламининг бир қанча мураккаб жиҳатлари гавдалапган. Аммо шоир шу билан кифояланмайди. У бутун асар давомида йўлини топиб, ўз фикрлари-қарашларини баралла баён этади. Шоирнинг замондан зада бўлган юрагининг дарду алами, эркин қўмсаган кўнглининг ҳасратлари гупириб туради. Чунончи, биринчи бобда у Онегиннинг Петербургдаги ҳаётини тасвирлаб келиб, «надоматга тўла юрак» билан депгизга боқиб дейди:

Келармикин эрким замони?
Келгин энди!— дея зорлайман..
Бўрон ридосига ўраниб,
Озод тўлқинлар-ла уришиб,
Озод йўлим бошларман қай чоқ?

Еки учинчи бобда Татьянанинг мактуби баҳонасида она тилининг таълим-тарбияда расм эмаслиги, камситилиши, аристократ оилалар рус тилида ёзиш ва ўқишни билмасликларини кишояли аччиқ бир заҳарханда билан ҳажв этади. «Энди Татьяна мактубини французчадан таржима қилишим керак», дейди у кесатиб. Пушкиннинг бу сўзлари бизга ҳам ибрат: ўз она тилида гапириш ва ёзишдан ор қиладиган «ўқиминшли» шахслар бизда ҳам анча-мунча.

Асарда ўз-ўзини ифодалаш, ўз қарашларини сингдириб кетиш А. С. Пушкиннинг улуғ инглиз шоири Ж. Г. Байрон таъсирида шаклланган (айниқса «Чайльд Ҳарольд зиёратлари» ва «Дон Жуан» поэмаларида бу хусусият кучли). Бироқ, «Евгений Онегин» миллий замида яратилган достоқ, драматик мазмунли лиро-эпик асардир. Байрон бўлса ўз қаҳрамонларининг саргузаштини ҳикоя қилиш билан қаноатланади. Пушкин қаҳрамонлари бир-бирини изоҳлайдиган, тақдирлари туташ кишилар, сюжет ривожини асар охиригача давом этган. Пушкин асари ҳар қандай воқеаларнинг йиғиндиси бўлмасдан, балки ягона композицияли муҳаббат достонидир. Ундан куйчи лирик шоирнинг она Россияни мадҳ этган овози янграб туради.

Ҳосил калом, ҳар қандай шоҳ асарда бўлганидай, «Евгений Онегин»нинг ҳам бадий фазилатлари беҳад. У ҳақда қисқача тўхтаб, энг муҳим хусусиятларини қайд этишимиздан мақсад шу буюк бадий жозибани ўзбекча таржималарда кўриш орзусини билдирмоқ ва шу билан бирга, бу орзунинг тўлиқ амалга ошувининг мушкулотини олдинда таъкидламоқдир. Зеро, айнан шу жиҳат, яъни Пушкинни куйчи сифатида, шоир — булбул си-

фатида кўрсатмоқ, «Евгений Онегин»ни оригиналдагидай севиб-
яйраб ўқилдиган асарга айлантириш, ундаги мусиқа-оҳангни
қайта яратиб, ўзбек китобхони ҳам такрор ва такрор интилади-
ган дoston қилиб яратиш энг мушкул ишдир. Ойбек тажрибаси
ҳам, «Евгений Онегин»нинг бошқа тилларга таржималари ҳам
бу фикрни тасдиқлайди.

Ойбек таржимаси 30-йиллар адабиётида воқеа бўлганини
билишимиз. У кейин ҳам печта марта қайта нашр этилди.
А. С. Пушкинни танишимиз, унинг даҳосидан баҳраманд бўли-
шимизга хизмат қилиб келди. Ойбек бу дурдона асарни ўзига
хос серифода шеърый тил билан ўгириб, талантининг янги бир
олмос қиррасини намойиш этган эди, бу таржима ҳали ҳам қий-
матини йўқотган эмас. Яна муҳимроғи, агар илк таржима
эскирмаган тақдирда ҳам, «Евгений Онегин»дай асарларнинг
янги-янги таржималарини яратиш бир қонуният тусини олмоғи
керак. Бунга бир печта сабаб бор. Биринчиси — ҳар қандай
таржима уни ижод қилган таржимон-шоирнинг индивидуал
маҳорати, идрок, услубини акс эттиради ва демак, у ҳар
қанча яхши бўлгани билан аслиятнинг барча фазилатларини
беришга қодир эмас. Шунинг учун бир печта таржима яратиш
орқали биз аслиятнинг бадий оламини кашф этиб бораверамиз.
Иккинчиси — ҳар бир давр авлоди, хоҳ ижодкор бўлсин, хоҳ ки-
тобхон, асарни ўзича, тоза руҳда қабул қилади. Демак, ана шу
янги идрок, янгича ўзлаштиришга янги таржима лозим. Яна
шуки, таржима ижодий мусобақа, куч синаш демак. Турли
даврларда эмас, бир даврда бир печта киши асарни муваффа-
қиятли таржима қилса, биз уларнинг ҳаммасини қабул қили-
шимиз, ҳар бирини ўзига яраша қадрлашимиз керак. Айниқса,
Пушкин асарлари таржимаси маҳоратнинг синон майдонини бў-
лишга мутлақо арзийди. Улуғ Ойбек бунини ўша пайтлардаёқ
қайд этиб ўтган: «Пушкиннинг гениал асарларининг бутун гў-
заллигини, баркамоллигини ўзбек тилида бера билиш масаласи
таржимон-шоирдан гоят катта меҳнатни талаб қилади. Унинг
айрим йирик асарлари турли шоирлар тарафидан қайта-қайта
таржима этилиши керак, бу масалада шоирлар орасида ижодий
мусобақа авж олиши лозим». (1949 йилда А. С. Пушкин тавал-
лудининг 150 йиллиги юбилейида қилинган маърузадан.)

Мирзо Кенжабек «Евгений Онегин»дай ажойиб асарининг
янги таржимасига қўл урар экан, ўз-ўзидан равшанки, беихтиёр
муҳташам Ойбек билан мусобақага киришга мажбур эди. Бу
катта журъат ва Ойбек таъкидлаган масъулиятни бўйинга
олишдир. Еш шоир учун Ойбекдан ўрганиш ва айни вақтда
унинг таъсирига берилмаслик, унинг таржимасига ўхшамаган
янги таржима яратиш, Пушкинни янгидан кашф этиш вазифа-
си турарди. Мирзо таржимасини ўқир эканмиз, у мана шу қи-

йин вазифани имконияти, шоирлик қудрати етгунча бадастир уддалай олганини кўриб қаноатланамиз. Пушкин шеъриятининг тараншумий ҳарорати, гениал соддалигу улуғвор теранлик, эҳтирос-пафослар тўлқини кўп жойларда муносиб-мувофиқ ўзбекча шеърлар билан берилган. Ойбекдан фарқли ўлароқ тўққиз бўғишли вазнининг танланиши, бўлиқ қофияларнинг жарангдорлиги ҳам Пушкин ямбларининг серҳаракат маромини таъминлаган. Шеър табиий раванлиги билан қуйилиб келса, кпшининг қалби ҳам, қулоғи ва шуури ҳам роҳатланади, албатта. Мирзода оригиналга ижодий муносабат, Пушкиндан руҳланиб, ундан олган илҳомини яна унинг ўзига сарфлаш хусусияти бор. Шунининг учун мен мазкур таржима улуғ рус шоири А. С. Пушкин бадий даҳосини ўз тилимизда ҳис этишнинг янги босқичи, янги шеърини нафосат сифатида таъби позик китобхонларга маъқул тушишига ишонаман.

•

НАЖМИДДИН КОМИЛОВ



Pétri de vanité il avait encore plus de cette espèce d'orgueil qui fait avouer avec la m-ême indifférence les bonnes comme les mauvaises actions, suite d'un sentiment de supériorité. peut-être imaginaire.

Tire d'une lettre particulière*.

У мақтанчоқликка мойил бўлиб, бунинг устига яна алоҳида мағрурликка ҳам эгадирким, бу мағрурлик, балки, хаёлий бир мағрурлик, балки, хаёлий бир устунлик туйғуси натижасида, ўзининг яхши фъел-атвори каби, ярамас қилиқларини ҳам бирдай бепарволик билан эътироф этишга мажбур қиладир.

Шахсий мактубдан (фарангча).

Киборларга битмадим эрмак;
Олқаб дўстлик илтифотини,
Истагимдур армуғон этмак
Сенга лойиқ дил баётини.
То арзигай дилбар юракка
Ким, тўлуғдир қутлуғ тилакка,
Жўшқин, ойдин куйларга тўлғин,
Содда, олий ўйларга тўлғин.
Кел! Орзуманд қўл билан якка
Айла алвон дафтарим қабул,
Кулгу, қайғу омихтадир сал,
Халқонаю мукаммал; дағал,—
Эрмакларим мевасидир бул.
Сенгадир — ғўр, сўлғин йилларим
Селдай илҳом, бедор тунлари,
Совуқ шуур терган гулларим,
Юрагимнинг фарёд, унлари*.

* Изох ёки шарҳлар китоб охирида берилди.

БИРИНЧИ ФАСЛ



*Ҳам яшашга ошиқар, ҳам шошар ҳис этмакка.
Кн. Вяземский¹*

I

«Тартибпараст, покдил амаким
Чин дардгаки дучор ўлмишлар,
Аvlo тадбир топмай, қарангким,
Иззатгалаб бўлиб қолмишлар!
Йўриқлари — ўзгага ибрат;
Ахир, тапгрим, бу нечук кулфат,
Жилмай бемор ёнидан ҳеч ҳам,
Қараб ётмоқ кундуз ҳам, кеч ҳам!
Нечоғ тубан найранг, ёронлар,
Тирикмурда кўнглин кўтармоқ,
Ёстиқларин тузатиб турмоқ,
Маъюс элтмоқ дори-дармонлар;
Хўрсинмоғ-у, айтмоқ бесадо:
Қачон сени кўтаргай худо!»

II

Қув йигитча ўйларди шундай
«Почтовой»да дала-қир оша;
Қодир Зевс² хоҳиш-ҳукми шай:
Бор хешларин вориси — ўша.
Эй, Людмила билан Русланнинг
Дўст-ёрлари!³ Шу зум дostonнинг
Қаҳрамонин муқаддимасиз
Таништирай, рухсат беринг сиз:
Онегин бу — қалин бир ошнам,
Унга Нева бўйлари — зодгоҳ,
Балким, унда туғилгансиз, ё
Нашъу намо топгансиз сиз ҳам!
Сайр этганман мен ҳам бир замон,
Аммо шимол — мен учун зиён!^{1*}.

III

Хизмат этиб мардона, тугал,
Қарзлар билан отаси яшаб,
Йилда базм тузарди уч гал,
Хонумонсиз қолди сўнг, ажаб.
Евгецийни асради қисмат,
Аввал *Madame*** этди тарбият,
Сўнгра *Monsieur**** алмашди ўрин;
Бола шўхроқ эди-ю, ширин.
Monsieur — асли ғариб бир фаранг,
Қийналмасин дея ёш бола,
Сабоқ берди ҳазиллар ила,
Насиҳат-ла қилмади гаранг.
Шумлик қилса, койир мулойим,
Ёзги боғда ўйнатар доим.

* Қавс ичидаги Пушкин изохлари ҳам китоб охирида берилди.

** *Madame* — хоним, бу ўринда мураббия.

*** *Monsieur* — Жағоб, бу ўринда мураббий.

IV

Ёшлик — ўтли, беором фасл,
Нозик дарду умидлар ундан:
Евгений ҳам етилгач асл,
Мураббийни ҳайдашди уйдан.
Мана энди Онегин озод,
Сўнгги урфда соч қўйдириб шод,
Кийинишда — Лондон *dandysi*,⁽²⁾
Кўрди кибор оламин кўзи.
Энди фаранг тилида равон
Еза билар, бемалол сўйлар,
Мазуркага чарх уриб ўйнар,
Таъзим бажо келтирар чаққон.
Боз не керак? Кибор доира
Тан берди: у — ақлли, сара.

V

Ўрганганмиз барчамиз оз-моз
Ниманидир, амаллаб, бир қур.
Тарбияда кўринсак мумтоз,
Ажаб эмас, худога шукур.
Кўпчиликнинг фикрига кўра,
(Улуғ зотлар ҳукмига кўра),
Олимдир-у Онегин, қуруқ,
Унда ажиб иқтидор, йўриқ:
Суҳбатларда қийналмай аста
Ҳар соҳадан озгина чўқир,
Олимона тус олиб, чуқур
Сукут сақлар муҳим баҳсда.
Тагин ўтли ҳажв ила дилдор —
Хонимларни кулдириши бор.

VI

Урфдан қолди буқун лотин тил;
Сизга ростин айтсам муфассал:
Лотинчани хийла билар ул —
Англар қадим битикларни сал.
Ювеналдан⁴ гаплар ҳам сотар,
Хат сўнгига Yale* деб битар.
Тутилса ҳам айтар ёдидан
Икки мисра «Энеида»дан⁵.
У тарихлар чангига ботиб,
Қадим дунё кечмиши аро
Изғимоқни нстамас асло,
Аммо Ромул⁶ давридан тортиб,
Шу кунгача бўлгаи ва кезган
Латифани чиқармас эсдан.

VII


Умрин ҳаёт садоларига
Бахш этмоққа йўқ унда ҳавас.
Ямб ва хорей ароларида
Не фарқ бордир, уринманг, билмас.
Сўкар Ҳомер,⁷ Феокритни⁸.
Аммо ўқир Адам Смитни⁹ —
Иқтисодчи эди у, демак,
Мушоҳада қиларди андак:
Қандай қилиб бойийди давлат,
Нима билан кечирар ҳаёт,
Бўлса унда *обдий маҳсулот*,
Нечун бўлмас олтинга ҳожат.¹⁰
Тушуинмасди отаси уни,
Гаров қўяр эди мулкни.

* Омон бўл! (*Лотинча.*)

VIII

Евгенийнинг барча билганин
Сўйламоққа кўшиш менда кам
Қайси бобда у даҳодир чин,
Қай илмни билар чинакам?—
Кунлар бўйи унинг таянчи,
Заҳматию ғами, қувончи,
Ялқов умрин тўлдирган хилқат —
Бу муҳаббат илмиким, бир пайт
Назон¹¹ уни куйлаб ўтганди;
Жабр чекиб шундан, диёри —
Италиядан қувилиб бориб,
Молдавияни макон этганди;
Умри унинг — порлоқ, исёнкор,
Чўллар аро тинган эди зор.

XI



X

Риё касбин ўрганди у тез,
Умид — пинҳон, эплайди рашкни.
Қўринади мунглуғ, гамагез,
Боплар ишонтириш, аврашни.
Гоҳ мағруру гоҳ итоаткор,
Гоҳ парвона, гоҳ беътибор!
Сукутлари нечоғ хуморли,
Сўзлашлари гўзал, оҳорли,
Ишқий хатда қўпол қандайин!
Бирин суйиб, бирига тўйиб,
Яшар ўзин унутиб қўйиб!
Қарашлари кескин ва майин,
Уятчан ва беор, баъзида
Йилтирайди ёшлар кўзида!


XI

О, у қандай ўзгариб бирдан,
Маъсум дилни ҳайратга солар.
Чўчитару важоҳат бирлан,
Ширин сўйлаб юпата қолар.
Тутиб олиб меҳр лаҳзасин,
Қизнинг иффат мулоҳазасин
Енгиб ақлу эҳтирос ила,
Эркисиз лутфу карамин тилаб,
Розилигин сўраб тиришар;
Тинглар қалбнинг илк садосин, оҳ,
Маҳбубани тинч қўймай, ногоҳ
Сирли висолга ҳам эришар...
Сўнг хилватда сукунат чоғлар
Жононага берур сабоқлар!

XII

Ўрташни кўп ўрганди эрта
Номи кетган таннозлар дилин.
Рақибларин буткул агарда
Гумдон этмоқ истаса, тилин
Заҳар қилиб, ёмонлар чунон!
У тузоқлар қўяр беомон!
Эй, бахтиёр эрлар, лекин сиз
Уни дўст деб билдингиз, эсиз!
Суяр уни муғамбир эр ҳам,
Ё Фобласнинг¹² шогирдими, ол,
Ё бадгумон — кўпни кўрган чол,
Иззат қилар даюс тақсир ҳам,
Тағин рози ўздан, хотиндан,
Ризқу рўздан, бор ҳаётиндан.

XIII. XIV



XV

Турмасданоқ ҳали ўрнидан,
Унга неча мактуб тутарлар.
Не бу? Таклифномами? Бирдан
Уч хонадон базмга чорлар.
Бал, болалар байрами унда,
Қайга елар арзандам шунда?
Кимдан бошлар? Бироқ барибир
Ҳаммасига бош суқар бир-бир.
Кенг боливар¹³ қўндириб бошга,
Хиёбонга¹⁴ йўл олар аста.
Ҳозирча у тонгги либосда,
Қўнғироқли соат ҳам тушга
Садо бериб, чорлагунча то
Кенг майдонда айланар тапчо.

XVI

Қош қораяр. Чанага минар.
Учар «Пўшт-пўшт!» деган ҳайқириқ.
Қорлар инар — кумушга дўнар
Қундузмўйна ёқаси, аниқ.
Елар Talon⁽³⁾ майхона томон,
Кутар унда Каверин¹⁵, аёп.
Кирар, тиқин думли юлдуздай
Шу зум шипга учар, тошар май.
Сели сизиб турган қовурдоқ,
Фаранг дастурхонининг файзи —
Қўзиқорин қайласи қайси!
Страсбургнинг сомсасига боқ!
Лимбургнинг чин пишлоғи-да бор,
Ҳам олтинранг ананас тайёр!

XVII

Истар яна кўнгиллар шароб,
Чанқаб серёғ ул қийма этдан.
Кўнғироқли соат-чи, шу тоб
Хабар берар янги балетдан.
Театрда қаттол ҳукмдор,
Гўзал актёр хонимларнинг зор
Ва беқарор ошиқ-шайдоси,
Саҳна ортин фахрий аъзоси —
Онегиним ул томон елар.
Бунда барча эркинлик аро
Рақс олқишлаб, иззалаб ҳатто
Федра, Клеопатрадан кулар;
Моннани¹⁶ чорлашар бутун.
(Фақат ўзни кўрсатмоқ учун!)

XVIII

О, сеҳрли диёр! Бир замон
Ҳажв устози, эркинлик дўсти —
Мард Фонвизин топди унда шон,
Ҳам тақлидчи Княжинин ўсди¹⁷.
Халқнинг эрксиз кўзёш хирожин
Олқишларин баҳам кўрди, чин,
Озеров, ёш Семёнова ҳам.
Унда бизнинг Катенин ўктам
Тирилтирди Корнель даҳосин;
Заҳар Шаховской дегацлар
Маздакадан* сочди тиканлар,
Дидло кийди шуҳрат либосин.
Унда — парда кўлкасида жим
Ўтди менинг ёшлик кунларим.

* М а з д а к а — комедия.

XIX

Эй, ҳурларим! Қайларда сизлар?
Етармикин сизга бу фарёд?
Бормикансиз? Ё ўзга қизлар
Ўрнингизни олдим, ҳайҳот!
Яна тинглаб куйингиз сасин,
Илоҳий рус Терпсихорасин¹⁸
Кўрурменми самовий рақсин?
Ё нигоҳим танишлар аксин
Топмасмикин безавқ саҳнада?
Ўксиб қолган қўшойнак¹⁹ ҳайрон
Боқиб ўзга бир олам томон,
Шод этгайми лоқайд лаҳзада?
Ё мен эснаб, ютиб унларни,
Ёд этгаймен ўтган кунларни?..

XX

Бино тўлган. Ложалар порлар.
Мавж зўр партер ва курсиларда.
Устки қават бесабр чорлар —
Кўтарилар шифиллаб парда.
Сир-сеҳрли комонча куйин
Кутиб, кўкка шайланган кўйи
Чин парилар давраси аро
Истомина²⁰ турар, дилрабо.
Ерга тегар-тегмас бир оёқ,
Бир оёқда айланар бирдан;
Пат учгандек Эол²¹ лабидан
Ногоҳ сакрар, ҳаволар шу чоқ.
Бурар, тиклар қоматин гулруҳ,
Оёқларин уриштирар шўх.

XXI

Қарсақ, олқиш... Киран Онегин,
Қаторлардан ўтгани замон
Қўшойнақдан боқади секин
Ёт хонимлар ложаси томон.
Қаватларга ташлабон нигоҳ,
Кўрди: юзлар, кийимлар ногоҳ,
Этди ёмон таъбини хира.
Ҳар тарафга бош эгиб сўнгра,
Эркакларга айлади таъзим.
Сўнг саҳнага боқиб паришон,
Юз ўгириб, эснади шу он,
Деди: «Барин янгилаш лозим;
Балетга кўп чидадим, энди
Дидлоси ҳам жонимга тегди»⁴.

XXII

Ишқ тангриси, илон ва жинлар
Ғавғо қилур саҳнада ҳамон.
Қароллар-чи, ҳориб, пўстинлар
Ичра ухлар йўлакда бу он²².
Ҳали тинмас топташ, нуқишлар,
Чалак, йўтал, бурун қоқишлар.
Ҳали бино ичу тошида
Фонуслари нур сочар жуда.
Совуқ: отлар депсинар кишнаб —
Эгар-жабдуқ айламиш зада.
Извошчилар гулхан гирдида
Жанобларин сўкар қўл ишқаб.
Онегин ҳам чиқади, мана,
Уйга бориб кийинар яна.

XXIII

Чпзарменми аниқ лавҳасин
Танҳо бўлма-хонанинг зинҳор? —
Унда ҳар хил наъма бақдаси
Кийим танлар такрору такрор.
Ҳою ҳавас, завқ учун чандон
Неки сотса ул аттор Лондон,
Болтиқденгиз тўлқини букун
Не келтирса ёғоч, мой учун,
Ё очкўз дид Парижда билса
Ниманики гўзал сапъат деб,
Нени роҳат, зебу зийнат деб,
Ё эрмак деб пхтиро қилса, —
Булар барн бебамиш, тайини,
Ўн саккиз ёш файласуф уйини.

XXIV

Бу қаҳрабо туркий чилимдир,
Биринж пла чиннилар бунда.
Нозик ҳислар пашъаси — атир
Ул қиррали биллур ичинда.
Тароқ ва ё пўлат аррача,
Тўғри-эгри қайчилар қапча,
Чўткаларнинг ўттиздир хили —
Тиш ё тирноқ учун бир хили.
Руссо²³ — чечан девопа бироқ
Англамади, (қистириб ўтай)
Грим²⁴ унинг олдида атай
Тозалади не учун тирноқ⁽⁵⁾.
Эрку ҳуқуқ қўриқчиси нақ
Шу ўринда тамоман ноҳақ.

XXV

Улуғ арбоб бўлсанг-да, букун
Тирноқларни ўйларсан, балким:
Замон билан довлашув нечун?!—
Урфу одат — инсонга ҳоким.
Мисли Чадаевдир²⁵ Онегин,
Гап-сўзлардан қўрқибон лекин
Кийинишда педант²⁶ эди у,
Айтганимдек, пўрим, боди у!
Уч соатлар, энг камида, рост,
Жилмас эди кўзгу ёнидан.
Сўнг чиқарди пордозхонадан,—
Гўё кийиб эркакча либос,
Маскарадга чиққан маъбуда
Веперадай²⁷ солланиб жуда.

XXVI

Сўнги завқи билан пардознинг
Диққатингиз жалб этиб бутуц,
Сиз фозиллар қошида ёзиб
Қўёлсайдим унинг бисотин;
Бир жасорат бўлар ўзи ҳам,
Тавсиф, ахир, менинг вазифам.
Қаранг: *жилет, панталон, фрак* —
Бундай сўзлар йўқ бизда бироқ.
Қаршингизда айбдорман аммо:
Академик луғатни²⁸ гарчанд
Титар эдим азалдан ҳарчанд,
Мана, ўзи қашшоқ, бепаво
Бисотимни ажнабий сўзлар
Олақуроқ айлар, кўз-кўзлар.

XXVII

Бироқ мавзу бошқадир энди,
Ҳозир балга шошганимиз соз.
Қаретани киралаб елди
Ўша ёққа Онегин шоввоз.
Тийра уйлар ёнидан бот-бот
Қатор, мудроқ кўчаларга шод
Шўх нур сочиб қўш фонуслари
Аравалар ўтар, тусланиб,
Қор устида камалак чизар.
Теграсида ғужғон чироқлар —
Зўр, муҳташам бир уй чарақлар;
Чўнг ойнада кўлкалар кезар:
Улар хоним ҳамда наъмабоз
Тентакларнинг шаклидир, холос.

XXVIII

Мана, етди қаҳрамонимиз.
Ўқдек дарбоп ёнидан ўтиб,
Чиқди мраммар зиналардан тез,
Сочларини қўлда тузатиб,
Қирди — саҳн одамга тўлган:
Янграйвериб мусиқа толган.
Мазуркага оломон банддир,
Атроф шовқин ҳамда тирбанддир.
Бир жуфт маҳмиз жаранглатар шўх,
Хонимларнинг оёқчалари
Учар, соҳир излари сари
Нигоҳлар ҳам учар мисли ўқ.
Кўмар ғижжак садоси сирип —
Таннозларнинг рашкли шивирин.

XXIX

Беғам, шайдо кунларим бутун
Бал телбаси эдим мен озроқ:
Изҳор учун, хат бермоқ учун
Жой топилмас бундан ҳам созроқ.
Эй, муҳтарам эру хотинлар!
Хизматимни қабул этинглар,
Сўзларимни тинглангиз, ҳайҳот,
Ўтинчим шул: бўлинг эҳтиёт.
Онажонлар, сизлар ҳам илло
Огоҳ этинг ҳур қизингизни,
Тўғри тутинг ойнагингизни!
Йўқса... Йўқса, асрасин худо!
Бул сўзимга шулдирки изох,
Кўпдан бери қилмадим гувоҳ.

XXX

Эвоҳ, турфа эрмаклар учун
Қанча умрим айладим исроф!
Ҳануз бални севардим, букун
Ахлоқ қолса бепутур ва соф.
Мен севаман ёвқур ёшликни,
Дабдабани, ялпи шодликни,
Хўб безанган хонимларни-да,
Оёқчасин севаман жуда.
Аммо бутун Россияда сиз
Уч жуфт бирдай латиф оёқча
Топгаймисиз? Бир жуфтин қанча
Унутмадим!.. Паришон, беҳис
Ёд этаман ҳануз тушларда,
Дил ўртанур ёд этишларда.

XXXI

Қачон, қайда, қайси саҳрода
Унутарсан уни, тентагим?
Эҳ, оёқлар! Сиз қай маъвода
Босмоқдасиз баҳор чечагин?
Ардоқланиб шарқ диёрида,
Шимол юртин мунглуғ қорида
Қолгани йўқ сиздан бирон из.
Чунки кўпроқ севардингиз сиз
Юмшоқ гиламларнинг сафосин,
Сиз деб, ахир, унутдим кўпдан
Шону шуҳрат чанқоғин обдан,
Ота юрту сургун жафосин.
Ешлик бахтим йўқолди увол
Ўтлоқларда сизнинг из мисол.

XXXII

Диананинг²⁹ сийнаси порлоқ,
Флоранинг³⁰ ёноқгинаси.
Дўстлар! Менга гўзалдир кўпроқ
Терпсихора оёқгинаси.
Нигоҳларга илоҳ — аломат
Зўр мукофот айлар каромат,
Олий ҳусни кўринган онда
Орзуларим дод этар жонда!
Севдим уни, дўстим, Эльвина³¹,
Кўриб стол остидан, севдим,
Баҳор — ўтлоқ устида севдим,
Қишда — печнинг ёнида ёна
Севдим, паркет ойнасида ҳам,
Денгиз — қоя сийнасида ҳам.

XXXIII

Едда: денгиз кутарди довул,
Тўлқинларга қилгандим ҳасад —
Чопишарди муҳаббат-ла ул
Оёқларга бош уриб фақат.
Ўшал азиз оёқларга жим
Мавжлар ила тегсайди лабим!
Йўқ, йўқ, ёшлик гупурган асно,
Ёниб юрган чоғларим асло
Бу азобда истамовдим ҳеч
Армидалар³² чўғдек лабидан,
Ё пурситам кўкракларидан,
Гул юзидан олмоқни ўпич!
Ҳислар забти ҳеч бирон бора
Бағрим бунча этмаган пора!

XXXIV

Ёдимдадир ўзга бир замон!
Ширин ўйлар ичра мен гоҳо
Тутгум бахтли узанги ҳамон...
Оёқчаси... кафтимда гўё.
Мана, яна хаёлот забти,
Яна латиф оёқлар тафти
Сўнган дилим ўртагай фақат,
Яна соғинч, яна муҳаббат!..
Бас, маккора қизларни жўшиб
Эзма соз-ла мадҳ этма, бағир,
Дардларингга арзимас, ахир,
Ҳайф уларга илҳом ва қўшиқ:
Жодугарлар сўзи ва кўзи
Алдар... худди оёқнинг ўзи.

XXXV

Хўш, Онегин қалай? У тамом
Мудраб, балдан ётоққа елгап.
Ноғоралар бу пайт беором
Петербургни уйғотиб бўлган.
Ҳаммол борар, савдогар турар,
Киракашлар қамчини урар,
Хурма олиб келар сутфуруш,
Пойида қор ғирчиллар — кумуш.
Тонг ғовури уйғонар ажиб.
Деразалар очиқдир; тутун
Ўрлар гўё мовий бир устун.
Немис нонвой дарчасини очиб,
Кўпдан, қоғоз қаллиғи бошда,
Нон сотади жуда саришта.

XXXVI

Бал шовқини ҳоритиб бироқ,
Субҳидамни айлаб ярим кеч,
Шўхлик, ҳашам бандаси бу чоқ
Ухлар ором оғушида тинч.
Уйғонади чошгоҳда алҳол,
Тонгга қадар яна шу аҳвол —
Умр кечар рангин, бир изда,
Ўтган кунга бу кун эғиздай.
Энг гуллаган чоғлари лекин
Зўр зафарлар зиёси аро,
Кунларнинг айш, сафоси аро
Бахтлимиди эркин Онегин?
Базму зиёфатларда буткул
Соғломмиди, беғаммиди ул?


XXXVII

Йўқ, ҳислари совуди эрта;
Эзди кибор ҳаёт сурони.
Жононалар оз фурсат, ўртаб,
Хаёлининг бўлди меҳмони.
Хиёнатлар бевақт толдирди,
Дўстлик, дўстлар кўнглига урди.
Кейин, ҳар кун осонмас ийиб,
Beef-stedks-у³³ сомсага тўйиб,
Сўнг шампанга қонмоқ шундақа,
Бош беомон огриган кезлар
Сочолмайди у тиғдор сўзлар.
Бўлса ҳамки олов, шумтака,
Қизиқтирмай қўйди охир ҳеч
Жангу жадал, найзаю қилич.

XXXVIII

Келмишдир у мубтало бўлган
Дард сабабин аниқлаш опи:
Мисли инглиз *ғашлиги* олган,
Алқиссаки, рус *хафақони*
Аста-секин чулғамиш уни.
Йўқ, худога шукр, ўзини
Ногоҳ отиб қўйгани йўқ ул,
Лек яшашдан совиди буткул.
Ғамгин, *Chid-Narold*дек³⁴, синиқ
Даргоҳларда кўринар яна.
На ғийбату на қарта ва на
Хумор кўз, на ошкор хўрсиниқ
Этар эди кўнглига таъсир;
Ҳеч нарсани хушламас тақир.

XXXIX. XL. XLI



XLII

Эй, кибор эл жилвагарлари!
У энг аввал тарк этди сизни.
Рост, ҳавойи оҳанг зарблари
Дилгир қилар бу ёшда бизни.
Бирон хоним нутқида кам-кам
Учрар балки Сей³⁵ билан Бентам³⁶,
Лекин улар суҳбати зинҳор
Бемаънидир, гарчи беғубор.
Тағин улар жуда бегуноҳ,
Кўп улуғвор, беҳад оқила,
Диёнатга қалблари тўла,
Эҳтиёткор ва зийракнигоҳ,
Эркак зоти яқин йўламас,
Кўрсанг, зиклик бошланади, бас⁽⁶⁾.

XLIII

Эй, навниҳол, маъсум гўзаллар,
Петербургнинг тош йўлларидан
Аравалар кечки маҳаллар
Сизни олиб кетарди бирдан;
Ҳа, сиздан ҳам Евгений кечди,
Қизгин айшу сафодан қочди.
У қамалиб олиб ётоққа,
Эснаб, қалам тутди ёзмоққа,
Уринди-ю, бу заҳматли иш
Кўнглин қилди беҳузур, қалам
Унга ҳамдард бўлмади, у ҳам
Бўлмади бир тажанг элга эш
Ки, бу элни нетгум ёзиб мен,
Ўзим, ахир, унга мансубмен.

XLIV

Бекорликка у яна содиқ,
Қалб бўшлиғи солиб қийноққа,
Киришди у — мақтовга лойиқ
Ўзгалардан ақл олмоққа.
Китобларни тоқчага тизди,
Ўқиб-ўқиб, уқмади, безди:
Унда — алдов, дилгирлик, ёлғон,
Ё бемаъни, ёки бевиждон.
Ҳаммасида турфа риёзат,
Ҳаммасида — ривоят сийқа,
Кўза — янги, сув ўша — қуйқа.
Аёллардек ташлаб, ниҳоят,
Чанг қоплаган тоқчага шартга
Тортди қора — мотамий парда.

XLV

Кечиб кибор даврадан мен-да,
Галвалардан этак қоққандим.
Биз топишиб дўстлашдик шунда,
Кўп сифати менга ёққанди:
Хаёлларга зўр садоқати,
Ўхшаши йўқ ажаб ҳолати,
Кескин, совуқ феъли ҳам маъқул.
Мен — қаҳрли, маъюс эди ул;
Испрат шавқин билардик андоқ;
Иккимиз ҳам ҳаётдан тўнган,
Қалбимизнинг олови сўнган.
Умримизнинг тонгларидаяқ
Икковни ҳам кутарди нари
Кўр толею одамлар қаҳри.

XLVI

Яшаб фикр қилгувчи инсон
Инсонларга нафратсиз бўлмас.
Ҳисли юрак топмагай омон —
Қайтмас кунлар шарпаси қўймас:
У дил мафтун бўлолмас, ҳайҳот,
Унга илон бўлгай хотирот,
Уни ўкинч кемиргай абад.
Бир назокат сингдирар фақат
Бунинг бари сўзлаш тарзига.
Онегиннинг тили аввало
Лол қолдирди мени, сўнг аммо
Кўникдим мен аччиқ баҳсига,
Заҳар ҳазил сўхтасига ҳам,
Мудҳиш шеърий қитъасига ҳам.

XLVII

Ез палласи бирга кездик кўп.
Тунги само Нева устида
Ложуварду ёруғ эди хўб;
Ўйноқи сув ўз кўзгусида
Кўрсатмас ой — Диана аксин.
Биз эслашиб ўтмиш қиссасин,
Кечган муҳаббатни этдик ёд.
Боз туйғуга чўмиб, беғам, шод,
Ул хайрихоҳ тун ҳавосидан
Лаззат бердик жимгина жонга!
Уйқусида яшил ўрмонга
Келтирилган тутқундек шу дам
Учдик хаёл қўйнида тамом
Еш умрининг кўклами томон.

XLVIII

Надоматга тўлиб юраги
Харсангтошга суянганча тек,
Онегиним ўйчан туради
Ўз тасвирин чизган шоирдек.
Жимжит эди ҳаммаёқ, холос —
Қоровуллар берарди овоз.
Келур Милён кўчасидан гоҳ
Араванинг тақ-туқи ногоҳ.
Эшкак уриб танҳо бир қайиқ
Сузар эди мудроқ дарёда;
Бизни асир этди — нарёгда
Янгроқ бурғу, оташин қўшиқ.
Лек лазизроқ бу тун ароси
Торкватонинг шеърий садоси!³⁷

XLIX

Хей, сиз, Ядронденгиз³⁸ мавжлари!
О, Брента!³⁹ Кўргумдир сизни!
Илҳомларим тинсиз мавжланиб,
Тинглай соҳир товушингизни.
Муқаддасдир бу сас Апполон
Авлодига⁴⁰. Мағрур Альбион
Созидан у менга эш, дилдош⁴¹.
Венеция диёрининг ёш —
Гоҳ сўзамол, гоҳо индамас
Гули билан Италиянинг пок
Туни сирли қайиқда бебок
Эрк қўйнида сузарман сармаст.
Ул малақдан олурман билиб
Петрарка⁴² ва муҳаббат тилин.

L.

Келармикин эрким замони?
Келгин энди! — дея зорлайман.
Денгиз узра очиқ ҳавони
Кутиб, оқ елканни чорлайман⁽⁷⁾.
Бўрон ридосига ўраниб,
Озод тўлқинлар-ла уриниб,
Озод йўлим бошларман қай чоқ?
Асов адоватли тўнг қирғоқ
Қолсин энди. Энди кўз тикай
Чошгоҳ мавжи жавлонларига
Ҳам Африкам осмонларига,⁽⁸⁾
Тунд Россиям ўйлаб антикай:
Севгим, дардим диёридир у,
Юрагимнинг мазоридир у.

LI

Тайёр эди мен-ла Онегин
Ўзга диёрларни кўрмоққа.
Тезда тақдир бизни ва лекин
Узоқ замон қўйди фироққа.
У чоғ вафот қилди отаси.
Қарзчиларнинг очкўз тўдаси
Евгенийни ўради дарҳол,
Ҳар бирида ўзга арзи ҳол.
Даъволардан ҳазар қилганча
Ўз чекидан бўлдию рози
Қарзларига кетди мероси,
У зиён ҳам кўрмади унча.
Амакиси ўлишин ё у
Билдимикин олдиндан, ёҳу!

LII

Чиндан ҳам иш бошқарувчидан
Дафъатанда олди у бир хат:
Чол тўшакда бетобмиш жуда,
Ризолашув истармиш беҳад.
Ўқибоқ бу мунгли хабарни
Дарҳол лозим топди сафарни.
«Почтавой»да елди у бирдан,
Уни эсноқ тутди ҳозирдан.
Мерос ҳаққи, шайлайди шу чоқ
Оҳу зорни, найранг, ёлгонни.
(Шундан бошлаб эдим дostonни);
Кўрди, етгач қишлоққа бироқ —
Амакиси тахта узра тек
Ётар тупроқ кутган совғадек.

LIII

Қўра гавжум — барча парвона;
Ҳар томондан, сўниб юзлари,
Келишарди дўсту бегона
Ҳамда дафн ишқибозлари.
Марҳумни ҳам қўйишди ерга.
Поп, меҳмонлар еб-ичди бирга.
Сўнг гердайиб тарқалди мажъул,
Гўё ишга бўлдилар машғул.
Қишлоқидир Онегин энди,
Ер-сувгаю ўрмонга хўжа.
Аслида-чи, шу фурсатгача
Бетартибу исрофгар эди.
Энди мамнун — у йўлни ташлаб,
Неларгадир олди алмашлаб.

LIV

Икки кунча сокин далалар,
Жилғаларнинг жилдирашлари,
Қуюқ, салқин эманзор — булар
Янгичадек туюлди бари.
Тепа, дашту дарахтзор лекин
Учинчи кун бермади таскин.
Сўнг уйқусин келтирди чунов,
Кейин эса кўрди у аён —
Қишлоқда ҳам ўша дилгирлик.
Гарчи бунда на бир кўча бор,
На сарою на бал, на ашъор,
Хафақонлик айлаб тихирлик,
Соя ва ё вафодор хотин
Қаби унга эргашар бетин.

LV

Мен туғилдим осуда ҳаёт
Ҳамда қишлоқ жимлиги учун;
Овлоқларда куйларим обод,
Ҳам ижодий ўйларим бутун.
Мен бокира онларга фидо —
Кўл бўйларин кезаман шайдо.
Far niente* — умримга ғоя,
Ором дея, эркинлик дея
Уйғонаман ҳар куни наҳор:
Оз ўқийман, кўп ухлаб фақат,
Қизиқтирмас ўткинчи шуҳрат.
Йилларимни шу йўсин бекор
Энг бахтиёр кунларимнинг шод
Соясида ўтказдим, ҳайҳот!

LVI

Гуллар, севги, эркинлик, қишлоқ,
Далалар! Мен сизга фидомаман.
Онегиндан ўзимнинг мутлоқ
Фарқим айтиб шодман жуда ман.
Истеҳзоли ўқувчим токи,
Аллақайси ноширми ёки
Бирон тухмат бандаси ноҳос
Феъл-атворим айлабон қиёс,
Демасинким, ул мағрур шоир
Байрон каби мен ҳам навода
Ўз тасвирим этдим ифода;
Гўё бошқа одамга доир
Достон битмоқ биз учун душвор,
Шоир ўзин айлармиш ошкор.

* Бекорчилик, эркинлик (итальянча).

LVII

Айтиб ўтай, барча шоирлар
Бир хаёлкаш севгига ёрдир.
Менга азиз лавҳалар, сирлар
Тушларимда азалдан бордир.
Қалбимда жо эди бариси,
Сўнг тиргизди илҳом париси:
Мен беармон куйладим суюб
Соф омомим — тоғлар қизию
Солғирдарё аспраларин.
Энди сиздан, азиз жўралар,
Менга шундай савол таралар:
«Созинг ким деб ун чекар сарин?
Рашкчи қизлар тўдаси аро
Сен қай қизга бахш этдинг наво?»

LVIII

Илҳомингни қўзғаб қай нигоҳ,
Ҳадя этур меҳрини, ширин,
Сенинг ўйчан куйларингга гоҳ?
Ўзи кимга топингай шеъринг?»
Худо ҳаққи, ҳеч кимга, дўстлар!
Телба севги ғалвасин бўзлаб,
Мен бошимдан кечирдим полон.
Бахтиёрдир, кимки ишқ билан
Қофиянинг жазавабини
Қўшиб, шеърятнинг муқаддас
Ингроқларин орттирсаю, бас,
Петрарканинг босиб изини,
Таскин топса, шон ҳам топса зўр!
Мен севганда эдим гунг ва кўр.

LIX

Севги ўтди, илҳом париси
Зулмат фикрим ёритди хиёл.
Озодману излайман кезиб
Сеҳрли сас, туйғу ва хаёл.
Езаману йўқ дилда ғамим,
Чизмас энди ҳушсиз қаламим
Чала шеърлар ёнига шошиб
Аёл оёқчасин ва бошин.
Қайта ёнмас юракдаги кул,
Қийналаман, ёшсиздир кўзим
Ва ҳадемай бўронлар тўзиб,
Сўнар, сўнар руҳимда буткул;
Ўшанда мен ёзурман ростдан
Йигирма беш қўшиқли дoston.

LX

Ўйлаб қўйдим асарнинг шакли,
Ҳам исмини қаҳрамонимнинг.
Ҳозирча мен биринчи фасли
Тугалладим шу дostonимнинг.
Сўнг диққат-ла қараб чиқдим хўб,
Зиддиятлар унда жуда кўп.
Аmmo энди тузатмам ҳар зум,
Цензурага тўларман қарзим.
Чайнаш учун танқидчи халқи
Меҳнатимнинг меваси тайёр.
Боргил, Нева бўйларига бор,
Эй, чақалоқ ижодим, балқил!—
Хизмат қилиб, менга шон келтир,
Шов-шув, бўҳтон ва сурон келтир!

ИККИНЧИ ФАСЛ



O Rus*
Нор⁴³
O, Русь!..⁴⁴

I

Ул Евгений зериккап қишлоқ
Гўша эди ажойиб, якка.
Бунда пок завқ шайдоси бироқ
Шукроналар айтур фалакка.
Сой бўйида шундоқ шоҳона
Турар эди танҳо кошона,
Шамоллардан тўсганди тоғлар.
Яшнар эди яқин-йироқлар —
Яйловлару олтин экинзор.
Элас-элас қишлоқ кўрингай,
Унда-бунда пода урингай.
Ташлаб қуюқ кўлкаю шохсор,
Қаровсиз бир катта боғ турар,
Унда маъюс парилар юрар.

* O, қишлоқ!.. Ҳораций (логинча).

II

Солинмиш ул муҳташам қаср
Барча улуғ қасрларга хос.
Мустаҳкаму тинчу бекаср,
Ўтмишнинг дид-идрокига мос.
Бўлмалари — баланд, сафоли,
Меҳмонхона — гулдор матоли,
Деворда шоҳ суратлари бор,
Печлари ҳам силлиқ, кошиндор.
Буқун бари эскирмиш алҳол,
Тўғриси, мен билмадим, нечун.
Лекин менинг дўстгинам учун
Қизиғи кам, шундан эҳтимол,
Тинмай эснар ушбу паллада
Бу урғ бўлган қадим қалъада.

III

У жойлашган хонада қирқ йил
Оқсоч билан уришиб, филҳол,
Деразага қараб муттасил,
Пашша эзиб ўтди ўтроқ чол.
Бари оддий бунда: пол — эман,
Икки дулаб*, стол, нар диван,
Сиёҳдоғ йўқ бирон ерида.
Дулабларни очди: бирида
Харж дафтари ётибди абгор,
Биттасида қатор кўзалар —
Олмашароб, мусаллас улар,
Саккизинчи йил тақвими** бор.
Чол иши кўп бўлиб эрта-кеч,
Китобларга қарамаган ҳеч!

* Дулаб — шкаф.

** Тақвим — календарь.

IV

Ўз мулкида Евгений ёлғиз,
Вақт ўтказиш учунгина шод,
Этмоқ бўлди аввало таъсис
Бунда янги усул, тартибот.
Дашт-саҳронинг бу пири сўғин
Қадим қуллик бўйинтуруғин
Алмаштирди божу солиққа;
Қул ҳам шукр айтди борлиққа!⁴⁵
Бир ҳисобдон қўшниси бироқ
Сезиб бунда даҳшатли зиён,
Бир чеккада тумшайди ёмон,
Маккорона илжайди биров.
Ҳамма бирдай ҳукм этди: бешак,
Онегин кўп хатарли тентак!

V

Дастлаб ҳамма йўқларди уни.
Лекин катта йўлдан эшитгач
Араванинг тақа-туқини,
Қароллари орқа эшикдан
Дон айғирин тутқазар шу тоб,
Қочиб қолар Онегин шитоб.
Бу қилиқдан хўрлашиб беҳад,
Барча узди дўстликни мишбаъд.
«Қўшни — нодон, эси ҳам бутмас,
У — фармазон,⁴⁶ қирмизи чоғир
Ичар фақат, қўшилмас тақир;
Хонимларнинг қўлларин тутмас;
Ҳа дер, йўқ дер, демас *лаббай, хўш...*»
Умум фикри шунақа похуш.

VI

Уша пайтлар ўз қишлоғига
Бир заминдор суриб келиб от,
Худди шундай гап-сўз ўқига
Нишон бўлиб қолган эди бот.
Владимир Ленскийдир ул,
Ҳеттингеннинг⁴⁷ руҳида буткул,
Кўркам, айни гуллаган тўлиб,
Шоир эди, ҳам Кантга⁴⁸ муҳиб.
Олис Олмон юртидан бу зот
Келтирганди урфон гулларин,
Эркинликнинг пок орзуларин,
Руҳи жўшқин, ғаройиб, озо.
Нутқи оташ, елкага ошиб
Тушган қора, қўнғироқ сочи.

VII

Қибор давра ғаҳшу фисқининг
Нафасидан сўлмай тамоми,
Илитарди қалбини унинг
Дўст саломи, қизлар каломи.
Содда эди маъсум юраги,
Йўлдош эди орзу-тилаги.
Дунё кўрки, ғалваси — на сир,
Ёш ақлни этганди асир.
Ширин ўй-ла овулар аммо
Ўз қалбини, борса гумонга;
Бизнинг ҳаёт ғояси унга
Жумбоқ эди, қизиқ муаммо;
Бош қотириб мудом беғараз,
Мўъжизалар айларди фараз.

VIII

Ишонарди, жондош ўша қалб
Ўзи билан топишар бир кун
Ва ўртаниб, зориқиб, алқаб
Фақат уни кутади ҳар кун.
Ишонарди, унинг шаънига
Дўстлар шайдир ёв кишанига,
Қўллари ҳеч титрамай бирин,
Синдиради тухмат шамширин;
Тақдир раво кўрган қисмат бор,
Элнинг азиз дўст-халафлари
Ва уларнинг ўлмас сафлари
Ҳаммамизни қачондир бир бор
Сўнмас нур-ла ёритгай албат,
Бу дунёга бахш этгай роҳат.

IX

Афсуслари, қаҳру ғазаби
Ва толега тоза муҳаббат,
Шуҳратнинг ҳам аччиқ азоби
Қонларини қайнатди барвақт.
У соз билан кездию замин,
Кўрди Шиллер, Гёте⁴⁹ оламин,
Ул зотларнинг шеър оташида
Елқинланди юраги жуда;
Ҳаргиз илҳом париларин у
Хижолатда қўймади, масрур,
Қўшиқларда сақлади мағрур
Энг бокира туйғуларин у;
Сақлади пок орзулар эркин
Ҳам улуғвор соддалик кўркин.

X

У севгини куйларди беҳуд,
Соддадил қиз хаёл дунёси
Еки гўдак тушидек, ёхуд
Мисли сирлар, оҳлар худоси —
Сокин само саҳросида моҳ
Қўшиқлари равшан ва дилхоҳ.
У куйларди ғамни, фироқни,
Ниманидир, йироқ-йироқни.
Куйлар олий хаёл гулларин
Ва сукунат қўйнига қайноқ
Кўз ёшлари бир замон узоқ
Томган ўшал олис элларин;
У, ўн саккиз ёшида ҳаёт
Сўлғин гулин куйларди, ҳайҳот.

XI

Иқтидорин бу даштда фақат
Қадрлайди Евгений танҳо.
Қўшниларининг суяқ салтанат —
Базмлари ёқмайди асло.
Қочар, шовқин гурунгда кечар.
Топган гапи уларнинг — пичан,
Уруғ-аймоқ, шароб, итхона,
Пок туйғудан йўқдир пишона.
Порлар унда на бир шеърият,
На ўткир дид, на теран нақл,
Зиёланур на комил ақл,
Учқун берар на бирор санъат.
Хотинларин суҳбати бироқ
Бундан кўра яна сийқароқ.

XII

Ленский хўб хушфеъл, бадавлат;
Бир куевдек олинар пешвоз;
Қишлоқ жойда шу асли одат...
Ҳамма ҳам ўз қизини бехос
Мўлжаллайди шу *чала русга*,
Қаён борса, суҳбат ҳам ўзга
Ранг олади, сўз айтса қайси,
Бўйдоқликнинг йўқ, дейди, файзи.
Қўшни чойга даъват этилар,
Дуня қуйиб узатади чой,
Шивирлашар унга: «Қара, ҳой!»
Сўнгра мезбон гитар келтирар:
Қиз чийиллар: (парвардигорим!)
«Қўрғонимга кел энди, ёрим!..»⁽⁹⁾

XIII

Никоҳ номли кишанга бироқ
Ленскийда йўқ эди ҳавас.
У Онегин билан собитроқ
Дўст тутинсам дерди беғараз.
Топишдилар. Тўлқин билан тош,
Шеър ва наср, муз билан оташ
Буларчалик бўлмас хилма-хил.
Бир-бирига қарши якки дил
Аро аввал бўлди совуқлик;
Кейин ҳар кун учрашдилар, бас,
Дўст бўлдилар сира ажралмас,
Аста пайдо бўлгач ёвуқлик.
Ўзим шоҳид, одамлар мутлоқ
Бекорликдан дўстлашур шундоқ.

XIV

Шу дўстлик ҳам йўқ лекин бизда.
Суриб бари хурофий изни,
Биз барчани йўқ санаймиз-да,
Якто деймиз бир ўзимизни.
Биз ҳаммамиз Наполеонмиз,
Бизга бирдай қуролдир жонсиз
Иккиоёқ жамики жонзод,
Кулгулидир, ётдир ҳиссиёт!..
Йўқ, кўплардан дуруст Онегин;
Одамларни билса-да, албат,
Ва улардан қилса-да нафрат,
(Истисносиз қонун йўқ) лекин
Баъзиларни заб фарқлар эди,
Эзгу ҳисни ардоқлар эди.

XV

Бир табассум билан тинглар у
Шоирининг ўтли сўзларин.
Беқарор ўй-фикрларини
Мудом ёниб турган кўзлари
Янгиликдир Онегин учун;
Тез ичига ютарди беун
Келиб қолса бир совуқ калом,
Ўйлардики, телбалик тамом
Сўзин бўлмоқ, жўшса ботици;
Ҳукмин ўқир менсиз ҳам замон,
Майли, ҳозир яшасин омон
Ўйлаб дунё камолотици;
Маъзур ўлсин, майли, ёш юрак,
Шошқинлигу ўту гулдурак.

XVI

Ҳамма нарса икки дўст аро
Мунозара қўзғар хирадлиғ:
Аждодларнинг шартномаси⁵⁰ ё
Фан маҳсули⁵¹, неклиғ ва бадлиғ.
Қолмас асрий бидъатлар бари,
Ажалнинг ҳам машъум сирлари,
Сўйланадир ҳаёт ва қисмат,
Ҳукм айтилури барига албат.
Фикру хаёл ўтида гоҳо
Ёниб-ёниб шоирнинг жопи,
Ўқиб кетар Шимол достони
Парчаларин⁵². Евгений аммо
Фаҳм этмаса ҳамки кўп терап,
Тинглар эди тавозеъ билан.

XVII

Икки дарвиш фикрини кўпроқ
Банд этарди завқу эҳтирос.
Ҳиссиётга берилмай бироқ,
Сўйлар эди Онегин ноҳос
Афсуслару армонлар билан;
Бахтиёрдир, тугёнлар билан
Ёниб, охир қўл силтаган зот.
Бахтлироқ, ким баридан озод —
Кўмса ишқини айрилиқ билан,
Хусуматни ғийбат билан ё,
Эснаб хотин, дўстлари аро
Боқмаса рашқ, ғайрлик билан.
Бахтлидир, ким боболарнинг бор.
Ҳалол молини қилмаса қимор.

XVIII

Биз, хирадманд жимлик байроғи
Соясида топаркан паноҳ,
Эҳтироснинг сўниб маёғи,
Сўнг кулгули туюларкан гоҳ
Бизга ишқнинг эрку шиддати
Ва кечиккан сўнгги даъвати, —
Ювошгина бўлиб шунда биз
Тингламоқни маъқул кўрамиз
Ўзгаларнинг туғёнли сўзин,
Чўғ солади улар юракка.
Кулбасида бир ўзи якка
Қолган қари аскар шу йўсин
Шўх, шопмўйлов ёшларнинг қайноқ
Суҳбатига тутадир қулоқ.

XIX

Гувлаб турган олов ёшлик ҳам
Ҳеч нарсани яширмас алҳол.
Гараз, севги, қайғу, шодлик ҳам
Ёнишларда фош бўлур дарҳол.
Муҳаббатда қари аскардек
Онегин ҳам тинглар эди тек —
Севиб туриб кўнгил иқрорин
Шоир нечук фош этур борин;
У покиза виждони сасин
Софлик билан айлайди ошкор.
Ёилиб олди Евгений ҳам бор
Ёш севгининг ажиб қиссасин.
Ҳисга тўлуғ бу ҳикоят, бас,
Бизга букун янгилик эмас.

XX

У севарди, оҳ, бизнинг ёшда
Ҳеч ким бундоқ севолмас, мунгли,
Фақат маҳкум севмоққа бошдан
Бир шоирнинг девона кўнгли:
Ҳамма жойда мудом бир хаёл,
Бир одатий орзу, бир малол.
Бездиргувчи йироқ-йироқлар,
На кўп йиллар кезган фироқлар,
Илҳом париларига ва на
Фидо бўлган онлар хаёли,
На бегона юртлар жамоли,
На илму фан, на шўх тантана —
Ўзгартмади пок ўт аро зор
Ёнган унинг руҳини зинҳор.

XXI

Ўсмирликдан Ольгага асир,
Учрамай дил қийпоқларига,
Ийиб, шоҳид бўлганди, ахир,
Қизнинг гўдак қилиқларига;
Ёш дарахтзор қўйнида ул дам
Завқларига бўлганди ҳамдам.
Оталари — жон қўшнию дўст,
Қудаликдан дейишарди сўз.
Лагофатга йўғрилиб буткул,
Сокин, хилват боғ паноҳида,
Ота-она кўз-нигоҳида
Очилганди бир марваридгул,
У бир гулки ўтлоқда нари,
На капалак кўргай, на ари.

XXII

Бахш этганди шоирга у қиз
Еш қувончининг илк тушларини.
Уй-хаёли жонлантирди тез
Найин нола этишларини.
Кечиринг, эй, дилкаш ўйинлар!
Севди қалин ўрмонни йиллар,
Жимлик, хилват жойларни севди,
Тунни, юлдуз-ойларни севди;
Ойни севди — само чароғин,
Бахш этганмиз унга бир пайт биз
Кўзёш, зулмат аро сайримиз,
Сирли азобларнинг мароқин...
Энди ойга тикканда кўзни,
Кўргаймиз бир хира фонусни.

XXIII

Қамтар эди қиз, итоаткор,
Ҳамиша тонг мисоли қувноқ;
Шоир умри каби беғубор
Ва муҳаббат бўсасидек пок.
Осмон янглиғ мовий у кўзлар,
Табассумлар, жаранг овозлар,
Заррин кокил ва енгил қомат —
Ольгададир бари... Сиз фақат
Тўғри келган романдан буқув
Унинг аксин топурсиз — гўзал.
Шундай қизни севардим аввал,
Кейин жонга тегди у бутун.
Рухсат айланг, ўқувчим, бизга,
Опасидан сўйлайин сизга.

XXIV

Опасининг исми — Татьяна..⁽¹⁰⁾
Биринчи бор айлаб тадорук,
Зариф саҳфаларни биз, мана,
Бу ном ила этдик табаррук.
Нима дердик? Жарангдор ва хуш,
Лек бу отда яшайдир нохуш
Ўтмиш ҳаёт хотиралари —
Чўрихона аспралари.⁵³
Чин эътироф этайлик: бизда,
Исмимизда дид-нафосат кам,
(Қўя қолинг шеъримизни ҳам);
Маърифат йўқ вужудимизда,
Фақат ундан юққани бир оз
Ишвалару қилиқлар, холос.

XXV

Демак, унинг исми Татьяна.
Синглисидек у хушрўй эмас,
Еноқлари ол эмас ява,
Кўзларни кўп ҳайрон айламас.
Бир ёввойи, индамас, гамлиғ,
Хуркак, ўрмон оҳуси янглиғ.
Ўз уйида гўё Татьяна
Ўгай эди, эди бегона.
Эркалана билар қизалоқ
На ота, на онаизорга;
Бола бўлиб бола қаторга
Кирмас, чопмас, ўйнамас қувноқ.
Деразанинг ёнида ёлғиз
Хомушгина ўлтирарди қиз.

XXVI

Гўдакликдан шудир одати:
Дугонаси — ўйчанлик. Аён,
Қизни сокин қишлоқ ҳаёти
Хаёл билан этмиш музайян.
Қўли игна тутмаган тўйиб,
Тиззасига кашталар қўйиб,
Бир парчага на ёз, на қишлар
Солгани йўқ ипак нақшлар...
Хукмронлик белгиси аён:
Қўғирчоқ-ла ўйнаб отига,
Қибор давра тартиботига
Тайёрланар миттигина жон;
Онажони ўргатган не бор,
Қўғирчоққа сўйлайди такрор.

XXVII

Йўқ, Татьяна ўша пайтлар ҳам
Қўғирчоққа қарагани йўқ.
Шаҳардану наъмадан у дам
Бижир-бижир сайрагани йўқ.
Шўхликлар ҳам ёт эди бари,
Узун, қора қиш кечалари
Мурғак дилни, ёқмай эрмаклар,
Асир этди қўрқинч эртақлар.
Энагаси Ольга ёнига
Ўртоқларин мудом тўпласа,
Чаманзорда ўйнасин, деса,
Қўшилмасди тўполонига —
Татьянага на қийқириқлар
Еқар эди, на шўх қилиқлар.

XXVIII

Секин-секин сўнаркан оқиш
Самовотда гужгон юлдузлар,
Қиз, тонглари айвондан боқиб,
Шарқ уфқидан узмасди кўзлар.
Замин кўкси зиё сезадир,
Тонг элчиси — сабо эсадир,
Сўнг порлайдир қуёш талъати.
Қиш чоғлари кеча зулмати
Қоплаганда ярим дунёни,
Ва маъносиз жимлик бошида
Туман кийган ойнинг қошида
Эринчак Шарқ ухлаган они,
Уйқусидан бир пайт ул турар,
Шам нурлари аро ўлтирар.

XXIX

Ешлигидан қизни романлар
Ўз домига тортди-ю роса,
Мафтун этди уни ёлгонлар,
Гоҳ Ричардсон,⁵⁴ гоҳида Руссо.
Қиз отаси — софдил бир инсон,
Яшар ўтган асрда ҳамон.
Йўқ деб ўйлар китобдан зиён,
Ўқимасдан ўзи ҳеч қачон,
Ўйинчоқ деб билар китобни.
Қиз ёстиғи остида кеча
Қайси асар ниҳон тонггача —
Ўйламасди сира бу бобни.
Сўнг хотини тағин нетарди —
Ричардсон деб эси кетарди.

XXX

Хотин севар хўб Ричардсонни,
Ўқигани сабабмас аммо,
Ё Ловласдан Грандисонни⁵⁵
Кўрганлиги учунмас авло;⁽¹¹⁾
Бир маҳаллар ўша бўласи —
Москвалик бегойим ўзи
Ул зотлардан сўйларди эриб.
Еш куёв-у ўшанда эри,
Бироқ уни хушламасди хўб.
Қизнинг кўнгли эди бошқада,
Қалби, ақли тамом бошқача
Бир йигитни истар эди кўп:
Грандисон ўша бир тўра
Сержант эди, қиморга жўра.

XXXI

Қиз ҳам ўша пўрим йигитдай
Наъмага мос танларди кийим;
Аммо ундан сўрамай-нетмай,
Бошқасига бердилар кейин.
Тарқасин деб алами, чери,
Уддабурро, фаҳмли эри
Қишлоғига жўнади олиб,
Худо билар, ким сўрар ҳолин!
Аввалига йиғлаб, талпиниб,
Кетишига сал қолди келин,
Рўзғорига овунди кейин,
Кўникдию тан берди тиниб.
Кўникма бу — фалақдан ато,
Бахт ўрнини босур бехато.⁽¹²⁾

XXXII

Ниҳоясиз дарду аламин
Аста-секин босди кўникиш.
Бир кашфиёт эса оламин
Тинчлантирди буткул куну кеч.
Фурсат етиб, тошди бир чора —
У эрини қилгай идора,
Ҳоқимона кечиргай ҳаёт;
Ҳамма нарса изга тушди бот.
Иш бошига от миниб борар,
Тузлар қишга замбуруғ, бетин,
Харж юргизар, соч қирар хотин,⁵⁶
Ҳар шанбада ҳаммомга кирар.
Жорияни калтаклар бирдан. —
Неки қилса, сўрамас эрдан.

XXXIII

Бир пайт қизлар альбомин қони —
Юрак қони билан безарди.
Полина деб Просковьяни,⁵⁷
Исмин қўшиқ қилиб чўзарди.
Русча «Н»ни фарангча «N»дак
Димоғ билан айтарди андак,
Белин қисган ички тасмача;—
Ўтди, букун бари бошқача:
Тасма, альбом, бекқиз Алина,
Ҳисга тўлуғ шеърӣ дафтари —
Унутилди оҳиста бари,
Акулькадир букун Селина.
Кийиб олди охир кейинроқ
Пахталик бир гушпию қалпоқ.

XXXIV

Лекин эри севарди жондан,
Аралашмас хотин ишига.
Бор юмушни унга ишонган,
Беғам юрар уйнинг ичида.
Умри кечар осуда, ором,
Дилкаш қўни-қўшни баъзи шом
Келишарди йиғилиб бисёр.
Тўпорию очиқ дўсту ёр
Ҳасратлашар, қилишар ғийбат.
Нелардандир хўб кулишарди,
Вақт ўтарди, буюришарди
Чой келтир, деб Ольгага бир пайт.
Кечлик шунда кечар, ҳориган
Меҳмонлар кеч чиқар ҳовлидан.

XXXV

Дилбар ўтмиш расму русмини
Тинч турмушда сақламиш булар.
Қиш кузатиш байрами кун
Тўкин келар, қуймоқлар бўлар.
Йилда икки айлашар парҳез,⁵⁸
Хонадонга арғимчоқ азиз,
Фол қўшиғи, яллалар хил-хил.
Троица ҳайитида эл
Тинглар экан эснаб ибодат,
Эгиб тутам гиёҳ узра бош,
Булар тўкар уч-тўрт томчи ёш,⁵⁹
Қадрлашар қвасни ғоят⁶⁰.
Таомлар ҳам тортиларди ваб
Даражаю насабга қараб.

XXXVI

Улар шундай қаришди қўша,
Ва ниҳоят, эрин бир сафар
Қабр тортди дарчасин оча,
Марҳум кийди янги гулчамбар.
Тушга яқин жон берди бу зот,
Аза очиб, кўтарди фарёд
Хотин, фарзанд, қўшни, хешлари...
Софдил эди ҳаддан ташқари,
Хушфеъл эди, оддий, камтарин. .
Энди унинг хоки бошида
Бир лавҳа бор қабртошида:
Ором олур Дмитрий Ларин,
Битта мўмин, гуноҳкор банда —
Тангри қули, бригадир⁶¹ бунда.

XXXVII

Ленский боз алқаб диёрин,
Келган замон ўз қишлоғига
Бот зиёрат айлаб мозорин,
Бир оҳ чекди қўшни хокига.
Ҳасратлари кўксида синиб,
«Роог Ҳоғич!⁽¹³⁾ — деди хўрсиниб,—
Ўйнатарди мени бир замон,
Мен Очаков нишонин ⁶² шодон
Болаликда қандоқ ўйвардим!
Бермоқчийди Ольгани менга,
Етарманми, дерди, у кунга?..»
Шоир ғамга тўлиб ўйларди.
Владимир ўртаниб шу кез
Бир марсия адо этди тез.

XXXVIII

Шунда, худди шундай қабртош
Остидадир ота-онаси.
У зиёрат этди тўкиб ёш...
Э воҳ, дунё меҳмонхонаси!
Унда оний ўримдек бирдан
Илоҳий бир ирода бирлан
Унар, пишар, қулар бир насл,
Боз авлодлар келур муттасил...
Бизнинг бевурд авлод ҳам албат
Унар-ўсар, тошар, ҳовлиқар,
Боболарни қабрга тиқар,
Келур, келур бизга ҳам фурсат;
Набиралар қутлуғ бир соат
Даф этишар бизни ҳам абад!


XXXIX

Ҳаёт ила маст яшангиз, шод,
Қувнанг, дўстлар, ғаниматдир дам!
Менга эса ҳечдир бу ҳаёт,
Бу дунёга менинг меҳрим кам.
Орзуларга силтаганман қўл,
Лекин олис умидлар нуқул
Юрагимни ўртагай яна:
Қолдирмасдан бирон нишона,
Дунёни тарк этмагим надир?
Шуҳрат учун ёзмадим яшаб,
Лекин баъзан истардим, ажаб,
Топсин мунглуғ қисматим қадр.
Ҳеч бўлмаса, бир садо, бир дод
Чин дўст каби этсин мени ёд.

XL

Қай бир дилга етиб бу садо,
Тақдир паноҳ бўлиб барига,
Чўкмай қолур байтларим ва ё
Балки, фано наҳри қаърига;
Балки, (шундай нек умидим бор!)
Бирон нодон шивирлар — донгдор
Суратимга айлаб ишора:
«Шоир эди, о бу бечора!..»
Илоҳалар муҳиб, эй, зот,
Шафиқ қўли кексанинг сабил
Шухрат тожин силаган эй, дил,
Эй, сен, учқур шеъримни озод
Ўз ёдида сақлаган омон,
Ташаккурим сенгадир ҳамон!

УЧИНЧИ ФАСЛ



Elle était fille, elle était amoureuse,
*Malfilâtre**

I

«Йўл бўлсин? Эҳ, шоирлар қурсин!»
— Хуш қол энди, кетай, Онегин.
«Ихтиёринг, бор, кетавер, сен
Қайда тунаб юрарсан лекин?»
— Ларинларнинг уйида. — «Ажаб!
Афв эт! Унда осонми яшаб,
Кечаларни айламоқ қурбон?»
— Асло. — «Қизиқ, кўрурман аён:
Аввал кутиб, келтириб қиём,
(Тўғрим, айт?) куйманиб жони
Оддийгина рус хонадони
Кўргузади иззат ва икром.
Суҳбатларинг кейин то охир —
Оғилхона, канопу ёмғир...»

* У қиз эди, у суйган эди.
Мальфилатр. (Фарангча.)

II

— Бунда йўқ ҳеч фожиа, зарар.
«Зерикасан, фожиа шу, дўст».
— Сизнинг кибор оламдан ҳазар,
Менга оддий оила дуруст
Ўи, мен унда... «Шоирликми боз?
Худо ҳаққи, бас, азизим, рост,
Нетай, афсус, жўнарсан бу гал.
Менга қара, Ленский, ўшал —
Фикру зикринг, қофиянг учун,
Кўзёшларинг учун сабабкор
Малагингни кўрсам-чи бир бор?
Олиб боргин». — Ҳазиллашма. — «Чин».
— Бўпти. — «Қачон?» — Истасанг, шу он,
Улар бизни қаршилар шодон.

III

Кетдик. —

Дўстлар отланди охир,
Манзилга ҳам етдилар ўшал.
Гоҳ меҳмондўст ўтмишнинг оғир
Манзарати ҳаддан ошди сал.
Маълум удум бўладир бажо:
Тақсимчалар келар — мураббо,
Келтирилар мумланган, тоза
Чоғирлари сақланган кўза.

.
.
.
.
.

IV

Кейин улар энг яқин йўлдан
Уйга елар чоптириб улоғ.
Келинг, гапу сўзларга бул дам
Биз яширин тутайлик қулоқ:
— Эснаяпсан, Онегин, жуда? —
«Одатим шу, Ленский». — Бунда
Зерикибсан баттар. — «Йўқ, бир хил.
Далаларга кеч тушди; юрғил,
Андрюшка, елсанг-чи, ахир!
Бундай расво жой йўқ ҳаётда!
Ҳа, дарвоқе, Ларина — содда,
Лекин яхши кампир экан бир.
Менга ўшал мусаллас энди
Ёмон таъсир қилмаса эди.

V

Татьянаси қайси бири, айт?»
— Анов, Светланадек⁶³ ғамгин,
Хомуш; кириб ўлтирди бир пайт
Деразанинг ёнига сокин. —
«Кичигини севдинг, наҳот сен?»
— Нима бўпти? — «Шоир бўлсам мен,
Унисини танлар эдим бот.
Йўқдир Ольга юзида ҳаёт.
Вандиканинг маъбудасидек⁶⁴
Юм-юмалоқ, ширмойи юзи,
Хув бемаъни осмонда сузиб
Юрган тентак ойнинг ўзидек».
Владимир жавоб бериб тўнг,
Бор йўл бўйи унсиз кетди сўнг.

VI

Онегиннинг келиши эса
Қолдирганди хуш таассурот
Ларинларнинг кўнглида кеча.
Қўшнилари ҳам бўлган эди шод,
Гап кетида юрар дув-дув гап,
Ҳамма хуфя таъбир топар заб,
Ҳазиллашар, ҳукми беаёв —
Татьянага кўзлашар куёв;
Баъзилари эса рўйирост
Тўй тайин, деб таъкидлар узиб,
Топилмасдан фақат мос узук,
Тўйи тўхтаб қолганмиш бир оз.
Ленскийнинг тўйин-ку обдап
Шу инсонлар ҳал этган кўпдан.

VII

Бундай миш-мишларни Татьяна
Алам билан тингларди-ю, лол,
Пинҳона бир қувонч-ла яна
Беихтиёр сурарди хаёл.
Юрагига ўйлар солмиш у,
Пайти келмиш, суйиб қолмиш у,
Ерга тушган бир дона бугдой
Баҳор боис жонланур чўғдай.
Тасавури қизнинг қачонлар
Соғинч, меҳр тафтида шундоқ
Тақдирини кутарди муштоқ.
Кўздан буён қийноқ, гумонлар
Ёнган дилга кўкси тор эди
Ва кимгадир интизор эди.

VIII

Етишди ҳам... Очилиб кўзи,
Ҳа, бу — ўша, бу — ўша! — деди.
Эвоҳ! Энди кечи, кундузи
Унинг билан фақат бапд эди,
Тушлари ҳам... Ҳатто ҳар нарса
Сеҳрли куч ила ҳар лаҳза
Қизгинага эслатар. Бўзлар,
Дилгир қилар меҳрибон сўзлар,
Жориялар шафиқ нигоҳи.
Ҳасрат аро адо бўлди, бас,
Меҳмонларнинг гапин тингламас,
Беғамларни қарғайди гоҳи, —
Кутмаганда келишиб улар,
Узоқ қолиб, эзмалик қилар.

IX

Энди ажиб эътибор билан
Уқир бирон лазиз романни
Ва ғаройиб ихтиёр билан
Симиради гўзал ёлғонни!
Хаёлларнинг бахтли қудрати
Тирилтирган зотлар суврати —
Ё Юлия Вольмар хуштори,
Малик Одил, Де Линар — бари,⁽¹⁴⁾
Ё изтироб фарзанди Вертер,⁶⁵
Уйқумизни келтирган инсон —
Яъни, тенгсиз ул Грандисон
Хаёлпараст қиз учун бирдир:
Барчасининг аксида ёлғиз
Онегинни кўрар эди қиз.

X

Энг суюкли зотларин яна
Қаҳрамони билиб ўзини,
Клариса, Юлия, Дельфина⁶⁶
Қаби тинч ўрмонда кезиниб
Юрар, қўлда хавфли бир китоб,
Ундан излар ва топар шитоб
Сирли жаҳду орзуларини —
Тўлган қалбнинг инжуларини.
Ўзгаларнинг дарду матлубин
Ўзлаштириб, хўрсинади қиз
Ва хаёлан тўқийди унсиз
Азиз қаҳрамонга мактубин...
Ким бўлса ҳам қаҳрамоним ул,
Грандисон эмас, ҳар тугул.

XI

Бир замонлар оташин шоир
Созин юксак пардада чертиб,
Қаҳрамонин кўрсатарди бир —
Баркамоллик тимсоли этиб.
Ҳассослигу оқиллик уйғун
Ва ҳамиша ноҳақ бир қувғин,
Аммо истарали, имонли
Яратарди азиз сиймони.
Пок туйғулар истилосида
Ҳамиша ҳам жўшқин қаҳрамон
Тайёр эди бўлмоққа қурбон,
Сўнгги бобнинг интиҳосида
Ҳазо топиб ёмонлик ва кож,
Кияр эди яхшилик гултож.

XII

Ўшал ўйлар қолмиш туманда,
Насиҳатлар эснатар буткул;
Ёмонликнинг букун романда
Қўли баланд, музаффардир ул.
Британия илҳом париси
Ёлғонлари — шеъри бариси
Қиз уйқусин нотипч этгандир,
Сизингани — хаёлчан Вампир,
Ёки Мельмот — қайғули дайди,
Мангу ўлмас Агасфер, Корсар
Ва ё сирли — жобир Сбогар;⁽¹⁵⁾⁶⁷
Лорд Байрон ҳам назик танлайди
Ҳатто новмид худбинликка мос
Тушқун романтизмдан либос.

XIII

Дўстлар, сўзим мен шарҳ этурман,
Ҳукм ўқилиб балки самода,
Шоирликни мен тарк этурман
Жиннилим тутса, мабодо.
Феб⁶⁸ таҳдидин илмай назарга,
Бош эгурман вазмин насрга.
Эски усул романи-ла ман
Шод шомимни балки безарман.
Ёвузликнинг сирли дардини
Мен даҳшатли этмам ривоят,
Соддагина қилгум ҳикоят
Бир оила ҳаёт тарзини.
Тасвир этгум севги ҳолатин,
Ҳам ўтмишнинг урфу одатин.

XIV

Ёзгум ота ёки амаки —
Чолнинг содда гуфторларини,
Болаларнинг арғувон таги, —
Булоқбоши дийдорларини;
Бадбахт рашкнинг қийноқ тошлари,
Ҳижрон, кейин яраш ёшлари,
Уриштириб яна, ниҳоят,
Никоҳ бахтин этгум иноят...
Ёдимдадир ўтган айёмлар:
Севгилимнинг пойида ўзим,
Ғамга тўлуғ муҳаббат сўзим,
Эркалашлар, ёниқ каломлар
Тилларимдан тўкилгай эди...
У гаплардан йироқман энди.

XV

Татьяна, о, жоним, Татьяна!
Энди сен-ла ёшлар тўкай мен.
Пўрим ғаддор қўлига, мана,
Бериб қўйдинг тақдирингни сен.
Жоним, адо бўлурсан, аммо
Аввал нузли умидлар аро
Хилват сафоларни кўзларсан,
Ҳаёт лаззатларин изларсан;
Ичгунг ширии истак оғусин,
Қувиб юрар сени орзулар,
Сен ҳар қайда этгунг қайғулар
Бахтли висолларнинг оғушин.
Ҳамма жойда қаршингда шайдир —
Машъум қаттолгинанг яшайдир.

XVI

Таъқиб эгар қизни ишқ дарди,
Қайғурарди кирса ҳам боққа.
Бирдан кўзи жим юмиларди,
Эринарди қадам босмоққа.
Кўкраги тик, юзлари лов-лов
Енар, чулғаб лаҳзалик олов,
Лабларида нафас қурийдур,
Қулоғида — шовқин, кўзда — дур...
Кеч тушади. Ой кезадир ул
Чексиз само сўйлари аро.
Дарахтзорнинг куйлари аро
Қўшиқ бошлар хушнаво булбул,
Ухлмасдан Татьяна лекин,
Энагага сўз қотар секин:

XVII

«Уйқум келмас, бибижон, кўп дим!
Дарчани оч, ёнимга ўлтир».
— Нима бўлди, Таня?— «Зерикдим,
Кел, ўтмишдан гаплашайлик бир».
— Нимасини гаплашамиз, айт?
Ёвуз жинлар, қизлардан бир пайт
Росту ёлғон гапларни хиёл
Сақлар эди бу қурғур хаёл.
Қоронғудир энди у замон:
Билганларим ердадир, болам,
Бир оёғим гўрдадир, болам!..—
«Сўйлаб бергин менга, бибижон,
Ўша ўтган замонлар бир пайт
Сен ҳам кўнгил қўйганмидинг, айт?»

XVIII

— Эҳ, болам-а, ишқдан у замон
Гап бормиди сира, айнонай!
Бу дунёдан йўқса, бегумон,
Қувар эди мени қайнонам.
«Биби, қандоқ эр қилдинг унда?»
— Қизим, худо ҳукми ҳам шунда:
Мен ўп учда бўлган у чоғим
Ваням ёшроқ эди, чирогим.
Икки ҳафта совчилар тизим,
Қатнаб-қатнаб, охири отам
Фотиҳани ўқиди, у дам
Қўрққаннимдан йиғладим сим-сим.
Аввал сочим ўрдилар силаб,
Сўнг черковга элтдилар куйлаб.

XIX

Ёт бир уйга узатдилар ҳам...
Вой, тинглагил, ахир, гапимни...
«Оҳ, бибижон, бибижон, бир ғам
Эяпти ёмон қалбимни:
Дейман, йиғлаб фарёд этай мен!..»
— Сен бетобсан, қизим, нетай мен,
Парвардигор, асрагил ўзинг!
Нима лозим бўлса, айт, қўзим...
Кел табаррук сувдан сепай ё,
Еняпсан-ку...— «Йўқ, соғдир бу жон,
Мен-чи, севиб қолдим, бибижон».
Болам, сенга ёр бўлсин худо!—
Кампир титрар, дуо ўқилар,
Озғин қўллар ила чўқинар.

XX

«Севиб қолдим», — энагага қиз
Шивирлайди ўксиниб яна.
— Сен бетобсан, бағрим, шубҳасиз. —
«Қўйгил, суйиб қолдим мен, эна».
Бу чоғ порлаб самонинг ойи,
Татьянанинг сўлғин чиройи
Ёришади ипак зиёда,
Сочлари ҳам ёйиқ, афтода,
Томчи ёши ва навниҳол қиз —
Билан бедор бу ярим кеча
Оқ рўмолли, пахталик нимча
Кийган биби ёришар шу кез.
Ҳамма нарса мудрар нарида
Тинч, илҳомбахш ойнинг нурида.

XXI

Ойга боқиб Татьяна хиёл,
Қалби учар узоқ-узоқда...
Туйқус бошга келур бир хаёл...
«Биби, мени қолдир ётоқда.
Бергил фақат қаламу қоғоз,
Берироқ сур столни бир оз.
Кечир, тезда ётаман». Мана,
Жимлик ичра ёлғиз Татьяна.
Ой ёритар. Ёзар, тиришар,
Хаёлида Онегин танҳо,
Соддагина мактубда, эвоҳ,
Бокира қиз севгиси яшар.
Нома битди, букланди... Фақат,
Татьянажон, кимгадир бу хат?!

XXII

Гўзалларни кўрганмап, жуда
Аёз каби совуқ, ялтироқ.
Ёлворишлар кетур беҳуда,
Ақл етмас уларга мутлоқ.
Кўп ажабдур кибру ҳавоси
Ҳам табиий фазлу сахоси.
Рости, қочдим улардан тамом,
Даҳшат ичра ўқидим мудом —
Манглайида дўзах лавҳаси:
Умидларинг ташлагил зинҳор⁽¹⁶⁾.
Улар учун кулфат — ишқ, изҳор,
Қўрқитишдир завқу ҳаваси.
Балки Нева бўйларида сиз
Шундай хонимларни кўргансиз?

XXIII

Ювошгина маъшуқлар аро
Бордир бошқа нозанинлар ҳам —
Ўзларига фақат маҳлиё,
Ўтли оҳу мақтовга беғам.
Хўш, не топдим ҳайрат ичра мап? —
Бешафқат бир атвори билан
Муҳаббатни чўчитиб улар,
Яна қайта жалб эта билар.
Ҳеч бўлмаса, жиндек шафқати,
Ҳеч бўлмаса, жарангдор овоз
Меҳрибондек туюлар бир оз;
Қўлдан кетиб эрку тоқати
Боз соддадил ошиқ бечора
Ер кўйида бўлгай овора.

XXIV

Гуноҳқорми Татьяна букуп,
Учиб тоза кўнгил арзига,
Ёлғонларга ётлиги учун,
Ишонгани учун орзуга?!
Рост ҳисларга бўйсуниб, ёҳу,
Севганими, унинг гуноҳи?
Ишонч, ахир, айбими? Худо
Ўзи унга айламиш ато
Нотипч хаёл, тасаввур — енгил,
Тирик идрок, эрк этиб йўлдош,
Инъом этмиш қайсаргина бош,
Нозик ҳамда оташин кўнгил.
Андишасин енгса туйғу-ҳис,
Наҳот, уни кичирмайсиз сиз?

XXV

Сатанг хоним ўйлар совуққон:
Бу Татьяна чиндан суядир.
Бир бегуноҳ гўдакдай ҳар он
Ишқ ўтида ростдан куядир.
Бу қиз демас: айлаймиз таркип,
Оширамиз севгининг нархин;
Туширамиз тузоққа боплаб,
Умид билан ғурурин топтаб,
Сўнг дилини ўртаймиз ҳар кун.
Бу қиз демас: рашк ўтин ёқиб,
Кейин сирли турамиз боқиб,
Йўқса, айшдан зерикиб бир кун
Айёр тутқун шайланар бирров
Запжир узиб қочмоққа дарров.

XXVI

Қаршимда бор яна бир довоп:
Она Ватан номуси учун
Ўғирмоғим шартдир, бегумон,
Татьянанинг хатини бутун.
Қиз русчани яхши билмасди,
Журналларни ўқий олмасди,
Она тилда мишг бир жафода
Айлар эди фикрин ифода,
Французча ёзарди, хуллас...
Нетай! Яна айтурман такрор.
Ҳамон русча этилмас изҳор
Хонимларнинг муҳаббати, бас,
Ҳануз мағрур тилимиз, эсиз,
Арзи дилни айтмоққа ожиз.

XXVII

Мен биламан: тазйиқлар бўлар
Ўқишига хонимлар русча!
Журнал тутган ҳолатда улар
Тасаввурга сиғмайди унча!
Шоирларим, юзланай сизга:
Елғонми ё, не сулув қызга —
Ўзингизни сезиб гуноҳкор,
Битганингиз пинҳона ашъор?
Қалбингизни бердингиз охир,
Дилраболар ҳаммаси, қаранг,
Она тилда сўйлашиб аранг,
Нозик қилиб буздилар, ахир!
Чет тил улар нутқида шу хил
Бўлиб қолди гўё она тил!

XXVIII

Дучор қилма мени, э, худо,
Бал ё бирон бекатда якка —
Сариқрўмол семинарчи ё
Кулоҳ кийган академикка!⁶⁹
Табассумсиз қизил лаб янглиғ
Сарфу наҳви хатосиз — силлиқ
Русча гапни севмайман асло,
Менинг бу шўр пешонамга ё
Тил қонунин ўргатур бизга
Гўзалларнинг янги авлоди,
Журналларнинг тинглаб фарёдин;
Шеър ўқиш дам тушар ё изга.
Мен-чи... Нима ишим бор, фақат
Мен ўтмишга содиқман абад.

XXIX

Палапартиш, ноаниқ жумла,
Ё подуруст, кибор талаффуз
Аввалгидек кўксимғижимлаб,
Юрагимни ўртайди ҳануз.
Ўкинмоққа қолмас менда ҳол,
Ёшлик йиллар гуноҳи мисол,
Мисли Богдановичнинг⁷⁰ шеъри —
Фарангчилик туюлар ширин.
Етар энди. Бўлайин машғул
Ул малакнинг мактуби билан.
Сўз бергандим, худо ҳаққи, ман
Тонмоққа ҳам тайёрман буткул.
Чунки букун Парнининг⁷¹ қайноқ
Нозик назми наъмадан йироқ.

XXX

Базму сузук ғамлар куйчиси, ⁽¹⁷⁾
О, дўстим-а, бўлсанг ёнимда,
Бир ўтинчим билан, қўй-чи сен,
Ғулув қўзғар эдим жопингда.
Ёниқ қизинг, дер эдим, яъни
Сен ажнабий сўзларин, қани,
Бир сеҳрли куйларингга сол.
Қайдасан кел, бор ҳуқуқим ол,
Таъзим ила топширайин тез...
Эвоҳ, мунглуғ қоялар аро
Мақтовларни унутиб аммо
Фин осмони остида бу кез
Кезиб юрар шоир, эшитмас —
Руҳи менинг додимга етмас.

XXXI

Татьянанинг хати қаршимда;
Муқаддас деб асрайман абад.
Пинҳона дард ёнур ичимда —
Ўқиб-ўқиб тўймайман фақат.
Қимдан олди бу назокатни,
Бу такаллум, бу фасоҳатни?
Қимдан унга ялинчоқ кўзлар,
Ҳам ажаб, ҳам хатарли сўзлар —
Юрагининг қайсар қиссаси?
Мен билмайман, лекин мана, ҳал, —
Таржимаси — ожиз, потугал,
Чин тасвирнинг рангсиз нусхаси.
Ҳадиксираб шогирд қизлар ё
Фрейшицни⁷² этгандек ижро.

ТАТЬЯНАНИНГ ОНЕГИНГА МАКТУБИ

Хат ёзурман сизга, не чора?
Яна не ҳам айта олурман?
Мен биламан, энди бир бора
Қаҳрингизга балки қолурман.
Лекин қаро бахтимга зора
Кўриб зарра шафқатни раво,
Кетмагайсиз ташлаб бенаво.

Сукут қилмоқ бўлгандим аввал;
Ишонингиз, уялганим сиз
Сира билмас эдингиз, эсиз,
Гар умидим бўлса эди сал
Ҳафтада бир бўлса ҳам якка
Бу қишлоқда сизни кўрмакка.
Эшитолсам гуфторингизни,
Бир сўз десам, кейин бетоқат
Кеча-кундуз ўйласам фақат,
Фақат яна дийдорингизни.
Одамови эмишсиз аммо,
Таскин бермас қишлоқжой сизга.
Бизлар... жозиб эмасмиз асло,
Лекин шодмиз ташрифингизга.

Биз ёқларга келдингиз нечун?
Кимса билмас қишлоқ, овлоқлар,
Бунда сизни билмасдим бутун,
Билмасдим — не аччиқ қийноқлар.
Балки, мурғак жонда титроқлар
(Қайдам) бир кун босилиб яна,
Бир дўст топиб ўзимга лойиқ,
Бўлармидим вафодор қайлиқ
Ва меҳрибон, мушфиқ бир она.

Бошқаси!.. Йўқ, ҳеч ким дунёда
Ололмасди кўнглимни менинг.
Ҳукми ўқилган арши аълода,
Фалак амри: мен — сенинг, сенинг.
Бутун умрим сен билан гўё
Учрашувнинг танҳо гарови.
Билдим, сени юборган худо,
Ўлгунимча ўзинг паноҳим...
Кўринардинг гоҳ тушларимда,
Сен ғойибдан бўлдинг қадрдон,
Ўт нигоҳинг ўртади ёмон,
Қалбим аро товушларингда
Янграб эди... Йўқ, туш эмас бу!
Кўриндингу таъидим-қолдим,
Беҳол бўлдим, ловуллаб ёндим
Ва хаёлан дедим: мана шу!
Чин эмасми, мен қулоқ солдим:
Биз гаплашдик сукут дамида,
Мен гадога инъом берган чоғ,
Ибодат-ла ором берган чор
Ҳаяжонли дилим ғамига!
Худди ўшал ләҳзада, оё,
Сен эмасми, эй, азиз рўё,
Қоронғуда чақнаб кўринган,
Болишимга эгилган аста?
Сен эмасми, меҳру ҳавасда
Лабда умид сўзи уринган?
Кимсан ахир, паноҳиммисан,
Ва ё бир шум бераҳммисан?—
Езгил шубҳа-гумонларимни.

Ёки булар бари беқарор
Мурғак қалбим ёлғонларим!
Ё бошқа гап пешонамда бор...

Бўлса-бўлсин! Бугундан бошлаб
Тақдиримни сенга топширдим
Ва қошингда кўзларим ёшлаб,
Ҳимоянгни сўраб бош урдим...
Тасаввур қил: мен бунда якка,
Ҳеч ким мени тушунмай қолди,
Ҳатто ақлу ҳушим ҳам толди,
Маҳкумдирман жимжит ўлмакка.
Мен кутаман, бир назар билан
Умидимни қалбда тиргизгил,
Ёки оғир тушимни бузгил
Эвоҳ, ҳақли бир ғазаб билан!

Битди! Қайта ўқийман — даҳшат...
Номус, қўрқинч ичра музлар дил...
Имонингиз — менга кафолат,
Топшираман ўзимни дадил...

XXXII

Гоҳ тинар қиз, гоҳ оҳлар урур,
Титранади мактуб қўлида.
Пушти конверт ёпишар, қурир,
Яллиғланган қақроқ тилида.
Бошгинасин солар мунғайиб,
Тунги кўйлак тушар сирғалиб
Унинг позик елкаларидан...
Нур қочар ой ҳалқаларидан.
Еришади водий — туманзор.
Қумушланар сой шалоласи.
Чўпон чалган қўбиз ноласи
Қишлоқ аҳли айлайди бедор.
Тонг: уйғонмиш яқину йироқ,
Татьянага фарқи йўқ бироқ.

XXXIII

Тонг нурларин пайқамас ҳатто,
Бошин букиб ўлтирар маъюс.
Мактубига чекмайди имзо —
Ўйма муҳрин урмайди ҳануз.
Астагина эшик очиб лек
Оқсоч Филиппевна кирар тек —
У патнисда келтиради чой.
«Дилдоргинам, тургил энди... Вой,
Ўзинг ҳам шай, уйғоқ экансан!
О, тонг қуши, саҳархез қушим!
Кеча роса учди-ку ҳушим!
Шукр, тетик ҳам соғ экансан!
Ғамдан нишон қолмабди, қизим,
Икки юзинг апордек қизил».

XXXIV

— Оҳ, бибижон, бир илтифот қил.—
«Изнингдаман, буюргил, жоним».
— Лекин-чи... бад гумон қилма... Кел,
Йўқ демагил, оҳ бибижоним!—
«Худо қафил, дугонам, лекин».
— Набирангдан шу хатни секин
Бериб юбор О... га, ановга...
Қўшнимизга... Лекин бировга
Бирон оғиз гапирмасин, бас,
Айтмасин ҳам менинг отимни...—
«Кимга берсин, жоним, хатингни?»
Энди эсим жойида эмас,
Теваракда қўшни кўп, қайдам,
Ҳаммасини эслигин қайдан?»

XXXV

— Бефаҳмсан, бунча ҳам, эпа!—
«Жону дилим, қаримап, ахир.
Қариганда эс кетар, Таня,
Эҳ, ёшликда зийрак эдим бир,
Сўз айтдим улуғлар, унда...»
— Бас, бибижон, чўздинг-ку жуда!
Эсинг менга не керак, ажаб?
Кўряпсан-ку, хатдан борар гап —
Аталгандир Онегин учун.—
«Гап — гап-у, сен қизишма, қўзим,
Биласан-ку, эссизман ўзим...
...Рангинг яна оқарди печун?»
— Қўй, ҳеч гапмас, сен бора қолгин,
Набирангни юбора қолгин.

XXXVI

Бир кун ўтди, келмади хабар,
Иккинчи кун, яна йўқ жавоб.
Ранги ўчиб, кийиниб саҳар,
Қутар, қутар Татьяна хуноб.
Синглисининг келди мажнуни.
Бека тутди саволга уни:
«Айтинг, қани дўстингиз сизнинг?
У унутмиш тамоман бизни».
Лов ёнару титрар Татьяна.
Жавоб берар Ленский унга:
— Ваъдаси бор эди бугунга.
Демак, почта кечиккан яна.—
Эшитгандек таънали бир сўз
Татьяна жим олиб қочар кўз.

XXXVII

Қош қораяр; уйнинг тўрида
Самовар ял порлаб вишилар.
Чин чойнаги қизиб қўрида,
Паға-паға ҳовур эшилар.
Ольга қуйиб, этар марҳабо:
Хушбўйгина чойи — қаҳрабо,
Узатилар бир-бир пиёла;
Қаймоқ тутар дастийёр бола.
Татьяна-чи: дарча ёнида,
Ўйга чўмиб жонгинам бесас,
Пуркаб совуқ ойнага нафас,
Нозик бармоқ ила жонидан
Ҳовур босган ойнага чизар —
Орзудаги «О» «Е»ни ёзар.

XXXVIII

Тағин қизнинг ўртанур жони,
Ешга тўлар интизор кўзи.
От дупури!.. Музлайди қони...
Яқин, яқин! Бу унинг ўзи —
Евгений! «Оҳ!» — Соядан ҳам тез
Хатлар бошқа йўлакка шу кез,
Ховлигаю сўнг тўғри боққа
Чопиб кетар, аммо бу ёққа
Қарай олмас. Зумда у тағин
Ўтар гулзор, кўприк, ўтлоқдан,
Қўлга кетган хиёбон ёқдан.
Синдирганча суман булоғин,
Чашма сари учар беқанот
Ва ҳансираб ўриндиққа бот —

XXXIX

Йиқилади...

«Келди! У бунда!
О, худойим, қилур не гумон!»
Ғам зулмати босган дилинда
Милтиллайди бир умид ҳамон.
Кутар: келар балки? Йўқ, келмас,
Титрайди қиз, қурийди нафас.
Бир фармонга биноан, тўлиб,
Мева териб боғда, жўр бўлиб
Қўшиқ айтар жория қизлар.
(Бу фармонга бор шундай асос:
Хўжайиннинг мевасин оз-оз
Еб қўймасин маккор оғизлар —
Ашулага банд бўлсин шўрлик:
Қишлоққа хос бу ҳам бир шўхлик!)

ҚИЗЛАР ҚУШИҒИ

Ҳой қизлар, жононалар,
Жонга жон дугоналар,
Куйлангиз, маъсумалар,
Уйнангиз, парвоналар.
Улаб-улаб байтингиз
Дил дардини айттингиз.
Анов барно йигитни
Даврамизга тортингиз.
Йигитга кўз тушганда
Қочиб қолинг, қизлар-о.
Олучаю малина
Отиб қолинг, қизлар-о.
Ҳой йигитча, пойлама,
Даврамизга бўйлама.
Дил дардини пинҳона
Эштай деб ўйлама.

XL

Қизлар куйлар, лекин бедикқат
Хуш яллани тинглаб бу маҳал,
Татьянамиз кутар бетоқат,
Босилсин деб қалб дупури сал,
Сўнсин дея олов юзида.
Аmmo ҳануз титроқ кўксида,
Еноқлари — шуълаи анвар,
Боз ловуллаб ёнур мунаввар...
Шундай титрар тутқун капалак
Шўх болакай қўлида ногоҳ
Пирпираб гул қанотчаси гоҳ;
Худди шундай титрар жонсарак
Кузги бута ортида — у ён
Кўриб қолса овчини қуён.

XLI

Ниҳоят, қиз ростлади нафас,
Ўриндиқдан қўзғолди. Юрди.
Хиёбондан қайрилди-ю, бас,
Онегинни ногаҳон кўрди:
У, кўзлари ёниб унда тек
Турар эди мудҳиш соядек.
Чулғагандек борлигин олов,
Тўхтаб қолди жойида дарров...
Қутилмаган бу висол дамин,
Жон дўстларим, аммо бу замон
Ҳолим етмас этмоққа баён;
Кўп сўйладим, ахир, энди мен
Сайру ором сари кетгумдир,
Сўнг амаллаб адо этгумдир.


ТҮРТИНЧИ ФАСЛ



La morale est dans la nature des choses.

Necker*19

I. II. III. IV. V. VI.



* Ахлоқ нарсаларнинг табиатидадир.

Неккер. (Французча.)

VII

Биз аёлни қанча кам севсак,
Шунча осон ёқамиз унга;
Шунча побуд этамиз, бешак,
Чулғаб уни доми афсунга.
Ўз-ўзини мақтаб, жар солиб,
Севмай туриб роҳатлар олиб,
Бир пайт фаҳшу бузуқлик — тараб
Ишқ илми деб топганди шараф.
Аммо бундай такаббур эрмак
Хув боболар айлаган эъвоз
Қари-чури маймунларга хос.
Ловласларнинг доврўғи, демак,
Битди, қизил пошнаю улкан
Парикларнинг понидек сўлган.⁷⁴

VIII

Кимни охир бездирмас риё,
Бир ҳадиснинг турфа такрори,
Кўндан барча билган гапни ё
Виқор билан уқдирмоқ кори?!
Тинглаб сийқа эътирозларни,
Барбод қилмоқ ё ихлосларни
Кимга зарур, гарчи булар бир
Ўн уч яшар қизда ҳам йўқдир!
Кимни эзмас таҳдид-талослар,
Ёлворишу қасам, ваҳима,
Хатлар ёзиш олти саҳифа,
Алдов, ғийбат, узук, кўзёшлар,
Хола, она назоратлари
Ҳам эрларнинг дўстлик ҳадлари?!

IX

Худди шундоқ ўйлар Онегин.
Бўлганди илк ёшлик замони
У шиддатли хатою қизгин
Ва бетизгин ҳислар қурбони.
Ҳаёт тарзи эркалаб фақат,
У бирига мафтун муваққат,
Бошқасидан узади кўнгул,
Истаклардан безади сўнг ул;
Енгил зафар толдирди тағни,
Тинглаб шовқин ва жимлик аро
Ўз қалбидан мангу бир нидо,
Кулгу билан босур эсноғин:
Умрининг гул фаслидан фузун
Саккиз йили сўлди шу йўсин.

X

Этмай қўйди гўзаллар шайдо,
Судралади бироқ бемурод;
Рад этишса — раижимас асло,
Бевафолик қилсалар — у шод.
Излар энди уларни безавқ,
Лек ўкситиб қўймасди бефарқ
Сал ёд этиб меҳру қаҳрини.
Лоқайд меҳмон шундай оғриниб
Келур кечки қартабозликка,
Ўлтирар-у, тугагач ўйин,
Ухлаш учун хотиржам тўйиб,
Сўнг уйига жўнайди тикка:
Тонгда эса билмайди бурун —
Қайга борур ўзп кечқурун.

XI

Бироқ олгач Татьяна хатин,
Бир ўт тушди йигит жонига.
Маъсум орзуларнинг суҳбати
Ўйлар қўшди ҳаяжонига.
Маъюсгина, сўлғин, паришон
Татьянани эслади шу он.
Бир ширин ўй, покиза хаёл
Юрагини чулғади дарҳол.
Ўтган ҳислар ўти — балоси
Балки, бир зум қўзғолди шу чоқ;
Истамади алдашни бироқ
Бокира қалб ишонч, ихлосин.
Энди бизлар учайлик боққа —
Қиз у билан кўришган ёққа.

XII

Аввал бир оз турдилар кутиб,
Яқин келиб Онегин шунда
Шивирлади: «Ёзибсиз мактуб,
Тонмангиз, мен ўқидим унда
Соддагина дил изҳорини,
Покиза бир севги зорини.
Самимият — мен учун азиз,
Бу ҳис қўзғаб қўйди, шубҳасиз,
Сўниб кетган туйғуларимни.
Аммо сизни мақтамай ортиқ,
Сизга шундоқ этаман тортиқ
Мен ҳам дилда йўғу боримни;
Қабул этинг иқроор сўзимни:
Хукмингизга бердим ўзимни.

XIII

Мен ҳаётни фақат дупёда
Уй ичи деб билсайдим агар,
Хуш қисматим эр ёки ота
Бахтин ҳукм қилсайди агар,
Оилавий турмушга ўзим
Меҳр қўйсам, ҳеч йўқса, бир зум,
Исламасдим унда, ҳақиқат,
Сиздан бўлак бирон рафиқа.
Айтай мадҳу саполарсиз рост:
Бўлсайди илк хаёлу ҳавас,
Жами гўзалликларга эваз —
Фақат сизни танлардим, холос.
Сиз ғамимга ёр бўлиб ул вақт,
Мен... беармон бўлардим хушбахт!

XIV

Аммо бахтга менинг қалбим ёт;
Яралмабман ҳаловат учун.
Беҳудадир сизнинг камолот —
Арзимамай мен ушга бутун.
Сиз ишонинг, (виждоним кафил),
Турмуш бизга ғам бўлур, ахир.
Сизни қанча севмайин ўзим,
Кўникдимми — совийман шу зум.
Йиғлаясиз, кўзёшлар нечун?
Йўқ, юрагим ҳеч таъсирланмас,
Фақат баттар қутургай бу, бас.
Ўйлаб кўринг энди: биз учун
Хув Ҳименей⁷⁵ атаган гуллар
Нечук? Балки сўлмас кўп кунлар.

XV

Шўрлик хотин нолайиқ эрни
Қарғаб мудом оҳу воҳ ила,
Андух чекса... Дунёда борми,
Борми бундан бадбахт оила?!
Эр ҳам унинг қадрини англаб,
(Тақдирини тагин лаънатлаб),
Хўмрайиб гунг юрса ҳар қачон,
Зиқ, дарғазаб, совуқ-бадгумон!
Мен шундайман. Ёзиб номани
Сиз покиза, ёниқ дил билан,
Бу камолот, бу ақл билан
Истаганми эдингиз мани?
Наҳот, тақдир — бераҳм само
Сизга шуни кўрибди раво?

XVI

Қайтмас йиллар, орзулар ҳаргиз;
Янгиланмас энди юрагим...
Севгум сизни акадек ҳар кез,
Балки, кўпроқ суюб қарагум.
Тингланг, ахир, мени беғазаб,
Ўзгартирар ёш қиз, не ажаб,
Баъзан орзу-ҳавасни такрор.
Дарахтлар ҳам ҳар йили баҳор
Янгилайди баргин бир бора.
Демак, шуни буюрмиш само.
Сиз-ку, яна севарсиз, аммо...
Этмоқ керак ўзни идора;
Сизни ҳар ким тушунмас биздек;
Ғамга йўллар тажрибасизлик».

XVII

Ҳа, Евгений ваъз айтди шундоқ.
Ҳеч не кўрмай кўзёшлар аро
Жим тинглади Татьяна бироқ,
Зўрға нафас олиб, бесадо.
Қўл узатар қизга у. Аста
Маҳзуна қиз ўзи билмасдан
Бошгинасин қуйи эгиб лол
Суянади йигитга хиёл.
Полиз бўйлаб юрар уй томон,
Икков бирга кирарлар-у жим,
Таъна қилмас уларга ҳеч ким.
Не тонг, мағрур Москвасимон
Қишлоқда ҳам андак бахтиёр
Ҳуқуқлару эркинликлар бор.

XVIII

Эй, ўқувчим, маъқулларсиз сиз,
Мунглуғ Татьянага кўп ширин
Муомала қилди ошнамиз.
У қалбининг некбин ҳисларин
Кўп бор шундоқ этгап намоён,
Бадхоҳликлар гарчи ҳеч қачон
Аямади бирон нимани:
Гарчанд унинг дўсту душмани
(Ё иккисин фарқи йўқ сира)
Ёмонлашди уни бетиним.
Ҳар кимда бор дунёда ғаним,
Лекин, тангрим, дўстлардан асра!
Оҳ, бу дўстлар, дўстлар, нобакор!
Эсламадим уларни бекор.

XIX

Нима дейсиз? Рост гап. Рад этгум
Пуч ва қора ўйларни минбаъд.
Йўл-йўлакай фақат қайд этгум
Мавжудлигин манфур бир тухмат
Ки, чордоқда тўқиб покас жон,
Авж олдирур кибор оломон.
Бордир андоқ уйдирма, сароб
Ки, ҳажвлар қилиб кўчабоп,
Кўп мўътабар даврада тайёр
Ўз дўстингиз илжайиб секин,
Гўё буткул беғараз, бекин
Юз марталаб ўқийди такрор.
Ҳолбуки, у — суянч тоғингиз,
...Қариндошдай... чин ўртоғингиз.

XX

Ҳей, муҳтарам ўқувчим! Омон
Борми бари хешу акрабо?
Сиз буюринг, мен этай баён,
Мендан билиб олинг, марҳабо,
Надир ўзи қариндош-уруғ,
Уларними, ҳар қачон тўлуғ
Эъзозламоқ, иззатламоқ шарт,
Суюб, дилдан ҳурматламоқ шарт.
Элнинг урфу одати тайин:
Ҳайит куни йўқламоқ лозим,
Ё хат билан қутламоқ лозим,
Токи бутун йил бўйи кейин
Эслашмасин бизларни доим...
Умр берсин, хуллас, илойим!

XXI

Аммо момик малаклар меҳри
Дўстлик, қариндошлиқдан аъло.
Шу севгига ҳақлисиз, тўғри,
Ҳатто турфа тўфонлар аро.
Шак йўқ. Лекин наъмалари бор,
Қибор элнинг таъналари бор,
Табиатнинг феъллари хил-хил...
Бу эрка жинс укпардай енгил.
Хуш, меҳрибон хотин учун боз
Эрнинг фикру йўриғи бутун
Бўлмоғи шарт муқаддас қонун...
У вафодор гулингиз ноҳос
Бир сония чалғиса, рости,—
Ишқ ила ўйнашур алвасти.

XXII

Қимни севиб, ишонмоқ мумкин?
Қим у, бизга этмас хиёнат?
Барча ишни, барча гапни ким
Бизнинг газда ўлчар беминнат?
Қим биз ҳақда таратмас игво?
Қим у, доим меҳрибон, фидо?
Қимга бўлмас айбимиз тўфон?
Қим у, безор қилмас ҳеч қачон?
Йўқ шарпани қидиргап, эй зот,
Чекавермай беҳуда заҳмат,
Эй, муҳтарам ўқувчим, фақат
Ўзингизни севингиз, ҳайҳот!
Лойиқ шудир, чунки дунёда
Чин ёр бўлмас бундан зиёда.

XXIII

Не ҳол кечди учрашувдан сўнг?
Пайқаш мушкул эмас, во дариг!
Муҳаббатнинг изтироби, мунг
Тарк этмади, бўлмади фориғ
Бу ҳасратдан ёш, ташна юрак.
Йўқ, йўқ, баттар беором, ҳалак,
Ўртанади Татьяна жони;
Уйқу тамом тарк этди уни.
Соғлиқ, ҳаёт рангию тоти,
Қизлик роҳатлари, табассум
Бир садодек йўқолиб, ҳар зум
Сўниб борар гулдек ҳаёти.
Энди чиққан куннинг зиёсин
Келур шундоқ булутлар босиб.

XXIV

Ҳайҳот, сўлиб борар Татьяна,
Кундан-кунга сўнар-у, жимдир!
Бирон нарса овутару на,
На бировга кўнгил очсам дер.
Қўшнилар бош чайқаб маънодор,
Шивирлашур ўзаро такрор:
«Тезроқ эрга тегмоғи лозим!..»
Етар энди. Азизлар, ўзим
Масъуд севги тасвири билан
Хаёлимни шодлантирай бот.
Беихтиёр ёнурман, ҳайҳот,
Ўкинч, афсус таъсири билан.
Маъзур тутинг, Татьянамга, рост,
Муҳаббатим менинг беқиёс.

XXV

Асир бўлиб соатма-соат
Ёш Ольганинг хуш мақомига,
Владимир берилди беҳад
Тутқунликнинг сирли домига.
Қиз бўлмаси ичра хилватда
Кечалари доим суҳбатда,
Тонг чоғлари бериб қўлга қўл
Гоҳ боғ аро сайр этишар мўл.
Не тонг! Йигит севгидан сармаст,
Истиҳола ғулуви аро
Қиз кулгуси далдасида гоҳ
Кокилларин ўйнайди-ю, бас,
Юрак ютиб, у фақат секин
Ўпиб қўяр қизнинг этагин.

XXVI

У Ольгага гоҳ ибратли, соз
Китоб ўқиб бергайдир бирон. —
Муаллифи беҳад таъбшунос,
Йўлда қолур Шатобриан⁷⁶.
Гоҳ қизариб аммо икки-уч
(Бемаънию беадабу пуч
Маъсума қиз учун хатарли)
Саҳфасини ташлаб ўтарди.
Одамлардан четроқда ҳамдам
Гоҳ эгилиб шоҳмот узра жим,
Ўйга чўмиб ўлтирурларким,
Ул паришон Ленский шу дам
Урар гоҳо, ўй суриб теран,
Ўз руҳини пиёда билан.

XXVII

Шоир уйга кетса ҳам, фикр
Ольга билан банд эди бутун,
Унинг учун альбомнинг учқур
Саҳфаларин безарди бетин:
Гоҳо қишлоқ лавҳаси, яна
Қабрисдаги маъбад⁷⁷, сағана,
Нафис ранглар билан ё битар
Соз устида жажжи кабутар.
Гоҳ эсдалик дафтарига бир —
Ўзга имзолардан сўнг, ажаб
Орзуларнинг ёдгори айлаб,
Қолдиради латифгина шеър:
Оний ўйдан умрузоқ нишон,
Йиллар ўтур, у ўчмас ҳамон.

XXVIII

Қишлоқи бир қиз альбомини
Сиз кўргансиз, албат, кўп кезлар.—
Бошдин-оёқ ҳамма ёғини
Бўяб ташлар дугона қизлар.
Имло унда буткул тумтароқ,
Шеърлари ҳам безазну туроқ,
Чин дўстликнинг белгиси учун
Ёзмишдирлар қисқаю узун.
Илк бетида кўзга тўқинур:
Qui' ecrivez-vous sur ces tablettes*,
Имзоси: t. a v. Annette,**
Ва энг сўнгги бетда ўқилур:
«Мендан ортиқ севса ким сани,
Бу ёғига ёзсин-чи, қани».

* Бу бетларга сиз не ёзурсиз?

** Адоий Анеттангиз. (Французча.)

XXIX

Сиз албатта кўрурсиз унда —
Икки юрак, машъалу чечак;
То ўлгунча севишга ундаб
Бир қасам ҳам битилган, бешак;
Аллақандай ҳарбий назмбоз
Чиркин шеър-ла булғабди қоғоз.
Дўстлар, бундай альбомга ҳар дам,
Рости, жон деб ёзардим мен ҳам.
Комил эрур зеро имоним —
Бу пурихлос ёлғоним бирор .
Илтифотга бўлғай сазовор;
Зўрми-йўқми маним ёлғоним —
Заҳарханда қилиб бирор жон
Баҳс этмайди кейин ҳеч қачон.

XXX

Эй, сиз, живлар кутубхонаси,
Пароканда эй, қалин томлар!
Пўрим назмбозлар наъмаси —
Олиймақом, ажиб альбомлар,—
Толстойнинг⁷⁸ тасвир олами,
Ё Баратинский қалами
Жило берган матоҳлар! Қатор
Бўлинг худо қаҳрига дучор!
*in-duarto** бериб бир хоним
Мендан дастхат айласа талаб,
Чулғар мени титроғу ғазаб
Ва бир аччиқ ҳажв тўлғониб
Ғимирлайди қалб ўлкасида,
Унга эса, даркор қасида!

* Каттакон китоб, бу ерда катта альбом маъносида.

XXXI

Бироқ Ольга альбомига бир
Ленский пуч мадҳия битмас;
Чин ишқ ила сози яшайдир,
Қайноқ ҳислар уни тарк этмас.
Неки кўрса, эшитса шоир,
Шуни ёзур Ольгага доир:
Ҳақиқатга тўлиб ўйлари,
Дарё бўлур ғамгин куйлари.
Сен эй, жўшқин Язиков⁷⁹, дилхун,
Ўз қалбингининг авжин ўйлаб сан,
Худо билар, кимни куйлабсан.
Мискин шеърлар девони бир кун
Тақдим атур ўзингга ўшал
Қисматингининг қиссасин тугал.

XXXII

Жим бўл! Қара! Мунаққид гирён⁸⁰,
Маънос шеърлар аянч гултожин
Итқитинг, деб берару фармон,
Қофиясоз дўстларга очиқ
Қичқиради: «Басдир йиғламоқ,
Ҳамон бирдай, бас, вақилламоқ,
Қўймамоқ бас ўтмиш, мозийни,
Куйланг энди бошқа мавзуни!»
— Ҳақсан, балки бизга тутарсан
Ниқоб, ханжар яна бурғини,
Фикрларнинг ўлик мулкени
Тиргизмоқни фармон этарсан.
Шундаймасми?— «Ҳеч қачон! Тоблаб,
Қасидалар ёзинг, жаноблар,

XXXIII

Нечук ёзган бўлсалар гуррос
Ўтмиш йиллар, ёзингиз шундоқ...»
— Баландпарвоз қасидами, бас,
Бас, бари бир эмасми, ўртоқ?!
Ҳажвнавис сўзин этгил ёд!⁸¹
Кўчирмачи лириклар наҳот,
Авло бўлса сен учун ҳар дам
Бизнинг тушкун назмбозлардан?—
«Элегия аммо — пуч нарса,
Мақсади ҳам гўё пуч данак;
Қасиданинг ғояси — юксак,
Ҳам хайрли...» Бу ерда роса
Баҳслашмоғим мумкин-у, абас,
Икки аср талашмасин, бас.

XXXIV

Эркинлигу шуҳрат шайдоси
Туғёну ўй қуюни аро
Қасида ҳам ташлар-у ёзиб
Ўқимас ҳеч Ольгаси аммо.
Айтинг, қайси дардли бир шоир
Севгилиси қошида ахир
Шеърларини ўқимиш? Ҳайҳот,
Йўқмиш бундан ортиқ мукофот.
Бахтиёрдир камтарин ошиқ,
Ишқу қўшиқ маъбудасига —
Хумор кўзли маҳбубасига
Ҳасратини куйласа очиқ!
Бахтиёрдир... гарчи ул малак
Хаёлида бошқа бир тилак.

XXXV

Валекин мен орзум куйлари,
Хаёлларим оҳангини, рост,
Болалигим ҳамдами — қари
Энагамга ўқийман, холос.
Ё тушликдан кейин валдираб
Ўтиб қолса қўшним тентираб,
Шартта ушлаб этагидан тез,
Дардим билан бўғаман шу кез.
Ва ёки (бу беҳазилдир, оҳ),
Толдириб ғам, қофия ўйи,
Кўл бўйида кезиб, ёввойи
Ўрдакларни чўчитаман гоҳ:
Тинглаб жаранг шеъримни, бари
Учиб кетар соҳилдан нари.

XXXVI. XXXVII

Хўш, Онегин қалай? Ҳа, дўстлар!
Сабрингизга тилаб мен тўзим,
Машғулотин унинг дурустлаб
Езажакман батафсил ўзим.
Тарки дунё айлаб юрар у;
Ёзда еттиларда турар у,
Анҳор оқур тоғлар тегида, —
Енгил-елпи кийим эғнида,
Гулноранинг⁸² куйчисидек заб
Ҳеллеспонтни⁸³ сузиб кечарди,
Кейин қаҳвасини ичарди,
Бемаза бир журнал варақлаб,
Кийинарди...

XXXVIII. XXXIX

Кезиш, ўқиш, уйқу дамлари,
Жилға саси, ўрмон кўлкаси;
Гоҳ қорақўз оқбаданларнинг
Оҳорлиқ қайноқ бўсаси;
Ювош тулпор — миниб учишлик,
Серхархаша ва нозик тушлик,
Ҳам шуъларанг шароб — бир шиша,
Узлат, жимлик, кимсасиз гўша...
Шудир унинг қутлуғ ҳаёти,
Боғланмишдир шунга туйғусиз,
Ардоқ ичра кечар қайғусиз
Ажиб ёзги кечалар тоти.
Унутилмиш шаҳар, ошнолар,
Байрамлару дилгир ғавғолар.

XL

Аммо бизнинг шимол ёзлари
Масхарадир жануб қишига —
Кўринару йўқ бўлар бари,
Гарчи малол бу гап кишига.
Куз нафаси кезар ҳавода,
Қуёш камроқ порлар самода,
Қисқаради эринчак кунлар,
Энди маъюс куйлаб чекинар
Ўрмонларнинг сирли сояси;
Далаларга тушгайдир туман,
Кўчиб кетар жанубга томон
Ғағиллаган ғозлар галаси.
Зерикарли бир фасл яқин,
Остонада қиш турар тагин.

XLI

Совуқ тунни қувар тонг нури,
Экинзорлар — жимжит ва беқут;
Йўлга чиқар жонивор бўри
Оч жуфтини эргаштириб зуд.
Кишнаб қолар йўлда сезгир от,
Эҳтиёткор йўлчи шу заҳот
Жон борича елар тоғ томон.
Тонг чоғлари энди подабон
Даштга сигир ҳайдамас бу кез.
Тўплаш учун подани чошгоҳ
Қўбизи ҳам сайрамайди гоҳ.
Кулбасида куйлаб деҳқон қиз
Ип йигирар. Милтирар бу чоқ
Қиш тунларин ҳамдами — чироқ.

XLII

Чирсиллайди, мана, аёз, қор,
Кумуш гуллар — далалар аро...
(Қофиясин кутурсиз — баҳор:
Ола қолинг, мана, марҳабо!)
Кийиб олиб сой ҳам муз либос,
Ялтирайди паркет полдан соз.
Болакайлар аёз чангида
Чуввос музни қирар чангида.
Лапанглаган қизилпанжа ғоз
Сувда сузмоқ бўлиб сузилиб
Муз устида бир оз кезиниб,
Сирпанару йиқилар нохос.
Биринчи қор чарх уриб ўйнар
Юлдузланиб соҳилга қўнар.

XLIII

Бундай чоғда не бор овлоқда?
Кезмоқми? Йўқ, қиш фасли, қара,
Зериктирар кўзни қишлоқда
Бирдай очиқ, яланг мапзара.
От сурмоқми беомон чўлда?
Йўқ, йўқ, унда билгилки, йўлда
Яхбанд ерда чополмай озод,
Қулаб тушар тақаланган от.
Ўтиравер кулбангда ўзинг.
Ўқи, Прадт⁸⁴ ё Вальтер Скотт⁸⁵.
Ёқмайдимми — ҳамённи ол бот:
Ё ғазаблан, ё ич; бу узун
Кеча кечар, эрта ҳам, аёп,
Қишдан бир нав чиқурсан омон.

XLIV

Онегин Чайльд Ҳарольдга ўхшар:
Чулғаб ўйчан ялқовлик бутун,
Саҳар музли ваннага тушар,
Кейин уйдан чиқмас уззуқун.
Қўйиб фақат иккита соққа,
Тонгдан бильярд ўйнар у якка.
Учсиз таёқ — ёлғиз яроғи,
Ҳисобининг йўқдир адоғи.
Оқшом чўкар қишлоққа секин,
Қолар бильярд, таёқ бир замон;
Камип олди, ёзиқ дастурхон, —
Ленскийни кутар Онегин:
Чапа келур, уч отли — учоқ,
Кела қолгин тушликка тезроқ!

XLV

Тул Кликко ёки Моэга
Номидаги табаррук шароб⁸⁶
Шоир учун муздек ҳолида
Келтирилар шу лаҳза, шу тоб
Тошар мисли Ипокрена⁸⁷,
Товланиши, кўпиги, яна
Бошқа сифатлари, бегумон,
Мафтун этмиш мени бир замон.
Эсланг, дўстлар, берардим фақат
Сўнгги бадбахт чақамни ҳатто:
Бу май сеҳри этмишдир пайдо
Не номаъқул ишларни бир пайт;
Бермиш қанча шеърлар, кулгулар,
Қанча баҳсу қувноқ орзулар!

XLVI

Важиллаган кўпиги лекин
Соғ меъдамни бузар менинг сал.
Мен ҳам сокин *Бордони*⁸⁸ букун
Ул шаробдан кўрурман афзал.
*Аига*⁸⁹ йўқ энди парвойим;
Аи — гўзал, жўшқин, ҳавойи,
Қайсаргина ва ҳам бемаъни
Маъшуқага ўхшайди айни...
Лекин, *Бордо*, сен содиқ ёрсан,
Шодликда ҳам, мусибатда ҳам
Ҳамма жойда ҳамини ҳамдам,
Хизмат ила қаторда борсан.
Буш пайтга ҳам шериксан борҳо,
Яша, бор бўл, дўстимиз *Бордо*!

XLVII

Олов сўнди; энди олтин чўғ
Кўзларини қоплаётир кул;
Сокингина таралади буғ,
Камин кам-кам совийди буткул.
Дуд чилимдан ўтар мўрига.
Дастурхоннинг ҳануз тўрида
Куйлаётир ул шуъларанг жом...
Аста-секин чўкиб қолар шом...
(Мен севаман дўстона сирлар
Ва дўстона гулгун жомларни,
Бундай пайтни — бундай шомларни
Бўрию ит ораси дерлар.
Нечун шундоқ, билмайман ғақат).
Дўстлар энди қуради суҳбат:

XLVIII

«Кўшнинг нечук? Нечук Татьяна?
Шаддод Ольганг қалай, ошнажоп?»
— Ярим қадаҳ сун менга яна...
Бўлди, дўстим... Жами хонадон
Соғ-омондир. Йўллашди салом.
Оҳ, азизим, Ольганинг тамом
Елкалари, кўкраги на соз!
Қалбини айт!.. Бирон маҳал боз
Боражакмиз шодлаб, оғайни;
Ўйлаб кўргин сен ўзинг андак:
Икки марта бердинг-ку дарак,
Кўрсатмадинг кейин қорангни.
Мен бефаҳм, эҳ, қара мени!
Чақирганлар бу ҳафта сени.

XLIX

«Мени-я?» — Ҳа. Келгуси шанба —
Татьянанинг туғилган куни.
Бормасликка сабаб йўқ санда,
Ольга билан онаси сени
Хўб сўрашган. — «Кўп бўлар жуда
Қаланғию қасапғи тўда...»
— Ҳеч ким бўлмас, мана, мен кафил!
Бўлар фақат оила-аҳил.
Илтифот эт, юра қол у кун!
«Бўпти». — Қандай яхшисан, жўра! —
У шундай деб сипқорар тўла
Қўшни қизлар соғлиги учун.
Сўнг Ольгадан сўйлар яна у.
Нима дейсиз, муҳаббатдир бу!

L

У шод: икки ҳафтадир бори —
Ёнур бахтли куннинг сирожиди.
Ҳам никоҳ тўшагин асрори,
Ҳам севгининг ажиб гултожи
Шавқларига унинг интизор.
Оилавий ташвиш, оҳу зор
Совуқ эсноқларнинг-да гали
Тушига ҳам кирмаган ҳали...
Биз-чи, Ҳименейнинг душмани,
Оилада кўрурмиз фақат
Ҳоритгувчи лавҳалар қат-қат,
Худди Лафонтеннинг⁽¹⁸⁾ романи...
Қалбан шўрлик Ленский — ўшал
Ҳаёт учун яралмиш азал.

LI

У севилган... Ҳеч бўлмаганда
Шундай ўйлаб, эди бахтиёр.
Эътиқодга берилган банда
Бахтиёрдир янада юз бор;
Бахтлидир, ким маст йўлчидек ё
Тинчиб, қотса хонақоҳ аро.
Капалакдан латиф, зиёда
Баҳор гулин суйса дунёда!..
Кимки кўрса барин олдиндан
Тажрибалар кўнглин совутса,
Мастлик, беҳушликни унутса,
Ҳар имою ҳар сўзни чиндан,
Айнан англаб, яшаса ҳориб,
Бундай одам дунёда ғариб!

БЕШИНЧИ ФАСЛ



Бу мудҳиш тушларни билма сен ҳаргиз,
О, менинг Светланама!

Жуковский

I

Ўша йили куз ҳам беадад
Узоқ туриб қолди ерларда,
Қишга интиқ эди табиат,
Қор-чи, ёғди фақат январда —
Учинчи тун. Уйғониб саҳар,
Деразадан Татьяна боқар,
Кўрар: қўра, деворлар оппоқ;
Томлар оппоқ, гулзорлар оппоқ;
Ойнада ҳам гули нақшнинг,
Дарахтларда — кумушдан либос,
Қарғаларнинг қувнаши на соз,
Кийиб момиқ пўстинин қишнинг,
Олисларда ярқирарди тоғ,
Ҳар ён — ёрқин, оппоқ ҳаммаёқ.

II

Қиш!.. Деҳқон ҳам қилур тантана,
Қўрасига очади йўллар;
Қари оти қор искабгина
Амал-тақал, зўрға лўкиллар.
Юмшоқ қорни ағдариб, ана,
Учиб борар соявон чана,
Ўлтирибди чанакаш эпчил,
Пўстин узра қийиғи қизил.
Кучукчасин ўтқазиб шу он
Чанасини тортиб — от бўлиб,
Деҳқон бола ўйнар шод бўлиб,
Бармоқларин музлатди, шайтон;
Йиғламсиниб кулар у яна,
Деразадан койийди она.

III

Балки бундай манзара, тасвир
Мафтун этмас сизни сира ҳам:
Бу бир ғариб табиат, ахир,
Нафосат ҳам бунда хира, кам.
Бошқа шоир хуш калом ила,
Худо берган чин илҳом ила
Тасвир этмиш биринчи қорни,
Қиш гаштини, рангу виқорни⁽¹⁹⁾.
Сизни асир этгай у авло,
Чаналарда сирли сайрлар
Сеҳрин айтур ўтли сатрлар;
Ҳозирча мен беллашмам аммо
Унинг билан, сен билан ҳам, бил,
Фин қишини куйлаган эй, дил⁽²⁰⁾.

IV

Татьяна (у қалбан рус бутун,
Боисини билмайин фақат),
Совуқ кўрки билан бус-бутун
Рус қишини севадир беҳад.
Тонг қировин, изгирин вақтда,
Чананию кечки шафақда
Яллиғланган қорини севар,
Ҳайит шоми — борини севар:
Азал бундай кечалар хушҳол,
Томларида тинмас тантана,
Жориялар очилиб яна
Бекқизларга очадилар фол:
Ҳар йил бирдай ваъда-хабарлар —
Ҳарбий эру олис сафарлар.

V

Татьяна жўн ривоятгаю
Ишонадир турфа тушларга,
Ой сўйлаган қароматгаю
Қарта билан фол очишларга.
Шубҳаланар ҳар аломатдан,
Ҳар шарпаю ҳар синоатдан
Бир нохушлик, дарак сезарди,
Сезганлари бағрин эзарди.
Танноз мушук печ устида гоҳ
Юзин ювса панжада, аён,
Демак, уйга келмоқда меҳмон.
Самонинг сўл сўйида ногоҳ
Янги ҳилол бир ўроқ бўлиб
Кўривса ё иккишоҳ бўлиб,

VI

Ранги ўчар, титрар оғриниб.
Учаётиб юлдуз ногаҳон
Тилиб қора осмон бағрини,
Қулар экан, шу лаҳза, шу он,
Юлдуз тушиб улгурмасдан тез
Саросима ичра шўрлик қиз
Тилагини тилашга шошар.
Бирон жойда дафъатан агар
Қора кийган роҳиб келса дуч,
Ёки чопқир қуён далада
Йўлин кесиб ўтса, янада
Қўрқиб, қолмас унда дармон, куч,
Юрагини қоплаб рутубат,
Бор, дер эди, бирон мусибат.

VII

Қасб этгайдир сирли латофат
Даҳшат, қўрқув ичра ҳам гўзал.
Зиддиятга мойил табиат
Бизни шундоқ яратмиш азал.
Ҳайит келур! О, бу не шодлик!
Фоллар очур беалам ёшлик —
Ҳеч нарсадан йўқдир армони,
Қаршисида ҳаёт майдони —
Гўё ёруғ, бепоён, равон.
Кексалик ҳам фоллар очур-да,
Кўзойнакда, бир оёқ гўрда, —
Ҳамма нарса ортида, вайрон;
Йўқ, барибир умид — яширин
Алдар кулпб боладек ширин.

VIII

Шоён нигоҳ билан Татьяна
Боқар эриб ёнгувчи мумга,
Нақш тузиб шам ёна-ёна
Ажиб сирлар сўйлайдир унга;
Ликопдаги лиммо-лим сувдан
Чиқар бир-бир узуклар; ундан
Узук чиқар Татьянага ҳам,
Қадим қўшиқ куйланур шу дам:
*«Барча деҳқон унда бадавлат,
Кураклаб зар йиғур ҳар қачон,
Эшитганга бўлсин шараф-шон!»*
Кулфатлардан даракдир фақат —
Куй мунглидир ушбу қўшиқда,
Қиз қалбига маъқул мушукча⁽²¹⁾.

IX

Аёз бир тун. Осмон очиқдир;
Самовотда ложувард чироқ —
Жимир-жимир сокин қўшиқдир...
Юпқагина либосда бу чоқ
Кенг ҳовлига чиқиб Татьяна
Ойга ойна тутмоқда, ана.
Аммо хира кўзгуда э, вой,
Титранади маъюсгина ой...
Қор... ингранар... ўтмоқда биров;
Қиз учади оёқ учда,
Най навоси сингари жуда
Майин янграр овози дарров:
— *Исмингиз ким сизнинг, акаҳон?*⁽²²⁾.
Ҳайрон йўлчи дейди:— Агафон.

Х

Энагаси бериб маслаҳат,
Фол кўрмоқчи бўлди қиз пинҳон,
Кеч ҳаммомда икковга фақат
Тузатингиз, деди, дастурхон;
Даҳшат босди лек Татьяна...
Мен ҳам ўйлаб Светланани,
Даҳшатларга ботди хаёлим.
Бас, очмадик Татьяна фолин.
Ечиб ипак тасмасини қиз,
Хоб кўйлақда кирар тўшакка.
Севги илоҳаси Лель⁹⁰ якка
Чарх уради бошида унсиз;
Пар ёстигин остида — кўзгу.
Атроф жимжит. Ухлаб қолар у.

ХІ

Қиз кўради ғаройиб бир туш:
Қор қоплаган ёбонда якка
Борар эмиш, теграси ноҳуш
Чўмган ҳазин қоронғуликка;
Қортепалар — қизнинг қошида,
Ўшал қорли маъво ичида
Гувлаб-тошиб, ўкириб, э, вой,
Оқар қишга бўйсунмаган сой.
Титрар қўша ингичка хода —
Епишганмиш музлаб бирикиб,
Бу — сой узра ажал кўприги;
Тўхтаб қолмиш ҳайрон, афтода
Қора гирдоб қаршисида қиз,
Ноиложу нотавон, ожиз.

XII

Қолган каби дардди фироқда
Зорланади Татьяна сойга;
Кимса йўқки аммо у ёқда,
Мадад қўлин чўзса шу жойда.
Ул қортела тебраниб бирдан,
Қай жонзод денг чиқибдир қордан?
Паҳмоқ айиқ, каттакон, зўрмиш,
Қиз: *Оҳ!* Демиш, айиқ ўқирмиш.
Сўнг тирноқли, дағал панжасин
Татьянага узатмиш, қаранг,
Қиз қалтираб ушлабди аранг;
Қўрқа-писа, мана шу йўсин
Сойдан ўтиб олибди омон;
Юрса, айиқ қолмасмиш ҳамон!

XIII

Ортга боқмай, этолмай журъат,
Қиз илдамроқ борар тобора;
Аммо паҳмоқ қаролдан фақат
Қутулмоққа йўқ эмиш чора;
Махлуқ келар инқираб ҳамон;
Рўпарада — сокин бир ўрмон;
Қарагайлар қарагайлар тунд,
Қор устида шохлари бутун
Эгилмишдир; тепалар, қирлар —
Тоғтерагу аргувон, қайин
Ой нурида ялтирар майин;
Йўл йўқ сира; жангалу жарлар
Қорлар босиб қалин, бенаво
Етар эмиш изғирин аро.

XIV

Қиз ўрмонга кирмиш, айиқ ҳам.
Тизасидан келар эмиш қор.
Дам бўйнини шохлар тилиб, дам
Унинг тилла сирғасин бадкор
Қулоғидан олармиш юлиб;
Бошмоқлари гаҳи ҳўл бўлиб,
Қорга ботиб қолар эмиш гоҳ;
Рўмоли ҳам тушармиш ногоҳ;
Аммо кўрқар, ердан ололмас;
Орқасида — айиқ изма-из,
Титроқ қўли билан ҳатто қиз
Этагин ҳам сал кўтаролмас;
Эргашармиш айиқ ҳам дажжол,
Югуришга қолмабди мажол.

XV

Қор устига йиқилади қиз;
Айиқ чаққон кўтариб жўнар;
Қиз индамас — беҳушу ожиз,
Қимир этмас, нафас ҳам тинар;
Елар экан айиқ ўрмонда,
Ғариб чайла учрар, зорманда;
Атроф жимжит, чайла ҳам оппоқ —
Томигача қор эмиш бироқ.
Даричаси ёруғ — нурафшон,
Чайла ичи — шовқинмиш, қий-чув.
Айиқ дер: «Бир ошнам уйи бу,
Исиниб ол, кириб бир майдон!»
Айиқ босиб ўтиб даҳлизни,
Остонага қўйганмиш қизни.

XVI

Хушга келиб Татьяна кўрмиш —
Даҳлиз; йўқмиш айиқ дараги;
Ичкарида — маросим, зўрмиш
Қийқириғу жомлар жаранги.
Зарра маъно англамай лекни
Қиз тирқишдан боқибди секин,
Ҳайҳот, давра қурмиш не зотлар?
Ғаройибу ғариб жонзодлар:
Бири — шохдор, битгаси қурғур —
Иттумшуғу, бири — хўрозбош,
Эчкисоқол алвасти ёпдош,
Бир қилтириқ кезармиш масрур,
Ана, думли жинлару шумшук
Яримтурна ҳам яриммушук.

XVII

Бундан кўра даҳшатлироқдир
Қисқичбақа — ўргимчаксийёқ;
Чарх уради қизил қалпоқли —
Ғоз бўйинли бир калла чаноқ.
Ел тегирмон рақсга тушар,
Қанотлари қирсиллаб учар;
Қўшиқ, кулгу, итлар нолиши,
От дупури, инсон товуши!
Кўриб қолгач даврада алҳол
Ул даҳшатли қадрдонини —
Достонимиз қаҳрамонини,
Татьяна не айлади хаёл!
Онегин ҳам унда ўлтирар,
Эшикка гоҳ кўз югуртирар.

XVIII

У ишорат этса — бияллар,
Ичса — ичиб чинқиргай барча;
У бир кулса агар — кулгайлар,
Қош чимирса — жим тургай барча;
Бу ерда у хўжайин, аён:
Қўрқмас энди Татьяна чунон,
Қизиқсиниб ўзи бу маҳал
Қиз эшикни қия очар сал...
Бирдан шамол ичкари уриб,
Тун шамлари ўчар шу тобда:
Авбош тўда бўлар безовта;
Нигоҳлари чақнаб, ўкириб
Онегин бот ўрнидан турар;
Ҳамма тургач, эшикка юрар.

XIX

Қўрқув босиб, шошиб Татьяна,
Қочай деса, йўқмиш чораси;
Сабри тугаб, тўлғониб яна
Чинқирай дер, чиқмас носани.
Эшик очар Евгений шунда
Ва дўзахий гала қошинда
Пайдо бўлар дафъатан бу қиз;
Ваҳший кулгу янграйди шу кез.
Кўз, туёғу эгри хартумлар.
Тиш, мўйлову қонталаш тиллар,
Қуруқсуяк бармоқ сабиллар,
Шохлар, бари, кокилдор думлар —
Қизга имо қилиб бетиним,
Қичқирармиш: Маники! Маним!

XX

Меники!— дер Евгений бадҳол,
Ваҳший тўда бирдан тарқалар;
Совуқ зулмат қўйнида алҳол
Навниҳол қиз дўсти-ла қолар.
Татьянани кейин бирпасда
Четга тортиб Онегин аста,
Сўнг омонат бир ўриндиққа
Ўтқазару кифтига шилққа
Бошия қўяр... Ногоҳ шу асно
Ольга кирар, Ленский кейин;
Зиё порлар; Онегин кескин
Қўлин силтаб, кўзлари бежо,
Меҳмонларни сўкар беомон;
Татьяна-чи, ётар чалажон.

XXI

Жанжал қизир; Онегин шу пайт
Узун пичоқ суғурар, ҳайҳот,
Қулаб тушар Ленский... Даҳшат,
Зулмат босар; Учар бир фарёд...
Лопиллайди чайла ҳам яна...
Ва... уйғонар қўрқиб Татьяна...
Қарар, ёруғ тушган хонада,
Музлаб нақшин бўлган ойнада
Яллиғланиб ўйнар гонг нури;
Шимол Аврорасидай⁹¹ ял-ял
Ёниб-ёниб Ольга шу маҳал
Қалдирғочдай кирар чарх уриб;
Дер: «Сен менга айтгин-чи шунда,
Бу кеч кимни кўрдинг тушингда?»

XXII

У синглисин пайқамас аммо,
Китоб ушлаб ётар тўшакда,
Бир-бир варақлайди-ю, асло
Оғиз очмас унга туш ҳақда.
Ғарчи китоб ширин, сафоли
Шоирона хаёлдан холи,
На ҳикмат бор, на тасвир-газийн;
На Вергилий, аммо, на Расин,
На Скотт, на Байрон, Сенека⁹²,
На хонимлар Мода журнали⁹³ .
Бу китобга тенглашмас ҳали;
Дўстлар, бу зот — Мартин Задека,⁽²³⁾
Халдей донишмандларин пири,⁹⁴
Саъъати — фол ва туш таъбири.

XXIII

Ажойибу теран бир асар,
Буни овлоқ гўшага бир пайт
Келтирганди сайёр савдогар,
Татьянага мақтаб, ниҳоят,
«Мальвина»ни⁹⁵ қўшибон шунга
Зўрға бериб уч ярим сўмга,
Устама ҳам олганди тагин —
Кўча масаллари тўпламин,
Тил китоби, «Пётрнома»,⁹⁶
Мармонтелнинг⁹⁷ учинчи томи —
Кетди; кейин Задека номи
Қизга азиз бўлди тамоман.
Таскин бўлди дардлари учун;
Кечалар ҳам ухлайди қучиб.

XXIV

Ҷизни қийнар тушлар савдоси,
Таъбирини билмайди фақат.
Қўрқинч рўёларнинг маъносин
Шу китобдан излар бетоқат.
Мана, қисқа ул мундарижа —
Алифбовий тартиб бўйича
Айиқ, арча, алвасти, бўрон,
Зулмат, кўприк, тоғ, типратикон,
Қор, қарағай сўзларин излар.
Задека ҳам беролмас мадад.
Аммо мудҳиш туши беадад
Ғам-ғуссали кунлардан сўзлар.
Татьянамиз яна неча кун
Шуни ўйлаб яшади дилхун.

XXV

Мана, олтин водийлар оша
Шафақ гулгун қўллари бирлан⁽²⁴⁾
Ҳадя этур қуёшга қўша
Туғилган кун байрамин бирдан.
Ларинларнинг қўраси тонгдан
Гавжум; қўни-қўшни ҳар ёндан
Келур сурон солиб янада
Турли араваю чанада.
Даҳлизда ҳам тиқилинч, ғулу;
Меҳмонхона ичра — азизлар;
Лайча гингшир эшикда; қизлар
Дийдорлашур; шовқин ва кулгу;
Меҳмонларда — таъзим-тавозеъ,
Она жаҳли, гўдак ғавғоси...

XXVI

Норғулгина хотини ила
Йўғонгина Пустяков бунда;
Қашшоқ деҳқонларга бегила —
Зўр хўжайин Гвоздин шунда;
Ўттиз ёшдан икки ёшгача
Бор боласин олиб, бошқача,
Кекса Скотининлар келур;
Ҳам олифта Петушков елур,
Менинг амакваччам Буянов
Қиймиш юнгдор пўстини қалпоқ,
(Албат, сизга танишдир андоқ),⁹⁸
Истеъфога чиққан Флянов,
Яъни иввогару фирибчи,
Порахўру мечкай, қизиқчи.

XXVII

Панфил Харликовларга ҳамроз —
Келмиш аскиябоз Трике,
Тамбовликдир асли бу шоввоз,
Кўзда — ойнак, бошда — парики.
Асл фарангмасми, кармонда
Битта шеъри бордир, зорманда,
Қизга ўқир виқор-ла энди:
Reveillez-vois, belle endormie*,
Қадим қўшиқларнинг ичинда
Бир баёзда босилмиш бу байт,
Топқир шоир Трике шу пайт
Йўқдан бино қилди-ку, чиндан,
Belle Nina** ўрнига яна
Дадил айтур: belle Tatiana***.

* Ухлаётган гўзал, уйғонинг. (*Французча.*)

** Гўзал Нина.

*** Гўзал Татьяна.

XXVIII

Ташриф этди ҳарбий даҳадан
Қўшин командири — аълоси,
Онахонлар арзандаси, ҳам
Бўйга етган қизлар худоси;
Оҳ, бу мужда дилларни чоғлар!
Келур, мана ҳарбий машшоқлар!
Юбормишдир полковник ўзи.
Демак, базму мусиқа қизир!
Қизалоқлар сакраб қувнайди⁽²⁵⁾.
Таом келур. Меҳмонлар бари
Жуфт-жуфт ўтар дастурхон сари.
Татьянани қизлар қуршайди;
Қаршисида — эркаклар фақат:
Чўқинишар, бошлашар суҳбат.

XXIX

Бир зум тинар гап-сўзу миш-миш,
Чапиллайди оғизлар. Ҳар ён
Тақиллайди қошиғу идиш,
Жаранглайди қадаҳлар чунон.
Секин-аста меҳмонлар аммо
Кўтаришар баробар ғавго.
Тингламас-у, ҳамма қичқирар,
Чийиллару кулар, қийқирар.
Шунда бирдан очилар эшик.
Ленский ва Онегин кирар,
«Оҳ, шукр!» деб бека чинқирар.
Келар курси, тақсимча, қошиқ;
Сурилишиб меҳмонлар шу кез
Икки дўстни ўтқазишар тез.

XXX

Татьянага улар рўбарў,
Аmmo тонгги ой каби рангсиз
Қувғин оҳу янглиғ титрар-у,
Соя солган кўзларини қиз
Ердан олмас, қийнар эҳтирос.
Мушкул, нохуш ҳолат эди, рост.
Икки дўстнинг табрик, саломин
Эшитмас у, кўзлар селобин
Зўрға тияр, тутар ўзини.
Йўқса беҳуш йиқилар туйқус,
Йўл қўймайди прода, номус.
Қиз қимтиниб, ямлаб сўзини,
Маъюгина шивирлайди, бас,
Ўлтиради ўрнида бесас.

XXXI

Жазавали, асабий ҳолат,
Кўзёшлару беҳушликларга
Евгенийда йўқ асло тоқат,
Хўб тўйган бу нохушликларга.
Тентак, кўргач каттакон базм,
Ғазабланди. Кўрдию шу зум
Маъюс қизнинг ҳол, титроғини,
Ўкинди ва сўнг нигоҳини
Ерга тикди. Тумтайиб яна,
Ленскийнинг жаҳлин қўзғаб боз,
Қасам ичди олмоққа қасос
Ва ҳалитдан айлаб тантана,
Чизаверди хаёлан бетип
Меҳмонларнинг ҳажвий суратин.

XXXII

Татъянанинг дард-ҳаяжони
Сезилганди ҳаммага, албат.
Атай кўзу сўзнинг нишони
Мойли сомса эди бу фурсат,
(Бахтга қарши, шўр экан у ҳам).
Турли таом ёнига шу дам
Берк шишада, яшнаб ҳубоби,
Келур Цимлянский шароби.
Эй, кўнглимнинг ёқути — Зизи,
Узун, хипча қадаҳлар қатор
Келур, сенинг белингдек, эй, ёр,
Маъсум шеърларимнинг азизи;
Эй, муҳаббат пиёласи, бас,
Ўзинг мени этардинг сармаст!

XXXIII

Шишасидан этилгач озод,
Тошар, жўшар важиллаб шароб.
Дилгир Байтин ўқиш учун шод
Турар жаноб Трике шу тоб.
Мажлис аҳли тингламоққа зуд
Шайланади, сақлайди сукут.
Татьяна ҳам жонсарак бўйлар,
Унга қараб Трике куйлар —
Зормандасин. Товушлар — қуюқ
Олқишлайди уни; Татьяна
Мажбур таъзим этмоққа яна;
Камтар шоир, агарчи буюк,
Соғлигига сипқориб, секин
Байтни қизга узатар кейин.

XXXIV

Янграй бошлар табрику рағбат,
Ташаккурлар айтар Татьяна.
Евгенийга келганда навбат
Қизнинг ғамгин чеҳраси, яна
Хижолати, ҳорғин ҳолати
Йигит қалбга шафқат солади:
Айлар қизга жимгина таъзим,
Нигоҳлари нечукдир шу зум
Кўп меҳрибон эди ҳаттоки.
Чиндан кўнгли бузилдими ё,
Шўхлик қилиб сузилдими ё,
Хоҳламайми, хоҳлабми ёки,
Не бўлса ҳам, ул шафиқ нигоҳ
Қиз кўнглини очди баногоҳ.

XXXV

Тақирлайди курсилар, шу он
Халқ ёприлар меҳмонхонага,
Асалари шунақа ғужғон
Учар яшил-алвон далага.
Таомлардан тўйиб яшнаган —
Пишиллайди қўшни қўшнига;
Печь ёнида хонимлар сўзлар,
Шивирлашур бурчакда қизлар.
Ёзилади яшил дастурхон —
Жўшқин қартабозларни чорлар;
Бостон, ломбер ўйнайди чоллар,
Вист⁹⁹ ҳам жуда машҳур бу замон;
Бари — бир гўр, бир ҳийла, бир фан —
Зиқна дилгирликларга фарзанд.

XXXVI

Вистбоз зотлар роса ўйнашди
Саккиз давра, саккиз карра ҳам
Ўринларин нуқул алмашди.
Сўнг чой келди. Соатни ҳар дам
Мен тушлигу чой, кечлик билан
Белгилашни севаман бирам.
Ўишлоқда бу ўнғай одатдир:
Ўорнимиз энг тўғри соатдир.
Айтиб ўтай яна, дарвоқе,
Сенингдек, эй, илоҳий шоир,
Ўттиз аср илоҳи — Ҳомер,
Мен ҳам кўп бор этмишам воқе
Ўуйлаб шеърда зиёфатларни,
Тиқин, таом, зарофатларни!

XXXVII. XXXVIII. XXXIX

Чой келди-ю, қизлар тортиниб
Таом олмай туриб оғизга,
Ўзун саҳн — эшик ортида
Янграб қолди най ва сибизга.
Муסיқадан шодланиб тамом,
Чойни, майни ташлаб бекалом,
Атроф кентлар Париси¹⁰⁰ — ҳуштоб
Елар Ольга сари Петушков.
Ҳам қариқиз Ҳарликовани
Ҳув тамбовлик шоирим тутар,
Татьянани Ленский кутар,
Буянов-чи, Пустьяковани
Олиб учар. Қувноғу гўзал
Ўўрки билан товланади бал.

XL

Мен достоним ибтидосида
(Едга олинг биринчи фаслин).
Тасвир этмоқ эдим аслида
Альбанидек¹⁰¹ Петербург базмин.
Таниш хонимларни ўйлаб, лол,
Оёқчасин сўйлаб, хом хаёл —
Хотиротга чўкибман тамом.
Оёқчалар, сизнинг хушмақом
Изингиздан адашмоқ басдир.
Қилмабдими ёшлигим вафо,
Хушни йиғиб, энди бехато
Савту наво тузмоқ ҳавасдир;
Бу бешинчи бобим-да, бирдан
Холи бўлсин чекинишлардан.

XLI

Бамисоли ёшлик шитоби
Бир усулда фақат телбавор
Айланади рақс гирдоби;
Жуфтлар ўтар такрору такрор.
Келгач қасос лаҳзаси, секин
Қулимсираб зимдан Онегин
Ошкор Ольга ёнига келар,
Унинг билан чарх уриб елар.
Сўнг курсига ўтқазар қизни,
Гап очади у ёқ-бу ёқдан,
Бир оз фурсат ўтгач, узоқдан
Икков бошлар яна рақсни.
Ҳамма ҳайрон. Ленский ўзи
Ишонмайди, кўрса ҳам кўзи.

XLII

Мазурка ҳам янграр. Бир замон
Гумбирлаган чоғда бу садо
Бутун зални чулғарди сурон,
Титрар эди паркет ҳам ҳатто,
Зирилларди дераза қақшаб;
Энди: биз ҳам қизларга ўхшаб
Силлиқ полда сураминг оёқ.
Аммо ҳануз кўп шаҳру қишлоқ
Сақламишлар бу куйнинг солим
Ибтидоий тароватини,
Сакраш, учиш маҳоратини;
Ҳануз мода — бизнинг бу золим —
Еш наслнинг ёви, офати
Уни барбод эта олмади.

XLIII. XLIV

Шижоатли Буянов акам
Онегиним томон келтирар
Татьянаю Ольгани; шу дам
У Ольгани олиб пилдирар;
Сирпанаркан аста, эшилиб,
Нозик ишқий шеърни, эгилиб,
Шивирлайди ул ширинзабон,
Қўлчасини қисар, шу замон
Ольга юзи ловуллаб ёниб
Акс этади қизлик виқорин.
Барин кўрди Ленский, барин!
Шоир беҳуш, куйиб, қизғониб,
Тўхтатишгач куй ва рақсни,
Чорлар бошқа рақсга қизни.

XLV

Ҳайҳот! Мумкин эмасмиш аммо!
Нима эмиш — бор эмиш лафзи,
Онегинга сўз бермиш... Худо,
О, худованд, не бўлур ўзи?
Она сути оғзидан зарра
Кетмаган бу таннозни қара!
Оҳ, ҳийлагар бўлиб ниҳоят,
Касб этибдир алҳол хиёнат!
Ҳолсизланиб Ленский анча,
Лаънатлайди аёл зотини,
Чиқар, талаб этар отини,
Жўнар. Энди икки тўлпонча
Ва икки ўқ унинг потугал
Тақдирини этажакдир ҳал.

ОЛТИНЧИ ФАСЛ



La sotto i giorni nubilosi e brevi,
Nausece una gente a cui l'morir non dole

Petr

* Кунлари зулмату мухтасар ерда
Бир авлод туғилгай — қўрқмас ўлимдан.
Петрарка. (Итальянча.)

I

Ғойиб бўлмиш Ленский, мана,
Нафси қониб ўз қасосидан,
Зиқлик чулғаб, Онегин яна,
Ўйга толур Ольга қошида.
Қизгина ҳам шундоқ эснайди,
Ленскийни кўзи излайди.
Сўнгсиз рақс уни беомон
Оғир тушдек толдирмиш ёмон.
Ўйин тугар, таом сузилар,
Жой солинар; банд бўлар, мана,
Даҳлиз, ҳатто ҳув чўрихона.
Уйқу босиб, барча чўзилар.
Онегиним жўнайди якка
Ўз уйида тинч ухламакка.

II

Жимлик чўкар, меҳмонхонада
Хуррак отар йўгон Пустьяков —
Йўгон ёри унинг ёнида.
Гвоздин, Буянов, Потушков,
Сал носоғроқ Флянов нетар —
Ошхонада — курсида ётар.
Фуфайкаю эски қалпоқда
Ухлар жаноб Трике полда.
Опа-сингил ётоғида ҳам
Қизлар ором олмоқда турлик.
Танҳогина Татьяна шўрлик
Деразанинг тагида пурғам
Ой нурига чўмиб ўлтирар,
Хув зим-зиё даштга мўлтирар.

III

Нечун пайдо бўлди у бирдан?
Кўзларида оний меҳр бор?
Қилиғи не — Ольгага қилган?..
Қиз ўртаниб, ўйлаб беқарор,
Ўз қалбига кирар теранроқ,
Ақли етмас, тушунмас бироқ.
Ўртар, қийнар рашк ўти нуқул,
Ғижимлайди қалбин муздек қўл;
Қиз пойида қорайиб фақат
Шовуллаиди тубсиз жар гўё...
Татьяна дер: «Бўларман адо,
Лек уни деб ўлмоқ — саодат.
Нолимайман, нолимам ҳеч вақт!
Йўқ, у мени этолмас хушбахт».

IV

Эй, дostonим, олға бос шитоб!
Чорлаётир бизни ўзга зот.
Ленскийнинг ўша Қизилтов
Қишлоғидан беш тош нари, шод,
Кимсасиз бир ёбонда ҳамон
Зарецкий яшар соғ-омон.
Бир пайт ўзи зўр авбош бўлган,
Қартабов тўдага бош бўлган,
Қовоқхона воизи — сардор.
Букун эса меҳрибон, содда,
Жами бўйдоқ қавмга ота,
Ишончли дўст, мушфиқ заминдор,
Ҳатто пок бир инсон у мутлоқ;
Тузалмоқда асримиз шундоқ.

V

Ялтоқланиб киборлар бир пайт
Мақтаб унинг ёвуз мардлигин,
Ўн қадамдан тузни у фақат
Тўппончада урарди лекин.
Бир ғайрати тошиб ўшанда
Зўр жасорат кўрсатган жангда —
Ногоҳ қалмоқ отидан учиб,
Балчиқ ерга ўлардай тушиб,
Фарангларга бўлганди тутқун.
Не бебаҳо гаров!.. Ҳар наҳор
Қарзга Вери⁽²⁶⁾ қошида такрор
Уч шишани қуритмоқ учун —
Янги Регул¹⁰², номус худоси
Қайта асир бўлишга рози.

VI

Эрмак учун кулиб баъзида
У гангитиб тентакни андак,
Ё ошкора ва ёки зимдан
Донони ҳам айларди тентак.
Аммо бундоқ мазаҳу ҳазил
Таги баъзан чиқар эди зил,
Шўхликлари гоҳи мўл бўлиб,
Тушар эди ўзи гўл бўлиб.
У баҳс этар қувноқу бийрон,
Бўлар-бўлмас жавоб топар зуд.
Режа билан сақлару сукут,
Режа билан кўтарар сурон,
Тушиб икки дўст орасига,
Элтиб қўяр жар ёқасига.

VII

Ярашмоққа мажбур этиб ё,
Бирга-бирга еб-ичару ул,
Сўнг тарқатиб ҳазил ва иғво
Обрўларин айларди бир пул.
Sed alia tempora!* Жасорат
(Ишқ дардию шўхликка монанд)
Ешлик билан кетгайдир учиб.
Бўронлардан, ниҳоят, қочиб,
Айтганимдек, Зерецкий ҳам
Шумурт, акас остида филҳол
Яшайдир чин донишманд мисол.
Ҳорацийдек акадир карам,
Ғозу ўрдак боқиб беқайғу,
Болаларга ҳарф ўргатар у.

* Энди замон бошқа! (Логичча.)

VIII

У анойин эмас! Онегин
Қалбин сира қилмас-ку ҳурмат,
Яхши кўрар фикрлаш руҳин,
Ҳам маънили гапларин фақат,
Унинг билан кўришган замон
Азал баъзан яйрайди шодон.
Тонг-саҳардан бу зотни кўргач,
Зарра ҳайроп бўлмади шу важ.
Салом-аллқ қилгач, суҳбатин
Ногоҳ бўлиб бошлаган ердан,
У ғалати тиржайиб бирдан,
Узатади шоирнинг хатин.
Деразага бориб Онегин
Хатни ўқир ичида секин.

IX

Мактуб — қисқа, мардона, равшан,
Сақлаб дўстнинг эҳтиромини,
Шоир совуқ аниқлик билан
Отишмага чорламинч уни!
Онегин қилт этмай, беҳадик
Бу хабарнинг элчисига тик
Қараб, ортиқ сўз демай бирор,
Эълои қилди: *мен доим тайёр.*
Зарецкий қўзғолди бесас,
У баҳона қилиб ташвишни,
Истамади ортиқ қолишни.
Чиқиб кетди. Евгений-чи, бас,
Тапқо тинглаб юрак овозин,
Ўз-ўзидан бўлди норози.

X

Ажаб бўлди! Қатъий, бешафқат
Ўз-ўзини тергаб у пинҳон,
Ўзин айбдор тошарди фақат,
Авалло бу ноҳақдир, аён.
Қулиб, пок ва латиф севгини
Мазах қилди кеча Евгений.
Иккинчидан, ўн саккиз ёшда
Шоир тентак бўлса, бу бошқа:
Узрлидир аслида бу ҳол.
Йигитчани севиб ҳавасдан,
Бу жангари бола бўлмасдан,
Сапчимасдан бемаҳал, дарҳол
Кўринмоғи шарт эди, бешак,
Бўлиб оқил, номусли эркак.

XI

У кўргузиб латиф ҳисларин,
Хурпаймасдан шер каби, оғир
Еш юракдан ғазаб изларин
Сидирмоғи шарт эди, ахир.
«Энди тамом, вақт ўтди, мана... —
Ўйлайди у. — Бу ишга яна
Бош суқубди эски даъвогар,
Бу майдагац, бу зол, ифвогар...
Гапи пичинг, масхара, эгри,
Асли бунга лойиқдир нафрат.
Аҳмоқларнинг миш-миши фақат...»
Мана, надир жамоат фикри — (27)
Ориятни қўзғовчи худо!
Шу ўқ узра айланур дунё!

XII

Адоқсиз бир адоват билан
Шоир уйда кутадиρ хуноб,
Тантанаю тақвият билан
Гапдон қўшни келтирар жавоб.
Мана энди рашкчига байрам!
Қўрққан эди, у шум, муттаҳам
Бирон ҳийла чиқариб йўқдан,
Кўксин олиб қочар деб ўқдан.
Гумонлари бўлди бартараф;
Энди улар тонг чоғи чандон
Бир-бирини этмоққа гумдон
Борадилар тегирмон тараф,
Нишон олар икков йироқдан,
Белдан ёки юқориоқдан.

XIII

Ленский отишма олдидан,
Нозларини кўмиб лаънатга,
Кўрмоқ эмас эди Ольгани.
Қарай-қарай кунга, соатга,
Ниҳоят, сўнг қўл силтаб, бехос
Кўшни уйга ўтиб қолди боз.
У Ольгани айлаб хижолат,
Кўзғамоқчи кўнглида ҳайрат;
Аmmo Ольга... эскича бари:
Қанот боғлаб чиқди ҳовлига —
Шўрлик шоир истиқболига;
Алдоқчи бир умид сингари
Қиз бепарво, шаддод ва қувноқ,
Аввал қандоқ бўлса, ўшандоқ.

XIV

«Нега эрта қочиб қолдингиз?»
Бу Ольганинг илк саволидир.
Тўлқинланур яна туйғу-ҳис,
Ленский боз бесас воладир.
Қизнинг тиниқ бу қарошида
Бу латиф соддалик қошида,
Бу шаддод қалб қарнисида лол
Тарқалади рашк ила малол!..
Йигит боқар мулойим, шайдо;
Аён: уни қиз севар ҳануз;
Юрагида тавбаю афсус,
Тайёр узр сўрашга ҳатто.
Қийналар-у, сўз топмас бу дам.
У бахтиёр, у бир оз бардам...

XV. XVI

• • • • •
• • • • •
• • • • •
• • • • •
• • • • •
• • • • •
• • • • •
• • • • •
• • • • •
• • • • •
• • • • •
• • • • •
• • • • •
• • • • •
• • • • •

XVII

Ольгасининг ёнида яна
Владимир ўйчан, хафаҳол.
У кечаги қилмишин таъна
Айлай деса, етмайди мажол.
Ўйлар: «Бўлай бунга халоскор,
Йўл қўймайман, токи у ғаддор
Қайноқ оҳу мақтов-ла илдам
Еш кўнгилни урмасин йўлдан;
Нилуфаргул навдасин токи
Кемирмасин чиркин қурт ҳеч ҳам.
Ҳали нурга қонмаган ғунчам
Очилмасдан сўлсинми ёки?!»
Шарҳ айласам буни сўз билан,
Мен отишгум, демак, дўст билан.

XVIII

У билсайди, ёҳу, агарда
Татьянанинг не дард жонида!
Ленский ва Онегин эрта
Жанг қилишин ажал комида
Татьяна ҳам билсайди агар,
Оҳ, бу сирдан топсайди хабар,
Унинг ишқи бўлиб баҳона
Бўлмасмиди дўстлар бегона!
Аmmo у сир, у буюк тугён
Маълум эмас ҳеч кимга. Сирдош
Онегин ҳам этмагану фош,
Татьяна ҳам ўрганур пинҳон.
Бир энага билар-у жиндак,
У шўрлик ҳам бефаҳм андак.

XIX

Ҳа, уззутун буткул паришон —
Ленский гоҳ жимдир, гоҳ қувноқ.
Гар сийласа илҳом париси,
Бехуд бўлур ҳар ким ҳам шундоқ.
Қовоғини солиб, чанг чалар,
Бир парда — бир нағмани олар,
Дам Ольгага термилиб айтур:
«Мен бахтлиман, тўғрими?» дейдур.
Аммо кечдир. Бўлди. Туради.
Ғижимлайди қалбин ғам-алам;
Хайрлашар экан қиз билан,
Пора-пора бўлди юраги.
Қиз йигитга термилиб сўрар:
«Нима бўлди?» — Ҳеч нима. — Жўнар.

XX

Уйга келиб, ғаладопидан
Олиб кўрар тўппончаларни.
Ечинади; шамнинг ёнида
Очиб ўқий бошлар Шиллерни.
Аммо хаёл тинчитмас уни;
Дардли юрак билмас уйқуни;
Кўз олдида ул малаксиймо
Фақат Ольга бўлади пайдо.
Владимир китобни ёшиб,
Қалам олур; мисралар бари —
Нуқул севги сафсаталари
Жараглайди, келади оқиб.
Базмда маст Делвигдай¹⁰³ сархуш
Ёниб ўқир чиқариб товуш.

XXI

Шеъри омон сақланмиш илкис,
У мендадир, мана, унлари:
«Қайга, қайга кетдингиз олис,
Баҳоримнинг гулгун кунлари?
Келажак кун... Унда нима бор?
Йўқ, нигоҳим излайди бекор —
Қучар уни тубсиз бир зулмат.
Тақдир ҳукми ҳақдир; йўқ ҳожат;
Е ўқ тегиб, йитарман бадар,
Е ёнимдан учиб ўтар у,
Бари қутлуғ: бедорлик, уйқу,
Ўз соати бордир, муқаррар.
Табаррукдир кун ҳам, заҳмат ҳам,
Табаррукдир тун ҳам — зулмат ҳам!

XXII

Тонгда шафақ товланур яна,
Жилвалаланур яна ёруғ кун;
Мени эса совуқ сағана
Ўз қаърига олар ё бутун.
Еш шоирнинг ёди — дунёси
Чўкар, ютиб Лета¹⁰⁴ дарёси.
Олам мени унутар, аммо
Сен, гўзаллик маъбудаси, о,
Мозоримда йиғлармисан зор!
Уйлармисан: у севмиш мени,
Қуюн умрин ғамгин тонгини
Менга фидо этган эди ёр!..
Кел-эй, гулим, жоним, дилдорим,
Маҳрамингман сенинг, эй, ёрим!..»

XXIII

Езмиш шундоқ *мужмал* ва *сўлғин*.
(Романтизм атаймиз бунни,
Гарчи романтизм-да уйғун,
Мен кўрмасман бу шеърда уни).
Ленский тонголди, ниҳоят,
Чарчаб, бошин эгиб бағоят,
Расм бўлган *идеал* сўзи
Дуч келганда, илинар кўзи.
Аммо ҳали ширин уйқуни
Тотмай туриб, кўп ётмай туриб,
Қўшниси жим хонага кириб,
Овоз бериб уйғотар уни:
«Туринг, етти бўлибдир соат,
Кутиб қолди Онегин албат».

XXIV

Янглишди у лекин; Онегин
Маст уйқуда ётур, вассалом.
Тун зулмати чекинар секин,
Хўроз йўллар Зухрога салом.
Гунгуре ухлар Евгений якка,
Юксалади офтоб фалакка,
Ялтираб қор, изгирич, қуюн
Тонг нурида айлайди ўйин.
Тўшагида Онегин лекин,
Ширин уйқу қўйнида ҳамон.
Ва ниҳоят, туриб бир замон
У пардани кўтарар секин;
Қарар, кўрар, ошар ҳайрати:
Аллақачон — жўнаш фурсати.

XXV

Тез қўнғироқ чалар. Югуриб
Фаранг Гилло кирар, бу — қарол.
Тўн ва туфли бериб улгуриб,
Кийимларин шайлайди дарҳол.
Кийишади шошиб Онегин,
Қаролига амр этар кейин
Ўқ-яроқли қутини олиб,
Менинг билан юр, дейди, елиб.
Зумда учқур чаналар шайдир.
Учадилар тегирмон тараф.
Етгач, айтур қаролга қараб:
«Машъум Лепаж⁽²⁸⁾ қуролин келтир
Изимдаш.— Сўнг:— Ҳайда, дер шу он,—
Отларни ҳув қўш эман томон».

XXVI

Тўғонга кифт тираб Ленский,
Тонгдан кутар диққати ошиб;
Деҳ устаси — қув Зарецкий
Айблар эди тегирмон тошин.
Узр сўраб келар Онегин.
Зарецкий зорланар секин:
«Ахир, сизнинг секундант қани?»
Отишманинг даҳо мергани
Азал усулпараст бу зомин
Хатто одам ўлдиришда ҳам
Талаб этар бехато, бекам
Шу санъатнинг қатъий низомин;
Қадим ўтмиш урфига содиқ.
(Шу сифати таҳсинга лойиқ).

XXVII

«Секундантми?» — Евгений сўрар, —
Мана, дўстим — жаноби Гилло.
Вакилимга, менимча, бирор
Эътироз ҳам бўлмагай илло.
Машҳур эмас агарчи бу жон,
Аmmo ўзи виждонли инсон».
Зарецкий тишлаб қолур лаб.
Ленскийга Онегин қараб:
«Бошлаймизми?» дейдир шу замон.
— «Бошлаймиз?» — дер Ленский. Улар
Тегирмоннинг ортига келар.
Зарецкий, виждонли инсон
Шартномани тузгунча бирга,
Боқиб турар фанимлар ерга.

XXVIII

Ғанимлар! Оҳ, қачондан бери
Бир-бирининг қонига ташна? —
Кўпдан буён ғам, шодликларин
Баҳам кўрган бу икки ошна!
Букун ворис душманлардек, о,
Боқур ёвуз, ғаразли, бежо,
Мудҳиш, мубҳам туш каби, чақдон
Бир-бирига икков совуқдон
Ажал чоҳин қазур бесадо...
Тегмай туриб қўлларига қов,
Бир дўстона кулиб, икки ён
Тарқалишса бўлмасмикин ё?..
Киборга хос ваҳший адоват
Андишадан кўрқадн фақат.

XXIX

Тўппончалар ярақлар, мана,
Сумба уриб, болға тақиллар.
Ўқ жойланар ўқдонга, ана,
Биринчи бор тепки шиқиллар.
Кулранг борут шилдираб шу дам
Борутдонга тўкилар. Маҳкам
Буралган тиш — чақмоқтош ҳали
Тиккайгандир. Саросимали
Гилло тўхтар яқин тўнкада.
Емғириўшни ташлар ғанимлар.
Зарецкий аниқ одимлар —
Ўттиз икки қадам ўртада,
Ва икки дўст икки ён келур,
Ҳар бири ўз қуролин олур.

XXX

«Ҳани, бошланг энди!» Совуқдон
Мўлжал олмай ғанимлар, олдин
Баб-баравар, қатъий ва равон
Босишдилар тўрттадан одим.
Ажалнинг тўрт қадамидир бу.
Юра туриб, шу маҳал, ёҳу,
Энг биринчи бўлиб Онегин
Тўппончасин кўтарар секин.
Юришдилар яна беш қадам,
Ленский чап кўзин қисиб сал
Мўлжал ола бошлар... Шу маҳал
Ўқ узади Евгений илдам...
Занг уради ажал соати:
Тўппончаси тушиб кетади —

XXXI

Жим кўксига элтару қўлин
Шоир қулар. Хира кўзида
Акс этади дард эмас, ўлим.
Тик тоғлардан шундоқ баъзида
Қун нурида ёпиб қуюни
Ағдарилар қорлар уюми.
Бир зум бутун вужуди музлаб,
Унга чопар Онегин бўзлаб,
Қарар, уни чақирар... Бекор:
Энди у йўқ. Шоир — жавонмард
Шаҳид бўлмиш, бўлмиш жувонмарг!
Бўронда, тонг шафағида зор
Ажиб бир гул бевақт сўлибдир,
Меҳробида гулхан сўнибдир!..¹⁰⁵

XXXII

Тек ётар у қорлар устида,
Манглайида мунгли бир жаҳон.
Жароҳати — кўкрак остидан
Ҳоврланиб оқаётир қон.
Бир дақиқа бурун, э, фалак,
Илҳом пла уриб бу юрак,
Кек ва умид, муҳаббат, сабот —
Қон югуриб, куйларди ҳаёт.
Ташландиқ уй мисоли энди
Ҳоким унда жимлик ва зулмат.
Ўчди, ўчди чироғи абад,
Деразаси ёпилди. Сўнди.
Бекаси йўқ, беному нишон.
Худо билар, қайда бу замон.

XXXIII

Дўстлар, жоҳил ғанимга тегиб,
Кўрс ҳажв ила қутуртирмоқ соз;
Ўр, сузағон шохларин эгиб,
Ҳажв кўзгусинда у бехос
Ўзин таниб, чекса хижолат,
Оҳ, томоша қилмоқ на роҳат!
Яхшироқдир, у гар ўкиниб,
Бу менман-ку!— деса бўкириб!
Дўстлар, яна жимгина, зимдан
Ҳалол қабрин қазиб қўйсақ соз,
Маъқул ердан кўзлаб кўрсақ соз
Унинг рангсиз пешонасидан;
Лек бобоси ёнига гумдон
Этмоқ сизга ёқиши гумон.

XXXIV

Нетарсиз, гар ўқингиз боис
Нобуд бўлса бир дўст — навқирон?
Мастликда сўз айтса ношон,
Ё арзимас гапга ногаҳон
Сизни қаттиқ айлаб ҳақорат,
Тағин ёниб-куйиб бағоят,
Ўзи жангга чорласа бирдан?
Қимир этмай сўнг ётса ерда,
Манглайида ўлимдан асар,
Аста-секин жасади қотса,
Гунгу карахт, бешуур ётса,
Ҳазин додингиздан беҳабар,—
Қалбингизни, айтинг, шу заҳот
Босар, эзар печук ҳиссиёт?

XXXV

Қалбин қайғу, изтироб ёқар,
Тўпшончасин қисиб бекалом,
Ленскийга Евгений боқар.
Қўшиниси дер: «Ўлди. Вассалом!»
Ўлди!.. Оҳ, бу машъум хитобдан
Онегин зир титраб, азобдан,
Одамларни чорлаб ҳой-ҳойлар.
Зарецкий авайлаб жойлар
Муз жасадни энди чанага;
Уйга элтар мудҳиш бу юкни.
Отлар кишнар сезиб ўликни,
Сувлиғини тинмай чайнагай,
Депсингай оқ кўпиклар сочиб...
Сўнг ўқ каби кетгайлар учиб.

XXXVI

Ачингайсиз шоирга, дўстлар,
Орзулари очмай туриб гул,
Бу дунёга таратмай ислар,
Сўлди бир қалб, бевақт сўлди ул.
Қани, оташ туғёнлар қайда?
Эзгу орзу-армонлар қайда?
Қани, позик, мардона, олий,
Пок ҳислари, маъсум хаёли?
Қайда, жўшқин ишқий истаклар,
Илму заҳмат чапқоғи қани?
Айбу номус қийноғи қани?
Қайдасиз, эй, қутлуғ тилаклар —
Сиз, самовий ҳаёт тимсоли,
Сиз, муқаддас назм хаёли?

XXXVII

У туғилган олам бахтига,
Яралганди шуҳрат учун ё;
Бирдан тинган сози шахт ила
Сўнмас садоларни бутун ё
Асрларга етказгай эрди.
Ё шоирни ўтқазгай эрди
Кибор элнинг олий тахтига.
Ўзи билан фано қаърига
Элтди балки жафокаш у соз
Энг муқаддас сирни. О, абас,
Бизнинг учун сўнди энди, бас,
Ҳаётбахш куй, жонбахш бир овоз;
Етмас унга замон садоси,
Авлодларнинг доди, дуоси.

XXXVIII. XXXIX

Ё аҳтимол шоирни нари
Кутар эди оддий бир қисмат.
Гувлаб ўтиб ёшлик чоғлари,
Туғёнлари тўнарди абад.
Ўзгарарди балки бариси,
Тарк айлару илҳом париси,
Уйланарди, қишлоқда хушвақт
Гўсхўр бўлиб, яшарди хушбахт;
Англари эди асл ҳаётни,
Қирқ ёшда бод кайфини бузар,
Ер-ичару семирар, тўзар
Ва ниҳоят, тўшакда ётиб,
Фарзанд, кампир, табибу ёрон
Қуршовида узар эди жон.

XI

Не бўлса ҳам, ўқувчим, энди,
Оҳ, ёшгина ошиқ, бағри чок,
Шонр, ғамгин хаёл фарзанди
Дўст қўлида бўлмишдир ҳалок!
У ҳассос дил яшаган қишлоқ —
Чап ёғида бордир бир овлоқ,
Ўсмиш бир жуфт қарағай омон,
Шундан қўшни водийлар томон
Шўхчан кумуш жилғалар елур.
Унда қўшчи ҳаловат излар,
Тўлқинига ўроқчи қизлар
Жаранг кўза урмоққа келур.
Булоқ боши — ул сояда тик
Қўйилгандир оддий ёдгорлик.

XLI

Тош остида мудом (даштларни
Ювар экан абри найсонлар),
Чориқ тикиб, чўпон бошлайди
Балиқчилар ҳақда дostonлар;
Ёз қишлоқда ўтсин деб беғам
Келган ёш бир шаҳарлик қиз ҳам
От қамчилаб, йироқ-йироққа
Далаларда еларкан якка,
Тизгин тортиб шу жойда ногоҳ,
Кўздан олиб ҳарир пардани,
Қабртошдан содда лавҳани
Ўқир югуртириб тез нигоҳ
Ва тизилгай, беролмасдан дош,
Кўзларида маржон-маржон ёш.

XLII

Ўиз шошилмас энди далада.
Хаёлларга чўмиб кезади;
Беихтиёр йиғлар дилида
Ленскийнинг мунглиғ қисмати.
Ўйлар: «Надир Ольганинг ҳоли?
Кўп вақт қайғу чекдими дили,
Ёш тиндими кўзларида ё?
Опажони қайда экан, о?
Эл ва дунё қочқини қайда —
Гўзалларнинг гўзал душмани?
У зиқ телба, у хоин қани?
Ёш шоирнинг қотили қайда?»
Ҳаммасидан ҳали бобма-боб
Ўзим сизга бергайман ҳисоб.

XLIII

Ҳозир эмас. Гарчи мен, тайин,
Қаҳрамоним севарман ғоят,
Гарчи унга юзлангум кейин,
Фақат ҳозир йўқ менда тоқат.
Йиллар қувар шўх қофияни,
Бешафқат бир насрга мани
Йиллар тортар, бўлайким иқдор,
Хўрсиниб, мен судралгум ночор.
Шавқсиз букун кўҳна қаламим —
Куйиб қоғоз қораламас у;
Ўзгачадир, сўникдир орзу,
Ўзгачадир заҳмату ғамим,
Сурондаю жимликда улар
Юрагимга солгай қутқулар.

XLIV

Ошно бўлди ўзга орзулар,
Янги ғамлар бўлди ҳамдамим;
Армонимдир эски қайғулар,
Таскин бермас бу янги ғамим.
Орзулар! У бебошлик қани?
Мангу уйқаш у ёшлик қани?
Наҳот, бўлиб йилларга таслим,
Сўлган бўлса менинг гул фаслим?
Ростданми, эй, умрим боғлари,
(Шўхлик қилиб айтардим ҳали)
Ҳайҳот, ҳазин ҳазилдан холи
Наҳот, ўтди баҳор чоғлари?
Наҳот, энди қайтмагай бебош?
Наҳот, қучар мени ўттиз ёш?

XLV

Бас, саркашлик қилмайин ортиқ,
Аён, йўлим бўлибдир ярим.
Видолашай сен билан очиқ,
Кел-эй, учқур ёшлигим маним!
Ташаккур, завқ-сафолар учун,
Дардлар, азиз жафолар учун,
Сурон, бўрон, ҳам базму сурур —
Жами тухфанг учун ташаккур!
Сен боис мен ёру дўст билан
Ваҳму ғавго, жимликда омон
Хўб айшимни сурдим... беармон;
Басдир энди! Ёруғ юз билан
Янги йўлни айлаб ибтидо,
Ўтмишимга айтайин видо.

XLVI

Кел, ортимга қарайин бир бор.
Хайр энди, эй, овлоқ маскан,
Сенда кўнглим ўйларию зор —
Эҳтиросли кунларим ўтган.
Сен, эй, маъсум илҳомим, ҳайҳот,
Менинг мудроқ қалбимни уйғот,
Хаёлимга тўлқинлар солгин,
Бот-бот учиб кулбамга келгин,—
То тинмасин шоир юрагим,
Тарк этмасин то раҳму шафқат,
Кибор давра домида фақат
Тош қотмасин охир юрагим;
Ул гирдобга, жон дўстларим, ман
Сизнинг билан бирга чўмганман.

ЕТТИНЧИ ФАСЛ



Москов, Руснинг суюкли қизи,
Қайдан топай сенинг тенгингни?

Дмитриев

Она Москвани севмай бўлурми?

Баратынский

Москвага қувғилик!— Кибор эли кўрмоқдир!

Хўш, қаер яхши экан? Биз бўлмаган ер.

Грибоедов

I

Бермай баҳор офтобига тоб
Теградаги тоғларнинг қори,
Эриб-эриб оқадир шитоб
Сувга тўлган ўтлоқлар сари.
Табассум-ла очару кўзни
Қарши олар борлиқ наврўзни;
Кўм-кўк бўлиб порлар самовот.
Тиниқлашиб ўрмонлар эиёд,
Касб этадир ям-яшил бир ранг.
Дала божин йиғмоққа ари
Мум ҳужрадан чиқар ташқари.
Увалар ҳам яшнар ранг-баранг;
Солишади подалар ғавғо,
Тунлар булбул айлайди наво.

II

Баҳор, баҳор! Фасли муҳаббат!
Менинг учун ташрифинг ғамдир.
Қалбимгаю қонимга фақат
Толғин, маъюс туғён ҳамдамдир!
Юзларимга хушбўй, сафолли
Урилганда кўклам шамоли,
Мен қишлоқнинг жимлиги аро
Топурман завқ, ҳаловат, ором!
Ё ётмикип завқу ҳаловат?
Наки берур шодлик ва ҳаёт,
Наки яшнар, нурланур, ҳайҳот,
Менинг ўлик руҳимга фақат
Зиклик, чарчоқ бахш этгайми ё,
Кўрингайми олам зим-зиё?

III

Қузда хазон бўлган япроқнинг
Қайтганидан севинмай, маҳзуи,
Ё эслармиз аччиқ фироқни
Ўрмонлардан тинглаб янги ун?
Ёки қайтмас дунё — йилларни,
Хазон бўлган ўша гулларни
Яшнаб турган табиат билан
Қиёслармиз хижолат билан?
Шоирона хаёллар аро
Ёдга келур, эҳтимол, бирор
Бошқа баҳор, кўҳна бир баҳор,
Олис диёр орзуси ва ё
Гўзал бир тун, моҳтоб жамоли
Титроқ солур юракка холи...

IV

Пайти келди, танти танбаллар,
Эй, Эпикурпараст¹⁰⁶ донолар,
Эй, бахтиёр, лоқайд кўнгиллар,
Левшин⁽²⁹⁾ дарсин олган фидолар,
Сиз, қишлоқи Приамлар¹⁰⁷, ҳей,
Сиз, таъсирчан ҳей, санамлар, ҳей!
Чорлар яна қишлоққа такрор
Гул фаслию иш фасли — баҳор;
Бу — илҳомли кезишлар дами,
Уйғотгувчи кечалар созроқ.
Дўстлар, шопинг далага тезроқ!
Оғир юкли каретадами
Йўлми, почта аробасида
Чиқинг шаҳар дарбозасидан.

V

Эй, қадрдон ўқувчим, етар,
Қишладингиз шодланиб сиз-да,
Қолсин энди беором шаҳар;
Ул ажнабий аравангизда
Қайсар илҳом париси билан
Номсиз дарё бўйида баланд
Эманзори шовуллаб турган
Қишлоқ томон учайлик бирга.
Таркидунё айлаган дарвини
Онегиним у ерда забун,
Мунис, ўйчан Татьянамга тунд
Қўшни бўлиб яшади шу қиш;
Энди ғойиб бўлмиш дараксиз...
Қолмиш ундан фақат ҳазин из.

VI

Тоғлар ётур ярим доира,
Яшил яйлов ичра бир жилға
Жўказордан дарёга қараб
Оқиб ётур: тушайлик йўлга.
Булбул — баҳор ошиғи куйлар
Унда тунлар; наъматак гуллар.
Чашма саси эшитилар, о,
Бир жуфт қари қарағай аро
Кўрингайдир унда қабртош.
Йўловчини лавҳи титратур:
«Владимир Ленский ётур,
У мардона шаҳид бўлди ёш,
Тарих фалон, фалондир охир.
Мозорингда тишч ёт, эй, шоир!»

VII

Мунглуғ қабр бошида эгик
Қарағайнинг маъюс шохлари,
Еллар сирли гулчамбарни тек
Тебратарди саҳар чоғлари.
Бир пайт келиб икки дугона
Бу мазгилда ёна ва ёна
Бир-бирини қучиб печалар,
Йиғлар эди ойдин кечалар.
Энди эса... Едгорлик — забун,
Унутилмиш. Узилмиш қадам.
Гулчамбар йўқ ул шохларда ҳам;
Фақат сочи оқарган, юпун
Чўпон қўшиқ айтиб, нотавон
Чориғни ямайди ҳамон.

VIII. IX. X

О, шўрлигим Ленский!.. Бўзлаб
Қиз йиғлади аввал, бенаво.
Афсус! Лекин павраста қизлар
Қайғусига бўлур бевафо.
Ҳа, бошқаси тортди нигоҳин,
Ҳа, бошқаси ҳасратин, оҳин
Ялтоқланиб, тиндирди тамом.
Ўша ҳарбий этар уни ром,
Ўша ҳарбий қалбига кирар...
Мана энди меҳроб қошида
Иккаласи, гултож бошида,
Ерга қараб қимтиниб турар,
Кўзларида ўт ёнур шу зум.
Лабларида жиндак табассум.

XI

О, шўрлигим Ленский!.. Етиб
Энди сўқир фано қаърида,
Е хиёнат хабари етиб
Шоир нотинч бўлур қабрида?
Еки Лета дарёси узра
Ҳеч нарсадан ранжимамай зарра,
Беҳис, беҳуш ётгайми магар,
Дунё унга соқов, кўру кар?..
Худди шундай! Мудҳиш бир ғафлат
Кутар бизни қабрда ўзи.
Дўсту душман, севгили саси
Бирдан ўчар. Тиш қайраб ғақат,
Ер-мулк учун ворислар тажанг
Бошлашади ҳаёсиз бир жанг.

XII

Қўп ўтмасдан Ларин уйида
Ольганинг шўх овози ўчди.
Ҳарбий куёв, қисмат қули-да,
Қўшин турган томонга кўчди.
Хайрлашиб қизи-ла кампир
Аччиқ-аччиқ йиғлаб қолди бир,
Ҳоли қуриб, бўлди парвона;
Йиғлолмади аммо Татьяна;
Ранги бўздай оқарди фақат,
Маъюсланди ютиб сасини.
Келин-куёв аравасини
Ҳамма қуршаб, чошиб бетоқат,
Қолишаркан қизни узатиб,
Татьяна ҳам чиқди кузатиб.

XIII

Гўё туман ичинда, ана,
Қараётир улар изидан...
Ёлғиз қолди Татьяна, мана!
Ҳайҳот! Қумри дугонасидан —
Йилларининг қувноқ йўлдоши,
Ўйнаб ўсган азиз сирдоши —
Синглисидан тақдир бешафқат
Гўё букун айирди абад.
У шарпадек кезар бемурод,
Бўм-бўш боққа қарайди ҳали...
Ҳеч нарсадан топмас тасалли,
Ҳасрат ёши бўлади зиёд,
Дардларига топмайди чора,
Қалби бўлар пораю пора.

XIV

Оҳ, ёлғизлик ёмондир, ёмон,
Қиз ўртанур бадтар беомон,
Узоқларда Онегин омон,
Қалби ортиқ қўмсайди, вайрон.
Энди уни кўрмас ҳеч қачон;
Еш шоирнинг қотили чунон
Нафратини қўзғар бу замон;
Ўлиб кетди шоир... бенишон,
Ҳеч ким уни эсламас нолон.
Қиз бошқага боғлади паймон.
Бир тутундек, мовий бу осмон,
Шоир ёдин ютди бегумон.
Балки унга икки дил ҳамон
Армон қилур?.. Нечун бу армон?..

XV

Шом. Қораяр осмон. Жилғалар
Жилдирайди. Чигиртка хушхон.
Далаларда тинмиш яллалар;
Бурқсир дарё бўйида бу он
Балиқчилар гулхани. Танҳо
Ойнинг кумуш ёғдуси аро
Соф далада хаёллар суриб,
Кетаверди Татьяна юриб.
Кезиб-кезиб, кўрди у бир чоғ
Тепаликдан бир уй — шоҳона,
Ости — қишлоқ, дарахтзор, ана,
Ойдин дарё соҳилида — боғ.
Унга маҳзун тикдию нигоҳ,
Ғулув тушди қалбига ногоҳ.

XVI

Иккилапшиш шоширар уни:
«Юрсамми ё ортга қайтсамми?..
Бунда у йўқ... Танишмас мени...
Уйни, боғни кўриб ўтсамми?..»
Нафаслари қайтиб Татьяна
Тепалиқдан тушади, мана,
Ҳайрон ташлар атрофга назар...
Бўш ҳовлига кирар беҳазар.
Итлар бирдан югурар ҳуриб,
Қўрқиб, солар ногаҳон нола.
Чопиб келиб икки-уч бола
Шовқин солиб, ҳай-ҳайлаб, уриб,
Кучукларни ҳайдашиб ногоҳ,
Бегойимга бўлишар паноҳ.

XVII

«Бек уйини мумкинми кўрмоқ?» —
Дер Татьяна. Ва болакайлар
Сўраш учун калитни шу чоқ
Анисяга чопқиллагайлар.
Зумда келар Анися; мана,
Очилади эшиқ, Татьяна
Бўм-бўш уйга кирар, бир замон
Турмиш бунда бизнинг қаҳрамон.
Қиз қарайди: хор бўлиб, ана,
Таёқ ётур бильярд устида,
Ғижим бўлган юмшоқ курсида —
От қамчиси. Юрар Татьяна.
«Мана, камин, — дейди кампир тек, —
Ўлтирарди бунда ёлғиз бек.

XVIII

Тушлик қилди қиш бўйи баҳам
Хув раҳматлик Ленский бунда...
Қани, бу ён марҳамат, бекам,
Мана, бекнинг хонаси; шунда
Ётар, қаҳво ичарди жаноб,
Саркоридан оларди ҳисоб,
Китобгаям тонглар қарарди...
Бобосиям шунда турарди;
Деразанинг ёнида бир пайт
Ойнак тақиб, якшанбаларда
Чол мен билан ўйнарди қарта...
Арвоҳига раҳм қил фақат,
Эна ернинг бағрида доим
Суякларин тинч қўй, худойим!»

XIX

Уй ичида нимаки бордир,
Ихлос билан Татьяна боқар.
Бари унга туюлар нодир,
Ажиб фараҳ аралаш ёқар
Шякаста бу кўнглини алам:
Столида қолмиш сўник шам,
Китоблари; ана, каравот,
Гилам ёпиб қўйилмиш, ҳайҳот;
Ой нурлари — ойнага сизган,
Нимқоронғу кеча ҳолати,
Лорд Байроннинг мағрур сурати;
Қўлларини хоч қилиб, қисган,
Қулоҳ кийиб ана, бадқовоқ
Турар яна чўян қўғирчоқ¹⁰⁸.

XX

Ҳужрада тек, мафтун, афтода
Туриб қолар Татьяна узоқ.
Лек қўзғолур совуқ шаббода.
Қораймишдир водий. Мизғир боғ
Туман ичра дарё бўйида:
Ой беркинур тоғлар қўйнида.
Ҳа, заввора қиз энди, бешак,
Тезроқ уйга кетмоғи керак.
Ҳаяжонин яшириб фақат,
Ночоргина хўрсиниб локин,
Қиз изига қайтади сокин.
Сўраб олар аммо ижозат
Бу қасрга келиб тургани,
Танҳо китоб ўқиб юргани.

XXI

Қалитдор-ла Татьянабону
Ташқарида хайр-хўш қилар.
Бир кун ўтиб, тонгда яна у
Бу эгасиз гўшага келар.
Сокин, жимжит хона ичра қиз
Ва ниҳоят, қолганда ёлғиз,
Бор дунёни унутиб буткул,
Ёниб, сим-сим йиғлайверар ул.
Китобларга чалғийди охир.
Аввал кўшини бўлмайдди бунга,
Танлаш қизиқ туюлиб унга,
Беихтиёр сўнг ташна бағир
Шўнғиб кетар китобга аммо
Ва кашф этар ўзга бир дунё.

XXII

Биз биламиз гарчи, Онегин
Қитоблардан безган ва толган,
Йўқ, бир печта асар ва лекин
Ғазабига учрамай қолган:
Гяур, Жуан¹⁰⁹ куйчисию боз
Икки-учта романким, рўйрост
Акс этмишдир уларда аён
Аср ҳамда замондош ипсон.
Қалби унинг бу даввор ичра
Пажмурдаю беадаб, худбин,
Хаёлларга бандаю бадбин;
Яна зое кирдикор ичра
Қайнаб турган ақли ҳам, ахир,
Ишонарли этилган тасвир.

XXIII

Ўчмай қолмиш кўп бетда, бешак,
Тирноқларнинг кескин излари;
Бу белгилар устида зийрак
Югуради қизнинг кўзлари.
Дир-дир титраб Татьяна сезар —
Қай фикру қай нуқтаи назар
Онегинни лол этмиш буткул,
Қай бирин тек қабул этмиш ул.
Қиз учратар ҳошияларда
Ёзувларин қаламнинг гоҳи.
Онегиннинг олами, руҳи
Ўзин ошкор этар аларда:
Қисқа сўзу чизгисида ҳам,
Гоҳи сўроқ белгисида ҳам.

XXIV

Оҳ, худога шукрим, аён
Англай бошлар Татьяна охир —
Тақдир ҳукми билан беомон
Ўртаганин ким учун бағир:
Яратмишдир дўзахми, фалак,
Шайтонмиди, ҳурмиди, малак,
Қайғули у девона кимдир?
Наҳот, тақлид унга ҳокимдир?!
Бировларнинг феълин, сиймосин
Шарҳлаш учун луғатин ўзга
Тўлдирганми янгича сўзга:
Асли Чайльд Ҳарольд либосин
Кийиб юрган московликми у?
Оҳ, масхара эмасмикин бу?

XXV

Наҳот, энди ечилди жумбоқ?
Наҳот, у сўз топилди илкис?
Фурсат ўтар, унутар мутлоқ
Уйда кутиб қолишганин қиз.
Икки қўшни қўрада бу пайт
Татьянадан қилишар суҳбат.
Кампир ночор зорланади, бас:
— Нетай, ахир? Ёш бола эмас,
Баръакс, ўзи Ольгадан катта.
Тез узатиб, қутулиб кетай.
Вақти етган, бу қизни нетай?
Ҳаммасига жавоби битта:
Тегмайман дер. Қайғурар тинсиз.
Тентирайди ўрмонда ёлғиз.

XXVI

«Балки хуштор бўлгандир?..» — Кимга?
Совчи қўйди Буянов — бекор!
Петушков ҳам бўлмади унга.
Гусар Пихтин келганди бир бор,
Татьянамга, ёниб, девона,
Шайтондай кўп бўлди парвона!
Умид қилдим, кўнса деб зора;
Қайда? Яна бузилди ора.—
«Элта қолгин Московга, онам,
Мажлислар ҳам унда хўб эмиш,
Қиз қидирган жойлар кўп эмиш». —
— Оҳ, отам-а! Даромадим кам.
«Қиш ўтгулик пулинг бўлса, бас.
Ҳеч йўқса, мен бериб турай қарз».

XXVII

Оқилона, холис маслаҳат —
Кампир жуда маъқул санайди;
Ҳисоб қилиб кўрар, этар аҳд —
Москвага қишда жўнайди.
Бўлар гапдан Татьяна огоҳ.
Бир қишлоқда юрган қизнинг, оҳ,
Содда, очиқ сифатларига,
Эскича бу зийнатларига,
Эскича гап-сўзига бироқ
Не дер дидли, нозик киборлар?!
Москвалик пўрим, дилдорлар
Истеҳзоли нигоҳин тортмоқ!..
Даҳшат! Йўқ, йўқ! Энг яхшиси ул
Овлақларда қолгани маъқул.

XXVIII

Офтоб ила уйғониб саҳар,
Қиз далага йўл олар шитоб.
Меҳр ила ташлару назар
Дил-дилидан айлаюр хитоб:
«Хайр, сокин водийлар, боғлар,
Хайр, таниш чўққилар, тоғлар,
Эй, қадрдон ўрмонлар, хайр,
Эй, сиз, гўзал осмонлар, хайр.
Алвидо, эй, қувноқ табиат!
Мен ялтироқ суронларга, бас,
Этдим сокин дунёни эваз...
Эркинлигим, алвидо абад!
Қайга, нечун бўлурмен равон?
Тақдир нени кўраркин раво?»

XXIX

Кўп кезади қиз тикиб нигоҳ,
Гоҳ тепалик, энди, гоҳ булоқ
Жозибаси билан баногоҳ
Татьянани тўхтатур узоқ.
Дарахтзору ўтлоқларига —
Гўё қадим ўртоқларига
Тез елади бўлгали ҳамроз...
Лекин тезроқ елиб ўтар ёз...
Олтин кузак келибдир алҳол.
Заволини сезиб сийнада
Борлиқ ёнур саросимада...
Булутларни қувлару Шимол,
Увлаб, мана, гувиллаб, тўзиб,
Жодугар қиш келмоқда ўзи.

XXX

Қиш келдию шохларга андоқ
Парча-парча осилиб қолди;
Дашту дала, қирларга оппоқ —
Тўлқин-тўлқин гиламлар солди.
Момиқ парда соҳилларни денг
Сокит дарё билан қилди тенг.
Аёз қувнар. Шодмиз баридан —
Она қишнинг шўхликларидан.
Ношод эрур Татьяна ёлғиз.
Қувнаб қишни қарши ололмас,
Изғиринда яйраб қололмас,
Биринчи қор сувларига қиз
Ювмас кўксин, елкасин, юзин:
Даҳшат унга қиш йўли — узун.

XXXI

Сафар ортга сурилди бир оз,
Етиб келди сўнгги муддат ҳам.
Унутилган ароба ҳам боз
Тузатилди, бўлди мустаҳкам.
Уч соявон ароба — карвон
Лаш-луш ортиб бўлгайдир равон:
Қозон-товоқ, курсию сандиқ,
Қиём, тагин кўрпаю ёстиқ,
Пар тўшаклар, қафасда — хўроз,
Хурмаю хум, тоғора мисол
Яна қанча ашқолу дашқол.
Хизматкор халқ қўрада чуввос
Кўтаришар шовқин ва додни,
Ҳайдаб чиқиб ўн саккиз отни,

XXXII

Аробага барини қўшар,
Пазандалар шайлайди ошлар,
Тоғдай юклар ортиб, койишар
Хотинлару аробакашлар.
Ориқ-тириқ отга бир замон
Миниб олар серсоқол сарбон,
Қароллару жориялар бот
Хўшлашгали чопар шу заҳот.
Энг мўътабар ароба, мана,
Дарбозадан чиқар, физиллар...
«Алвидо, эй, сокин манзиллар!
Кўргайменми мен сизни яна?!
Хайр, овлоқ масканим!..» Бу чоқ
Татьянанинг кўзёши булоқ.

XXXIII

Пок маърифат сарҳадин жадал
Ҳали кенгроқ олсак тобора,
Вақти келиб, (фалсафий жадвал¹¹⁰
Аён этган ҳисобга кўра,
Беш юз йилдан кейин) бу шаксия,
Бизнинг йўллар ўзгарур чексиз:
Россияни тош йўллар — катта,
Бирлаштириб тургай албатта.
Улкан ёйдек кўприклар — чўян
Дарёлардан ташлагай қадам,
Тоғни тешиб, сув остида ҳам
Қуражакмиз йўллар муайян;
Бу насроний мамлакат яна
Ҳар бекатда очур ошхона.

XXXIV

Ҳозир йўллар чатоқдир, мана,
Чиримоқда кўприклар абас.
Бекатларда бургаю кана
Кўз юмгани қўймайди бир пас.
Ошхона йўқ. Қўнимгоҳ совуқ,
Дабдабали, ва лекин қуруқ
Турли таом рўйхати ҳам бор,
Карнай бўлур иштаҳа бекор.
Афсонавий паҳлавон мисол
Темирчилар Россиянинг зўр
Болғасида Оврупонинг мўрт
Анжомларин тузатур, алҳол
Раҳмат айтур Ватан тупрогин
Ўйдим — чуқур йўлига тагин.

XXXV

Қишнинг совуқ кунларида лек
Сафар қилмоқ маъқул ва осон.
Қўшиқ бўлган бемаъни шеърдек
Қиш йўли ҳам силлиқ ва равон.
Эпчил бизнинг ҳар Автомедон,¹¹¹
Учотлар¹¹² ҳам учқур ҳар қачон,
Чақиримлар, қувнатиб ўзга,
Девор каби чалинар кўзга.⁽³⁰⁾
Аммо қўрқиб йўл харжларидан
Кетмай почта аробасида,
Ларина ўз харобасида
Судралар ва йўл ранжларидан
Роҳатланур Татьяна бутун:
Йўл босишар роса етти кун!

XXXVI

Манзил яқин. Кўрингай баланд
Москванинг мармар девори,
Чўғдек, олтин хочлари билан
Ёнур қадим гумбаз, минори.
Оҳ, дўстларим! Боғу кошона,
Кўшқу сарой, қўнғироқхона
Кўз олдимда пайдо бўлган чоғ
Мен шод эдим, шод эдим не чоғ!
Мен фироқип чекиб дунёнинг,
Дайди қисмат нчра ҳам бот-бот
Москов, сени ўйладим, ҳайҳот!
Москов... Қанча шу бир садопинг
Рус қалбига наволари бор!
Қанча акс-садолари бор!

XXXVII

Хув эманзор қўйнида турур
Пётр қасри. Ошибон ҳаддан
У кечаги шуҳратга мағрур.¹¹³
Кибрланиб сўнгги омаддан,
Наполеон кутди беҳуда
Тиз чўқар деб Москов қайғуда,
Топширгай деб ўзлари қадим
Кремлиннинг калитини жим.
Бош эгмади Москвам асло.
Тўйлар эмас, инъомлар эмас,
У беқарор босқинчига, бас,
Этиб қўйди ёнғин муҳайё¹¹⁴.
Ўйга чўмиб жаҳонгир шу он
Даҳшат ўтга боқарди ҳайрон.

XXXVIII

Сўнган шону шуҳрат шоҳиди,
Эй, Пётр қалъаси, хуш қол!
Дарбозанинг оқариб энди
Устуллари кўрингай. Хушҳол,
Ўйдим-чуқур Твер йўлидан
Мана, елар извош; ёнидан
Лип-лип ўтар қоровулхона,
Кампир, бола фонус ва чана,
Қулба, сарой, черков ва ерлар,
Бухорийлар,¹¹⁵ казак, деҳқони,
Минораю наъма дўкони,
Дарбозада — ғаройиб шерлар,
Дорихона, боғу боғчалар,
Хочлар узра гала зогчалар...

XXXIX. XL

Шундай дилгир сайрда яна
Ўтиб кетар бир-икки соат.
Харитоня қошида, мана,
Тор йўлдаги бир уйда фақат
Тўхтар энди арава. Тўрт йил
Кампир амма бўлиб бунда сил,
Яшар эди. Қўндилар алҳол.
Дарбозани ланг очади чол —
Жулдур чакмон кийган бир қалмоқ,
Қўлда — пайпоқ, кўзида — ойнак.
Ичкарида қийқириб андак,
Қарши олар бегойим шу чоқ.
Кўришади йиғлаб кампирлар,
Сочилади хитоблар, сирлар.

XLI

— Оҳ, бегойим, фариштам! Улай.
«Пашагинам!» — Алинажоним! —
«Қанча сувлар оқди-я, бўла!
Қайси шамол учирди, жоним?
Худо урсин, романнинг ўзи...»
— Мана, менинг Татьяна қизим.—
«Оҳ, Тавяжон! Кел, қани бу ён —
Худди тушга ўхшар... Бўлажон,
Эсингдами ҳув Грандисон?»
— Қайси, қайси? Ҳа! Грандисон!
Эсимда. У қайда! — «Симеон —
Кўчасида, Москвада, омон.
Арафада йўқловди мени;
Уйлантирди тунов ўғлини.

XLII

Анови... Қўй, айтамыз кейин,
Тўғрими? Биз Татьянани бор
Қариндошга элтамыз, тайин.
Эҳ, юришга йўқ менда мадор;
Зўрға-зўрға судрайман оёқ.
Чарчагансиз сиз йўлда бироқ,
Дам оламыз бирга, юринглар...
Оҳ, заифман. Кўксим хириллар...
Энди менга фақат ғам эмас,
Зўрлик қилар ҳатто шодлик ҳам...
Қариганда ҳаёт тўла ғам...
Ҳеч нарсага ярамасман, бас...»
Кампир шунда бутунлай толар,
Кўзёш қилиб қув-қув йўталар.

XLIII

Беморнинг бор қувонч, эъзози
Таъсир этар Татьянамизга.
Лекин ёқмас бу ер ҳавоси
Ўз уйига кўниккан қизга.
Пардалари гарчи ипаклар,
Уйқу бермас янги тўшаклар.
Иш кунининг янги нидоси —
Қўнғироқнинг тонгги садоси
Татьянани уйғотур эрта.
Деразага қараб ўлтирар,
Зулмат кетар, қиз-чи, мўлтирар,
Далаларин кўрмас бу ерда:
Кўз олдида ўзга бир диёр,
Отхонаю ошхона, девор.

XLIV

Мана, ҳар кун хешлар уйига
Элтишади Татьянамизни.
Кўрсатишар бобо, бувига
Бу толғин, бу паришон қизни.
Олисдаги қариндошга саз
Ҳамма жойда илтифот, эъзоз,
Манзарату хитоб, туз ва пон.
«Нечоғ ўсмиш Таяя! Бир замон
Сени чўқинтирмабмидим мен?
Мен кўтариб юрувдим бундоқ!
Мен қулоғин буровдим мундоқ!
Ширинкулча берган эдим мен!»
Бувилар жўр: таъкидлашар, о:
«Елдай ўтар умр — бевафол!»

XLV

Ўзгарши йўқ уларда аммо,
Туришлари эскича тамом:
Мана, ўша Елена амма —
Бошларида тўр қалпоқ ҳамон;
Уна сурар ҳануз Львовна,
Ҳануз лофчи Любовь Петровна,
Ҳамон лақма Иван Петрович,
Ҳамон зиқна Семён Петрович,
Пелагея Николаевна
Дўсти ҳануз жаноб Финмушдир,
Ҳануз ўша кучук, ўша эр —
Аъзо ўша клубга¹¹⁶ яна,
Ҳамон ўша мўмин, ўша кар,
Икки киши ҳақин ер, ичар.

XLVI

Татьянани қучар қизлари.
Москванинг малаклари лек
Аввал бир-бир тиклар кўзларин
Татьянага бошдин-оёқ тек;
Бормиш унда гаройиб маъно,
Қишлоқилик, содда таманно,
Озғинлигу жиндай заҳиллик,
Лек апоийи эмас, ақллик;
Табиатга қуллуқ қилиб чин
Дўстлашишар, уйга қишашар,
Ўпишару қўлин қисишар,
Наъмаларга мослашар сочин.
Сўнг ишониб айтишар барин
Кўнгил сири — қизлик сирларин.

XLVII

Қолмас турли зафар, омадлар,
Тўхтар шўхлик, орзу-ўй, бахтга.
Ранг беради нозик тухматлар
Бокираю маъсум суҳбатга.
Сўнг сайрашлар эвазига жам
Татьянанинг кўнгил сирин ҳам
Сўрашади қизлар мулойим.
Туш кўргандек Татьянаойим
Сўзларини тинглар шуурсиз,
Англамайди зинҳор бирини
Ва ўзининг қутлуғ сирини —
Кўзёшу бахт дунёсини қиз
Жим қалбида асрар, очилмас,
Бир маҳрами асрор топилмас.

XLVIII

Суҳбат, ялпи гурунгни сокин
Татьянага тингламоқ маъқул.
Меҳмонхона аҳли ва лекин
Пуч, пойма-пой гапларга машғул.
Ҳамма нарса бефайзу беравг,
Бўхтонлари атур дилни танг.
Эмалигу шов-шув, ғийбатда,
Қуруқ оғоч каби суҳбатда
Қўринмас ҳеч фикр куртаги —
Ё тасодиғ ва ё таваккал;
Толғин ақл кулмас, лоақал,
Қилт этмайди юрак жўрттага.
Қуруқ кибор олам бу — нам йўқ,
Кулгуга мос телбалик ҳам йўқ.

XLIX

Бир тўп архив йигитлари ҳам¹¹⁷
Татьянага кибрли қарар.
Қиз ҳақида ўзаро бу дам
Ивир-шивир, нохуш гап борар.
Қайсидир бир мискин ҳазилкаш
Илоҳий қиз дер уни яккаш
Ва эшикка суяниб шу он
Унга ғамгин шеър битур нолон.
Вяземский ногаҳон учраб
Дилтанг хола уйда бир кез,
Қиз қалбига йўл топади тез.
Суриштириб Татьянани заб,
Парикини тузатиб алҳол
Ўлтиради нарида бир чол¹¹⁸.

L

Йўқ, силкиниб заррин либоси
Ҳиссиз, совуқ оломон аро,
Мельпомена¹¹⁹ доди, видоси
Учар экан, бу жаҳон аро,
Олқишларни пайқамай локин
Мудрар экан Талия¹²⁰ сокин,
Танҳо Терпсихорага мафтун
Қараркан ёш томошабин чун,
(Бўлган каби ул ўтган замон —
Сизнинг, менинг ёшлик чоғимиз),
Курсилару ложадан ҳаргиз
Қизга қиё боқмагай ҳайрон
Қўшойнакли бадрашк хонимлар,
Ҳам наъмадўст доно — олимлар.

LI

Гавжум, жўшқин, туғён-тўлқинли,
Мажлисга ҳам қизни элтишар¹²¹.
Куйлар — жаранг, шамлар — ёлқинли,
Жуфтлар гир-гир рақсга тушар.
Гўзалларнинг ҳарир либоси
Ва ранг-баранг жўрнинг овози,
Қизларнинг кенг давраси ҳам, оҳ,
Бор туйғуни маҳв этур ногоҳ.
Ўтакетгап олифталар ҳам
Сурлик, камзул ҳамда паришон
Қўшойнагин айлар номоён.
Таътилдаги гусарлар хуррам
Бу ён шошар шуҳрат қучмоқда,
Мафтун этиб, порлаб, учмоққа.

LII

Кўндир туннинг юлдузи — порлоқ,
Москваининг гўзали кўндир.
Сайёралар ичпда бироқ
Кўкдаги ой баридан хўбдир.
Аmmo созим қалбини пора
Этабилмас битта сайёра
Худди тўлин ой каби танҳо
Порлар қизу жувонлар аро.
Асли замин мулкидир ўзи
Самовий бир ғурури ила!
Кўкси нечоғ меҳрга тўла!
Нечоғ маънос у шаҳло кўзи!..
Етар, бас қил, топ энди илож,
Жувунга кўп тўладинг хирож.

LIII

Қаҳқаҳаю шовқину таъзим,
Турфа куй-у турфа хил ўйин...
Икки хола ўртасида жим
Бирон одам пайқамай, тайин,
Татьянамиз ташлару назар,
Қибор завқдан айлайди ҳазар;
Бўғилади бунда... Уйлари
Олиб кетар далалар сари;
Қишлоқ, фақир деҳқонлар фақат,
Уша овлоқ маскани, ўша
Ойдин булоқ таралган гўша,
Китоблару гуллари, бир пайт
Уша келган тийра хиёбон
Хаёлида жонланур ҳамон.

LIV

Фикри шундоқ кезар узоқда,
Унут бўлган бу базму дунё.
Кўз узмайди қиздан бу чоғда
Бир генерал — улугвор, сипо.
Кўзи билан имлаб холалар
Татьянани туртиб қолалар,
Шивирлайди иккови шу кез:
— Чап томонга қарасанг-чи тез.—
«Чап томонга? Қани? Нима бор?»
— Не бўлса ҳам, тез қарай қол-да!..
Ҳув тўдада, кўрдингми, олдда,
Тағин икки мундирли қатор...
Ана, юрди... Қайрилди аста.—
«Генералми, анов барваста?»

I.V

Аммо азиз Татьянамни биз
Зафар билан қутлагаймиз шод.
Ўзга томон йўлни бургаймиз,
Қуйлангайдир энди бошқа зот..
Икки оғиз сўз бунда жоиз:
Ёш дўстимни куйларман, холис
Баён эгиб хислагин, сўзин.
О, сен, илҳом париси, ўзинг
Меҳнатимни олқа, бўл ҳамдам!
Бергил менга ишончли асо,
Бўлмай жаҳон овораси то.
Етар. Ташлай юкни елкамдан!
Қадим урфга бош эгдим такрор:
Кеч бўлса-да, муқаддима бор.

САККИЗИНЧИ ФАСЛ



Fare thee well, and if for ever
Still for ever fare thee well.

*Byron**

Алвидо, ёр! Агар шу бало
Қисматда бор бўлса — алвидо!²²

Байрон. (Инглизча.)

I

Бир пайт Лицей боғлари аро
Мен барқ уриб гуллаганда тинч,
Апулейни¹²³ хушлардим, аммо
Цицеронни¹²⁴ ўқимасдим ҳеч;
У кун сирли водий қўйнида,
Сокин, шаффоф сувлар бўйида
Янграганда оққушлар саси
Юз кўрсатди илҳом париси.
Талабалик ҳужрам ногаҳон
Нурга тўлди: пари-ла кирдик,
Ешлик ўйлар базмини қурдик,
Болаликни куйладик шодон,
Ўтмишининг шон, камолини ҳам,
Дилнинг титроқ хаёлини ҳам.

II

Ғибор муҳит шод қарши олди;
Ноил бўлдиқ омад, барорга;
Державин чол¹²⁵ назар ҳам қилди,
Оқ йўл тилаб, кетди мозорга.

.
.
.
.
.
.
.
.
.
.

III

Завқу ҳавас исёнини ҳам
Мен қонун деб билдим ўзимга;
Ҳиссиётни эл билан баҳам
Кўриб, баҳсу сурон, базмга
Ва нозирлар таҳдидига ман
Бордим шаддод маликам билан.
Сўнг телбавор базмларда ҳам
Инъомларин сочди илоҳам,
Май ва ишрат маъбудасидай
Жом ортида қилди жилва-ноз,
У қушларнинг ёшлари гуррос
Эргашарди ортидан типмай.
Мен ҳавойи ёр билан чиндан
Фахр эгардим дўстлар ичинда.

IV

Иттифоқин дўстларининг аммо
Ташлаб, йироқ қочдим бағоят...¹²⁶
Дилбар илҳом париси ҳамон
Сўйлаб менга сирли ривоят,
Соқов йўлда бахш этди сафо!
Неча Кавказ тоғлари аро
Ой нурида мисли Ленора¹²⁷
У мен билан елди сувора!
Тавриданнинг соҳилларида
Бирга денгиз гулдуросини,
Сув парисин майин розини
Тингладик тун — зулмат бағрида;
Долғаларнинг мангу сасин ҳам,
Парвардигор қасидасин ҳам.

V

Базму доврўқ суронларида
Олис пойтахт унутилиб денг,
Мунглуғ Молдав ёбонларида
У кўчманчи қабилаларнинг
Ғариб чодрин этди зиёрат
Ва бадавий бўлиб бағоят,
Унутди сўнг худолар нутқин,
Ажиб тиллар айлади тутқун,
Асир этди саҳро куйлари...
Сўнг ўзгарди олам баногоҳ,
Бир қишлоқи қиз бўлиб ногоҳ
Пайдо бўлди боғимда пари,
Кўзларида мунгли ўй, итоб,
Қўлларида фарангча китоб.

VI

Энди кибор маҳфилга илк бор
Ул парини олиб борарман.
Мен саҳройи ҳуснига такрор
Ожиз қизгонч ила қарарман.
У, зодагон, ҳарбий пўримлар,
Дипломату мағрур хонимлар
Зич сафлари аро сирғалар;
Сўнг жимгина ўлтирар, қарар,
Боқар энди ғовурга хушҳол,
Йилт-йилт этар сўзлар, кўйлақлар,
Хонимларни қуршар эркақлар —
Қора, сурат чорчўпи мисол.
Еш бекага томон оҳиста
Бир-бир меҳмон келар — ораста.

VII

Олий мажлис хуш келар бу дам,
Уйғун одоб, тартиб, сўзлашлар,
Сокин виқор совуқлиги ҳам,
Ҳам мухталиф рутбалар, ёшлар.
Лекин кибор маҳфилида жим
Тунд ва мажҳул анов кимса ким?
У ҳаммага бегона гўё;
Назарида одамлар — рўё,
Ё дилозор шарпалар мисол.
Юзларида ғашликми, надир,
Дардми, кибр? Нечун бундадир?
Ким бўлди бу? Евгений? Не ҳол?
Наҳот ўша!.. Худди ўзи, оҳ,
— Кўпданми у бизларга ҳамроҳ?

VIII

У ўшамн, қуюлмишми ё?
Ёки ҳамон юрур телбаваш?
Қайтмиш печук қиёфада, о,
Бизга кимни қиларкин пешкаш?
Энди ким у? Мельмотми магар?
Космополит ё ватанпарвар?
Ҳарольдми у, диндорми, осий,
Ё ўзадир ниқоб, либоси?
Мендек, сиздек, бошқалардек боз
Оддийгина ипсон балки у?!
Не бўлса ҳам, маслаҳатим шу —
Эски урфдан кечмоқ керак воз.
Муҳитни кўп гангитди у зот...
— Танишми у? — Ҳам таниш, ҳам ёт.¹²⁸

IX

Сиз бу йигит ҳақинда чунон
Нохуш жавоб айтасиз нечун?
Ҳар нарсага биз куйдириб жон,
Ҳукм ўқиймиз — балки, шунинг-чун?
Эҳтиётсиз ўтли юракдан
Тубан зотлар, балки, бурчакдан
Таҳқирлашиб беписанд кулур?
Шуур кенглик истаб қийналур?
Балки ортиқ гап-сўзни ҳамон
Ҳақиқат деб билурмиз, тайин?
Ё нодонлик ёмон, бетайин?
Киборларга керак ё ёлгон?
Бизга эса, балки, бедахшат
Маъқул келур тўғрилиқ фақат?

Х

Ўз вақтида улғайган бахтли,
Ешлиқда ёш бўлган бахтлидир,
Чидаб ҳаёт заҳрига асли,
Бардоши тош бўлган бахтлидир.
Бахтли — қўрқинч тушдан йироқ кас,
Қимки кибор авомдан қочмас,
Йиғирмада — учар, олифта,
Ўттиз ёшда уйланса пухта;
Эллик ёшда керишган бахтли
Қутулиб бурч, турли қарздан ҳам,
Шухрат, давлат, мансабга кам-кам —
Аста-секин эришган бахтли,
Бутун аср айтса боз олам:
Фалончи кўп ажойиб одам!

ХІ

Нохуш ўйлар ғамлидир аммо:
Ешлиқ бизга берилмиш бекор,
Биз-ку унга қилмадик вафо,
У ҳам бизни алдади кўп бор
Ва энг гўзал туйғуларимиз,
Энг бокира озруларимиз
Бир-бир учиб, йитди замонлар,
Чиригандек кузда хазонлар...
Фақат бирдай тўкин дастурхон,
Маросимдай туюлса ҳаёт,
Мартабадор оломонга бот
Эргашсанг-у, фикру ўй, гумон,
Ҳисларингни кўрмасанг баҳам,
Бу ёмондир, бу — ёмон, бу — ғам.

XII

Кўп нуфузли одамлар аро
Гап-сўзларга важ бўлиб мудом,
(Хўп денг), жуда хунукдир аммо
Сохта тентак деб чиқармоқ ном.
Ёки маъюс девона бўлиб,
Ёхуд менинг демоним бўлиб —
Иблис бўлиб танилган ёмон.
Онегин, (мен қайтаман ҳамон),
Отишмада дўстни ўлдириб,
То йигирма олтигача заб
Бемуроду бемеҳнат яшаб,
Бекорчилик беҳад толдириб,
Бехизмату бўйдоқ, бетайин,
Бирон ишга эгмади бўйин.

XIII

Бир нотинчлик чулғаб сийратин,
Ислак бўлди жойни ўзгартмоқ.
(Айримларнинг хунук одати —
Бу дунёни ташламоқ-кетмоқ).
У тарк этди қишлоқларини,
Дашту ўрмон, овлоқларини,
Чунки бунда қонли бир арвоқ
Таъқиб этар ҳар куни, э воҳ.
Сўнг бир туйғу сингиб қонига,
У бемақсад кезаверди тек.
Дунёдаги ҳамма нарсасдек
Сафарлар ҳам тегди жонига;
Чацкийдек,¹²⁹ қайтгач шаҳарга,
Тушди тўғри кемадан балга.

XIV

Чайқалади дафъатан салон,
Шивир-шивир кетар бир маҳал...
Бека сари келар бир жувон,
Орқасидан — мағрур генерал.
Бу хоним — жим, андишали заб,
Истарали, камсуқум, камгап,
Кўзларида — гўзал бир ҳаё,
Ҳеч зафарга йўқ унда даъво,
Йўқдир бирон сохта жилваси,
Йўқ тақлидий бирон ифода...
Бону тамом сокин ва содда,
Ди сомте ил файт...* нухаси...
(Кел-эй, Шишков¹³⁰, гуноҳимдан кеч,
Таржимасин тополмадим ҳеч.)

XV

Келур унга хонимлар яқин,
Кампиршоҳлар қилар табассум,
Тутмоқ бўлиб унинг нигоҳин
Эрлар қуюқ айлашар таъзим;
Қизлар унинг қошида бир оз
Оҳистароқ юрар; яна ғоз
Қоматини кўтарар ўшал
Хоним билан кирган генерал.
Ғоят гўзал демаслар ани,
Жисму жони, олами бироқ
Ул мустабид наъмадан йироқ,
Ки ўшал урф, ўшал наъмани
Лондондаги юксак доира
Уилгар** дейди. (Илож йўқ сира...

* Олижаноблик (фарангча).
** Беадаб, сийқа (инглизча).

XVI

Мен бу сўзни севарман беҳад,
Таржимасин этолмам қойил;
Ҳозирча бу янги-ю, фақат
Бўлгаймикин шарафга ноил?!
Ҳажвий шеърга, балким, келур мос...)
Мен хонимга юзланайин боз.
Бепарво бир жозибага кон,
Ўлтиради бону ёнма-ён
Ул Неванинг Клеопатраси —
Нина Воронская бирлан;
Сиз ҳам маъқул дердингиз бирдан —
Нинанинг ҳам оппоқ чехраси
Гарчанд кўзни олса-да ғоят,
Ул хонимга сололмас соя.

XVII

«Наҳотки, деб ўйлар Онегин, —
Наҳот ўша? Худди ўзи... Йўқ...
Олис қишлоқ бағридан лекин
Қандоқ келди?..» Йигит кўзи лўқ —
Қўшойнақдан боқар дам-бадам.
Ёдга солар орази шу дам
Унутилган бир қизни элас.
«Билурмисан, айт менга, князь,
Мовут бўркли анов хоним ким —
Турур испан элчиси бирлан?»
Онегинга қарар у бирдан.
— Ҳа, сен кўндан йўқ эдинг, дўстим.
Тўхта, ҳозир айтаман, иним. —
«Ким у, ахир?» — Менинг хотиним. —

XVIII

«Уйлапдим де! Билмабман бун!»
Қанча бўлди?» — Қарийб икки йил. —
«Ким?» — Ларина. — «Татьянабону?»
— Танийсанми? — «Қўшнисимап, бил».
— О, йўқса, юр. — Князь қўзғолиб,
Қариндоши, дўстини олиб,
Рафиқаси томон бошлайди.
Бегойим бир нигоҳ ташлайди...
Юрагига тушса ҳам ғулув,
Қолса ҳамки зўр ҳайрат ичра,
Ҳаяжону хижолат ичра,
Ўзгармайди заррача сулув:
Ўша рафтор, феъл унда ҳоқим,
Ўша-ўша — саломи соқин.

XIX

Худо ҳақи, наинки титраб
Қизармади, ранги ўчмади,
Жувон ҳатто тишламади лаб,
Қош чимириб, ҳайрат сочмади.
Тижилса ҳам берилиб, ёҳу,
Йўқ, аввалги Татьянадан у
Тополмади бирон нишона.
Сўзлашмоқни истади, яна
Эпполмади. Сўради жувон
Келганлигин қайдан, қачондан,
Балки, деди, юртим томондан?..
Эрга ҳорғин нигоҳ ташлабон
Кейин аста бўлди у ғойиб...
Бу тош қотиб қолди мунғайиб.

XX

Наҳотки, бу ўша Татьяна?..
Достонимиз бошларида, о,
Олис, жимжит маконда, яъни
Хилватгина ўша боғ аро
Хуш хулқини кўргузиб йигит,
Берган эди унга панд-ўғит.
Ҳануз асрар ўшал мактубин,
Унда кўнгул айтур матлубин,
Рози — равои, эркин ва равшан.
О, бу ўша қизчами, рўё?..
Бу саргардон умрида, оё,
Қилганмиди дардини писанд?!
Наҳот, унга нисбатан шу дам
Аёл шунча бепарво, ўктам?

XXI

Кечар гавжум мажлисдан алҳол,
Ўйга ботиб уйга жўнар у;
Гоҳ ғамгину гоҳ гўзал хаёл
Энди сира бермайди уйқу.
Тургач, бир хат беришар унга:
Қуллуқ қилиб, князь N уйга
Таклиф этмиш оқшом. «Ё худо!
Унинг уйи... Боргум, боргум, о!»
Ҳурмат-ла тез қайтарур жавоб.
Нима бўлди? Кўрар нечук туш?
Совуқ, танбал юрагининг, хўш,
Тубида не ғимирлар шу тоб?
Ўкинчми бу, пуч ўйми, ҳасрат,
Ёки ёшлик дарди — муҳаббат?

XXII

Соат санар Онегин, ёнар,
Сабри етмас кечгача яна.
Охир ўнга бонг урар, жўнар —
Учиб борар. Мана, остона.
Кирар титроқ тушиб юракка,
Татьянани учратар якка;
Сўнг бир неча лаҳза ёнма-ён
Ўлтиришар. Онегин ҳамон
Сўз тополмас. Ўнғайсиз, қўпол,
Маъюс. Аёл сўзига шу тоб
Зўрға-зўрға қайтарар жавоб.
Эзар уни ўжар бир хаёл.
Йигит тажанг боқар; бегойим
Ўлтиради эркин, мулойим.

XXIII

Эри келар. Бузади бирдан
Бу хуфёна, похуш суҳбатни;
Эслашади Онегин билан
Тўполонли ҳув ёшлик пайтни.
Кулишади. Меҳмонлар кирар.
Давра қизий бошлар, барқ урар
Жўшқин кибор баҳсидан аста;
Бепардаю енгил сафсата
Порлар бека қошида, дариғ.
Ёлгонларни бўлиб гоҳ фақат,
Бачканалик, мангу ҳақиқат,
Қабиҳ мавзулардан-да фориг,
Батанг қилмай кимса қулоғин,
Оқур жонбахш суҳбат булоғи.

XXIV

Жамдир бунда пойтахт гуллари,
Наъмадўстлар ҳам зодагонлар,
Ҳар ерда бор нусхалар бари,
Доим зарур бўлган подонлар;
Гуллар таққан, бўркли, улуғвор
Заҳарнамо хонимлар ҳам бор;
Мавжуд яна аллақанча қиз —
Чеҳралари ҳеч табассумсиз;
Келмиш битта элчи ҳам филҳол —
Тинмай давлат ишларин айтар;
Бордир оппоқ сочи муаттар,
Шўхликлари эскича бир чол:
Ҳазиллари тагдор, оқил, соз,
Фақат букун кулгули бир оз.

XXV

Мавжуд ҳажвий шеърга ўч жаноб —
Ҳар нарсага қилгувчи зарда:
Ортиқ ширин бўлса чой — хуноб,
Хафа — енгил хоним, эрлардан;
Кетса мужмал романдан калом,
Тегса опа-сингилга инъом,
Журналларнинг ёлғонию жанг,
Қордан, яна хотиндан тажанг.

.
.
.
.
.
.
.

XXVI

Разилликда қозонган шуҳрат —
Проласов шунда, оламин
Сен При, ¹³¹ ҳар альбомда, албат,
Мазах этмиш тўмтоқ қаламинг.
Эшикда бир бал ҳокими — сур,
Журналдаги расмдек турур,
У — қип-қизил, гунгу кару тек,
Худди ҳайит фарштасидек.¹³²
Тасодиғий сайёҳ ҳам музтар,
Қайта оҳорлангандай, суллоҳ,
Унинг цотинч қоматига гоҳ
Меҳмонларнинг кулгуси қистар;
Унга сўзсиз боқишлар надир —
Бу умумий ҳукмномадир.

XXVII

Опегиним базмда танҳо
Татьянага банд бўлдию, бас,
У аввалги содда, бенаво,
Журъатсиз бир хуштор қиз эмас,
Йўқ, йўқ, беғам бегойим ўзи,
У — Неванинг бир илоҳаси —
Бедахл ва музайян, гўзал.
О, инсонлар! Ҳаммангиз азал
Ўхшаркансиз Момо Ҳавога:
Наки сизга кўрилмиш раво —
Баҳра бермас; чорлар аждаҳо
Сирли дарахт — сирли дунёга;
Сизга тақинқ меваси басдир;
Жаннат усиз жаннат эмасдир.

XXVIII

Ўзгармишдир қанча Татьяна!
Нечоғ топмиш ўз қиёфасин!
Олий мансаб сингари яна
Эгалламиш усуллар дарсин!
Давранинг зўр маликасида,
Бу мўътабар, чин бекасида
Қим топура ул позик қизчани?
Асир этмиш Онегин ани,
Шу йигит деб қаро кечалар
Келмай туриб уйқу худоси,
Қиз қайғуриб, ютиб нидосин,
Ойга нигоҳ тиккап нечалар
Ва умрини у билан хушҳол
Кечирмоқни айлаган хаёл!

XXIX

Муҳаббатда ёшу қари — тенг,
Лек навқирон, маъсум юракка
Худди баҳор ёмғирларидек
Севги авжи бергай барака:
Дилни ювиб ҳислар ёмғири,
У янгориб, ўсар охири,
Сўнг бахш этур бу қодир ҳаёт
Шукуҳли гул, меваю баёт.
Ёш бир жойга етиб, биз сари
Хазон фасли яқинлашган дам
Ўлик ҳислар оқибати — ғам;
Э воҳ, совуқ куз ёмғирлари
Яланғочлаб боғларни шундоқ,
Ўтлоқларни айлайди ботқоқ.

XXX

Еш боладек Евгений, бешак,
Татьянага қўймиш муҳаббат;
Кун ва тунни ўтказур ҳалак
Ишқ дардида ўртаниб фақат.
Ҳеч садони ақли тингламас,
У бош уриб эшигига, бас,
Ҳар кун борур ойнаванд уйга;
Соя каби эргашар унга.
Баъзан момиқ шарфин кифтига
Ташлаб қўйса, йўл очса ва ё
Унга турфа одамлар аро,
Тегиб кетса иссиқ кафтига,
Рўмолчасин олса ё ердан,
Ўзин бахтли сезарди бирдан.

XXXI

Тиришмасин ҳар қанча, лекин
Бека уни пайқамас асло.
Қарши олар уйида эркин,
Базмда уч сўз айтур гоҳо.
Баъзан фақат салом қилар ул,
Баъзан эса сезмайдир буткул.
Таннозлиги йўқ унинг зарра —
Суймас буни кибор доира.
Жувон кўрмас, ёхуд ачинмас.—
Онегиннинг ўчадир ранги:
У қовжирар, қақшар, қаранги,
Ҳаттоки, сил бўлса, ажабмас.
Табиябга бор, дер ҳамма унга,
Улар йўллар *шифобахи сувага*.

XXXII

У бормайди; у шайдир фақат
Кўришгаймиз тезда, деб, ҳатто,
Аждодларга йўлламоққа хат;
Татьяна-чи, ҳамон бепарво,
(Аёл зоти шунақадир, бас).
Йигит — қайсар, қайтмоқ истамас,
Умид қилар, уринар бироқ;
Ўзи бетоб, соғдан дадилроқ
Бегойимга хат ёзур ёниқ.
Гарчи камдир мактубда маъно,
Бефойда деб ўйлар у, аммо,
Аммо кўнгил дардига, аниқ,
Энди унда қолмади тоқат.
Мана сизга, айни ўша хат.

ОНЕГИННИНГ ТАТЬЯНАГА МАКТУБИ

Мен биламан, таҳқирлар сизни
Ушбу мунглиғ сирлар баёни.
Беомон бир ғазаб тўфони
Чулғар мағрур нигоҳингизни!
Не истарман? Не мақсад билан
Дил очурман сизга бемалол?
Аччиқ, заҳар кулгуга, билмам,
Мен йўл бериб қўйдим, эҳтимол.
Ногоҳ сизни учратиб бир кез,
Меҳр нурин пайқадим-у, тез
Ишонмоққа чоғланмадим ҳеч:
Хуш одатим йўли беркилди;
Мен ўзимнинг дилгир эркимни

Йўқотмоқни хоҳламадим ҳеч.
Яна бир ҳол айирди бизни...
Қурбон бўлди Ленский, абгор...
Дилга яқин ҳар нимаки бор,
Шундан кейин кўнглимни уздим.
Мен ётсираб юрдим. Азоб бу.
Ўйладимки эрк, ором — тапҳо
Бахтга эваз бўлур. О, худо!
Қандай хато, қандай жазо бу!..

Йўқ, йўқ, сизни кўрмоқ сафоси,
Изингиздан қолмай қувламоқ,
Лаб кулгусин, кўзлар имосин
Ошиқ кўзлар ила овламоқ,
Хўб термулмоқ сизнинг жуссага,
Дилдан туймоқ — не камолат бу,
Қаршингизда қотмоқ ғуссада,
Бўзармоқ ва сўнмоқ... роҳат бу!

Мен шундан ҳам маҳрумман, фақат
Судраламан айлаб таваккал;
Кун — ғанимат, соат — ғанимат,
Мен-чи исроф этаман маҳтал
Тақдир санаб берган кунларни,
Азал заҳми зўрдир уларнинг.
Мен биламан, умримда бор ҳад;
Лекин уни чўзиб турмоққа
Тонгда амин бўлмоқлигим шарт
Кундуз кунни сизни кўрмоққа...

Қўрқаман, бу мўмин ўтинда
Нигоҳингиз кўрмасин яна
Манфур макр-ҳийлани ҳеч-да,

Қилмангиз ҳам ғазабкор таъна.
Билсайдингиз, нақадар даҳшат
Муҳаббатга зорлик жаҳонда;
Енмоқ, ақл ила ҳар соат
Туғёнларни сўндирмоқ қонда;
Тизларингиз армондир қучмоқ;
Нола айлар пойингизда зор
Илтижою надомат сочмоқ,
Тўкмоқ, дилда яна неки бор.
Ваҳки, соҳта сиполик билан
Қуроллашмиш нутқу нигоҳим;
Заруратан сўйлашиб сокин,
Боқгум сизга шодонлик билан!..

Ўзимга вид бормоғим оғир;
Ночордирман ушбу кезда ман;
Қарорим шул, измингиздаман,
Мен тан бердим тақдирга охир.

XXXIII

Жавоб йўқдир. Боз мактуб ёзур,
Иккинчи хат, учинчи хати —
Жавобсиз. Бир мажлисга базўр
Борар эди; кирган заҳоти...
У дуч келди. Қандай беомон!
Буни кўрмас, сўз демас бирон;
Ёҳу, яна ошибдир қаҳри —
Борлиғида — чилланинг заҳри!
Тағин унинг ўжар лаблари
Яширмоқчи бўлар жаҳлини!
Синчков боқди Онегин: қани,
Қани унинг туғён, дардлари?!
Қани кўзёш доғлари?.. Абас!
Чеҳрасида ғазаб изи, бас...

XXXIV

...Барча шумлик, ожизлик, балки,
Онегинга маълум сир, туғён
Эрга, кибор даврага ёки,
Фош бўлар деб қўрқадир жувон?..
Умид йўқдир! Евгений жўнар,
Тентаклигин лаънатлаб, ёнар,
Бадтар ғамга ботиб бу одам,
Юз ўгирар яна дунёдан.
Энди жимжит хонада ёслар:
Бу сершовқин оламда бир бор
Хафақонлик — золим ва бадкор
Уни қувиб, етиб, бир кезлар
Ёқасидан тутиб сўнг, якка
Қамаб эди хилват бурчакка.

XXXV

Яна бефарқ тутингай такрор —
Ўқиб чиқар Гиббон, Руссони,
Манзони-ю, Гердеру Шамфор,
Сталь хоним, Биша, Тиссони,
Мутолаа этгайдир Белни,
Ўқиб чиқар у Фонтенелни¹³³
Ва кимвидир ўзимиздан боз.
Ҳеч нарсани рад этмас, паққос
Баёзлару журналлар қолмас —
Насихату пандлар тўқувчи,
Букуи мени тинмай сўқувчи,
Мен уларда гоҳо басма-бас
Ўзим ҳақда кўргум, жаноблар,
Жуда аъло деган хитоблар.

XXXVI

Не тонг? Кўзи ўқирди, аммо,
Аммо фикру хаёли йироқ;
Орзулару дарду муддао
Юрагини эзарди бироқ.
Йўқ, у босма сатрлар аро
Тамом бошқа сатрларни, о,
Ўқирди руҳ кўзлари билан.
Ўшаларга чўмганди теран.
Булар — дилнинг, қора кечмишнинг
Жуда сирли ривоятлари,
Е бедахл синоатлари,
Таҳдид, таъбир, фол ёки тушнинг
Эртакларнинг ҳангомасидир,
Ёки маъсум қиз номасидир.

XXXVII

Ҳисга, ўйга чўмар у секин,
Очиб китоб саҳфаларини.
Ёя бошлар хотирот рангин —
Ўтмиш ҳаёт лавҳаларини.
Гоҳ кўзига кўринаётир:
Юмшоқ қорда бир йигит ётур,
Ухлагандек гунгурс, бекалом,
Садо келур: *Ўлди. Вассалом!*
Гоҳ кўринар унут ғанимлар,
Тухматчилар, помардлар — ёвуз,
Жирканч дўстлар тўдаси — беюз,
Гоҳ бевафо қизлар, хонимлар,
Гоҳ қишлоқ, уй, дераза — ёлғиз
Ўлтиради *ўша... ўша қиз!..*

XXXVIII

Бехудликка кўникди, ёҳу,
Салкам тентак бўлаёзди, ё
Шоир бўлиб қолаёзди у.
Шуни уҳда қиларди аммо!
Рус шеърининг оҳанг садосин
Тортган каби оҳанрабоси,
Унга меров шогирдим оз-моз
Фаҳми етиб қолаёзди. рост.
Ўхшарди у шоирга нечоғ,
Қамин қизиб ёнида, якка
Урар экан ўзин бурчакка;
«*Илоҳим*» деб мингирлар бир чоғ,
«*Санамим*» дер, печкага тиқар —
Гоҳ туфли, гоҳ журналин ёқар.

XXXIX

Кунлар ўтди: илиқ ҳавода
Қишнинг умри тугади, тўзди;
Шоир бўлди на у дунёда,
На ўлди, на ақлдан озди.
Баҳор унга бахш этди ҳаёт:
Бир тиниқ тонг тарк этди у бот
Суғур каби қишлаган ўша
Қўш дарчали, кимсасиз гўша —
Масканини ташлади илк бор.
Нева бўйлаб елар чанада.
Кўк ва кесик музда ёнади
Кун нурлари. Уюм-уюм қор
Чиркин бўлиб эрийди ёмон.
Бу йўллардан борар у қаён?

XL

Қаён елар Онегин? Аён,
Сиз топдингиз мақсадин: тагин,
Тагин борар Татьяна томон
Сон кирмаган менинг тентагим.
Қирар худди мурда мисоли.
Ҳеч кимса йўқ йўлакда, холи.
Залга қирар. Юради, алҳол
Эшикни ҳам очар. Бу не ҳол?
Надир уни қолдирган ҳайрон?
Бека... Бека ўлтирар ёлғиз,
Бесаранжом, чеҳраси қонсиз,
Қафтин тираб юзига, вайрон,
Бир мактубни ўқир бесадо,
Ёшлар тўкур панжалар аро.

XLI

Унинг унсиз изтиробин, бас,
Ким шу лаҳза уқолмас, э воҳ!
Ким бегойим аксида кўрмас
Эски мунглағ Татьянаи, оҳ!
Йигит — ўкинч, дард ичра мажнун,
Оёғига йиқилди забун.
Бека чўчиб, жим қолди ногоҳ,
Онегинга ташлади нигоҳ —
Бегазаб ва буткул беҳайрат...
Унинг хаста ҳам сўник юзи,
Унсиз таъна, илтижо сўзи
Аён эди бонуга. Фақат
Содда, маъюс қиз қалби, ночор,
Уйғонганди кўксида такрор.

XLII

Онегинга, туринг, деёлмас,
Узолмас ҳам ундан кўзини.
Қақроқ ўшал лабдан ололмас
Бека шу зум жонсиз қўлини...
Энди нени айлар у хаёл?
Улар узоқ жим қолар. Аёл
Аста кирар, ниҳоят, сўзга:
«Бас, турингиз энди, мен сизга
Айтмоғим шарт барини ошкор.
Ёдингизда борми, Онегин,
Тақдир бизни йўллаган сокин
Уша боғу хиёбон? Ночор
Сиздан сабоқ тинглаган эдим.
Тингланг, энди менинг навбатим.

XLIII

Онегин, мен у маҳал ёшроқ,
Ҳам сулувроқ эдим, чамамда.
Сизни суйдим, суйдим-у, бироқ
Қалбингиздан не топдим ғамда?
Жавоб топдим бешафқат, холос.
Ювош қизнинг муҳаббати, рост,
Билдим, сизга янгилик эмас!
Энди эса — ё раб! — ўша ваъз,
Ўша совуқ нигоҳни нуқул
Эсладимми, музлаб кетар қон...
Айбламайман аммо, у замон
Тутгандингиз олижаноб йўл.
Ҳақ эдингиз, қилсам андиша,
Миннатдорман сиздан ҳамиша...

XLIV

Ўша пайтлар, шов-шувдан йироқ
Овлоқларда юрган кезимда
Мен ёқмаган эдим-ку... Бироқ
Не бор энди мешинг изимда?
Энди сизга пишонман нечун?
Балки, балки юрганам учун
Букун кибор оламда масрур?
Ё ўқлар еб жангларда эрим,
Сийлагани учунми сарой?
Истагингиз будир, ҳойнаҳой,
Жамиятда очилсин сирим,
Мен шармсор бўлайин, фақат
Бу гап сизга келтирсин шуҳрат?!

XLV

Мен йиғларман... Татьянагизни
Унутмаган бўлсангиз ҳамон,
Билиб қўйинг, ул таънангизни,
Совуқ, пичинг сўзларни бу он,
Бўлса эди менда ихтиёр,
Аламлару мактублару бор
Кўзёшлардан кўрардим афзал...
Уша маъсум орзуларга сал
Қилсайдингиз заррача шафқат,
Этсайдингиз ёшни аҳтиром...
Энди қай ҳис, қайси илтизом
Тиз чўқтирди сизни оқибат?!
Шундай ақлу юрак-ла, ким ул,
Бўлур майда туйғуларга қул?

XLVI

Онегин, бу дабдаба, шукуҳ,
Манфур ҳаёт зийнати надир?
Кибор олам домида беруҳ
Зафарларим, давлатим надир?
Ҳашамдор уй, зиёфат, ғавғо,
Надир менга бу бўғиқ ҳаво?..
Уша жавон, ҳув ёввойи боғ,
Уша ғақир масканим, қишлоқ,
Уша — сизни, Онегин, илк бор
Кўрганим ул жойларга, зотан,
Букуи шўрлик энагам ётган
Хоч, соялар остидаги зор
Уша мозор, ўша хилқатга
Барчасини қилардим садқа...

XLVII

Бахт бўлса-чи, нақадар мумкин,
Яқин эди нақадар!.. Энди —
Тақдирим ҳал. Эҳтимол у кун
Хомлик қилдим. Қанча ялинди
Кўзёш билан авраб онам ҳам,
Оҳ, Татьяна шўрликка у дам
Ҳамма нарса бари бир эди...
Турмуш қилдим оқибат... Энди
Илтимосим, тинч қўйинг бизни.
Мен биламан, қалбингизда бор
Ҳам ғурур, ҳам собит, баланд ор,
(Елғон нечун?) Севаман сизни,
Насиб этдим бошқага фақат;
Унга содиқ қолурман абад».

XLVIII

Бека кетар. Евгений турар
Чаққан каби бошида чақин.
Энди нечук туйғу гупурар —
Қалбини не ўй босур тағин?!
Ногоҳ маҳмиз жаранглар аммо,
Бўлур Тая қаллиғи пайдо.
Қаҳрамоним, ниҳоят, шунда
Унинг учун энг мушкул зумда
Тарк атамиз, ўқувчим, бу он,
Узоқ муддат... умрбод... абад...
Дунё кезиб ортидан фақат,
Етдик охир соҳилга омон!
Қутлуғ бўлсин! Яшасин! Раҳмат!
Кўздан ўзи келганди фурсат.

XLIX

Ким бўлсанг ҳам, ўқувчим, билгин,
Дўстмисан сен, бегонами ё,
Бир дўст каби хўшлашай, келгин,
Хайр. Ношуд байтларим аро
Излармисан кескир бир калом,
Ё псёнкор хотирот, ором,
Жонли лавҳа садоларими,
Ё сарфу наҳв хатоларими —
Бу китобдан, ишқилиб, доим.
Эрмак учун, орзулар учун,
Ёки журнал шов-шувлари-чун
Бирон парса топгин, илойим;
Недир топгин кўнглингга доир.
Айрилармиз шу ерда, хайр!

L

Эй, гаройиб йўлдошим, хуш қол,
Хуш қол сен ҳам, содиқ омолим,
Хайр, кичик, аммо безавол
Эй, меҳнатим! Сиз боис доим —
Қуюн ичра гоҳ унут ҳаёт,
Гоҳо дўстлар даврасида шод —
Шоир учун неки ҳавасдир,
Кўрдим кибор оламда, басдир.
Онегин ва Татьянам маним
Илк бор хира хаёл юзида
Пайдо бўлиб, фол кўзгусида
Низҳоясин кўролмаганим —
Бул дostonга киргандан буён
Ўтди, ўтди қанча кун, замон.

LI

Илк байтларни ўқирдик иноқ —
Қани ўшал дўсту ёронлар?..
Бириси йўқ, бириси йироқ —
Демиш Саъдий ўтган замонлар.
Онегиним битди уларсиз.
Аммо қани, қани ул, азиз
Татьянамнинг олий омоли?..
Оҳ, нечалар топди заволин!
Бахтиёрдир, умр шабобин
Эрта ташлаб кетган — кўнмаган
Ва жомини ичиб бўлмаган,
Ўқиб бўлмай ҳаёт китобин
Тарк айлаган бахтлидир бирдан,
Онегиндан айрилгандек ман.

Б и т д и.

ПУШКИННИ ТУШУНИШ

(«Евгений Онегин» китобига таржимон ёзуви)

БАҒИШЛОВ

I

Дарди тийран, кўзлари тийран
Устоз Ойбек ёшлик чоғида,
Александр дўстлари билан
Чодир тикиб Чимён тоғида,
Унутилиб барча ташвишлар
Суҳбат қурди *сўнги дарвишлар...*
Эллик йиллар ўтиб ва лекин
Боз дил ёрди менга Онегин.
Кўрдим, музлар бордир дилинда,
Не бўлса ҳам, кўнга етгулик,
Ҳасратимни баён этгулик
Бир дўст топдим ўзбек элимда.
Балки, устоз кечирган ҳислар
Ёр бўлгандир менга ҳам, дўстлар...

II

Сен, қаблимнинг эй, тунд ҳамроҳи,*
Хайҳот, ўзинг билмассап сиринг:
Дардли шоир исёни, оҳи
Қиёфангда сенинг яширин.
Рухни тандан айлади жудо,
Қилди беюрт, беэрк, беҳудо,
Бу найрангбоз, ғирром, бадният,
Бу одамхўр, жаллод жамият.
Заҳмат аҳли — фикрсиз, ялқов,
Қорни тўйса, бас, йўқдир иши.
Қўшдир сендек зиқ, тўниқ киши,
Халқ — ўзлиги алғову далғов.
Қачон барбод бўлиб шу иллат,
Озод бўлур бу халқ, бу миллат?!

III

Қаттол тунда туғилган эй, зот!**
Сен Ленский эмас, Пушкинсан.
Рухинг, юртинг бўлса гар озод,
Нечун маъюс, нечун тушкунсан?
Қибор элнинг қўллари балад —
Юрагингга ташламиш камад.
Шоир, шоир! Эй, забун одам,
Шафқат кутдинг нечун дунёдан?!
Таҳқирланур номус ила шаън,
Эрку ҳуқуқ барбод эрур, бас,
Ботирларнинг қўлларигамас,
Тилларига солдилар кишан.
Эсдан чиқиб қадим излари
Дарёлар ҳам оқур тескари.

* Онегинга мурожаат.

** Ленский кўзда тутилади.

IV

Ҳукмдорлар шоир сўзидан
Ғазабланур, чидай олмасдир.
Шоир жисмин ернинг юзидан
Бир йўқотиб олсалар, басдир.
Мақтайверар кейин худо деб,
«Ватанпарвар, тенгсиз, даҳо» деб.
Аммо ўзи эрк номин айта
Келгаймиди дунёга қайта!
Додлар балки ўша ҳукмдор:
«Овозидан айрилди Ватан!»*
Тирик бўлса у овоз, у тан
Яшайверар яна хору зор.
Бўлса фалак гунгроқ ва карроқ,
Бўлмагайдир бундан бадтарроқ.

V

Шоир учун зулматдир диёр,
Ичган майи — заҳар, суви — талх,
Токи ёри бўлгунича ёр,
Токи халқи бўлгунича халқ.
Токи юрти бошида омон
Турар экан нокас ва нодон,
То эзаркан элни жаҳолат,
То кўраркан дўстдан ҳақорат,
Овутолмас ҳеч айшу тараб...
Куйлар гарчи Ватан мардларин,
Алчиқ аччиқ айтур дардларин
У ажалнинг афтига қараб:
«Шукронам бор кунга, заҳматга,
Шукронам бор тунга, зулматга...»**

* Пушкин вафот этгач, ҳукмдор шундай деб ўкирган эмиш.
** «Евгений Онегин»даги Ленскийнинг шеърдан.

VI

Шоир ўзи ўлмас ҳеч қачон.
Ўлдирурлар шоирни фақат:
Қорда ётур Ленский бежон,
Қор устида яна бир жасад —
Пушкин. Пушкин!.. Қайғу беҳудуд,
Ерда ётур яна бир вужуд,
Бу Лермонтов. Шаҳид, жувонмарг...
У, дунёни айлага-ю тарк,
Тарк этмагай шоирни дунё:
Унга қуллуқ, гуллар, таъзимлар...
Юрагига солиб размлар,
Айтмаганин уқдим букун, о:
Ўлдиран шоирни тенгсизлик,
Фисқу фужур, номус, эрксизлик.

VII

Ишонарди шоир бутун, о,
Фарёд узра фарёдлар келур.
Дунё бўлса агар бу дунё,
Ҳали янги авлодлар келур;
Аждодларнинг хатоларидан
Улар пишар, нидоларидан
Юраклар ҳеч қинга сиғмайди,
Тупроқ, тошлар қалқиб, йиғлайди.
Шараф унга ўлимнинг оти,
Шафақларнинг ёлқинларида,
Дарёларнинг тўлқинларида
Кўчиб-кўчиб юрар фарёди:
«Э, халқ, э, қалқ! Бас энди кўрлик!
Дунё! Басдир, зўрлик ва хўрлик!»

VIII

Мен шоирнинг айтмаган сўзи —
Юрагини қилдим таржима.
Сафар қилдим ўтмишга, ўзим
Синмагайман унга гарчи ман.
Шоир сўзлар ўз қонига гарқ:
То юрт — муте, то қул экан халқ,
Йўлим йўқдир ўлимдан ўзга,
Юпанчим йўқ элимдан ўзга!..
Бир оғриқнинг очиб қатларин,
Хўб ўргандим юрагим — золим,
Пушкиннинг энг ёруғ хаёли
Хаёлимда қолди хатланиб:
Қўлларида титраб хат яна,
Тушларимга кирур Татьяна.

XIX

Мажҳул, ношод Онегин дўстим,
Хўшлашмоққа етибдур фурсат.
Сени Пушкин руҳида сездим,
Сен ҳар тирик виждонда борсан.
Шоир, бош ур дил деган тошга:
Келгинди халқ — фарангми, бошқа,
Маърифатни қилиб баҳона,
Тилни, элни бузди замона.
Мактублар ёз, кўнгил малаги,
Муз дилларни уйғотгил, қалқгил:
«Бу тупроқда келгинди халқнинг
Қолса, қолур фақат суяги»...*
Шукронам бор мангу ҳаётга —
Аёл зотин яратган зотга!

* Жанна Д'Арк сўзлари.

X

Қачон, қай кун Татьянабону
Қириб келди кўнгли тубига?
Ул шимолдан эсан сабони
Ўхшатурман Кумушбибига.
Бу ўзбекдир гарчи, у русдир,
У ҳам маъюс, бу ҳам маъюсдир.
Фақат бири Офтобнинг қизи,
Бир салқин елар синглиси.
У ҳам ёзур, бу ҳам ёзур хат,
Фақат, фақат, кеч бўлса ҳам, рост,
Фалак чаппа айлалиб бир оз,
Татьянага бош урибдир бахт.
Фалак чаппа айлалиб хиёл,
Кумушбиби топмишдир завол.

XI

Онегинман — дунё помарғуб,
Йўл йўқдир кўз юмишдан бўлак.
Отабекман — вужуди мағлуб,
Ёр топмасдан Кумушдан бўлак.
Йўқ! Оламни севибман лекин,
Мен эмасман, демак, Онегин,
Йўқ! Тирикман, юрибман-ку тек,
Мен эмасман, демак, Отабек.
Татьянажон, сен сўйла розинг...
Раҳмағ айтиб Пушкин ҳаққига,
Мамнун боқсам қизнинг бахтига,
Келур унинг синиқ овози:
«Қайғурмайсиз, ахир, нега сиз,
Кумушбиби... қолди эгасиз!»

XII

Етар! Китоб қаҳрамонига
Ошиқ бўлмоқ замони эмас,
Фақатгина ишқ майдонида
Бахтиёрлик армоним эмас.
Дардим ўзга. Истагим нима?
Дардни қилиб бўлмас таржима.
Дард шарҳланур. Дунёда кезиб,
Шарҳлаш менга этибдир насиб.
Шарҳлар қилдим нотугал, беранг,
Гоҳ ўзга дил, гоҳ ўз дилимдан.
Истагим шул, менинг тилимда
Александр ҳасратин теран
Дардли қалблар, қалбли инсонлар
Англасинлар олис замонлар.

1986

«ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН»ГА А. С. ПУШКИН ИЗОҲЛАРИ

(1) Бессарабияда ёзилган. (Пушкин бунда ўзининг Петербургдан жанубга сургун қилинганига ишора этмоқда. (Таржимон.)

(2) Dandy — олифта, пўрим.

(3) Талон — машҳур ресторан соҳиби.

(4) Чайльд Ҳарольдга мансуб бўлган тўнган туйғулар тасвири. Жаноб Дидло балетлари жонли тасаввур ва фавқулодда бир жозоба билан ижро этилган. Романтик ёзувчиларимиздан бири уларда бутун фаранг адабиётида бўлганидан кўра кўпроқ зарофат кўрган эди.

(5) Унинг оқ мойбўёқ ишлатишини ҳамма биларди. Мен аввал бунга мутлоқ ишонмасдим. Кейинроқ ишона бошладим. Бу фикрга келганимнинг боиси фақат унинг юзлари ранги яхшиланиб борганидан ёки фақат пардоз столида оқ мойбўёқ идишчаларини кўрганимдан эмас, йўқ, бунинг боиси шуки, бир кун эрталаб мен унинг уйига кириб, махсус чўткача билан тирноқ тозалаётганини ҳам кўриб қолдим. Бу машғулотини у менинг ҳузуримда ҳам виқор билан давом эттираверди. Мен хулоса қилдимки, ҳар кун эрталаб тирноқ учун икки соат вақтни исроф этаётган киши юзидаги ғадир-будурларни оқ мойбўёқ билан силлиқлаш учун бир неча дақиқани аямаслиги мумкин.

Жан Жак Руссо. («Тавба»)

Гримм ўз асридан илгарилаб кетган: ҳозир бутун маърифатли Европада тирноқни махсус чўткача билан тозалайдилар.

(6) Бутун бу кинояли банд гўзал ватандош хонимларимизнинг нозик таърифидан бўлак нарса эмасдир. Буало ҳам шундоқ таъна пардаси остида Людовик XIVни мадҳ этган. Бизнинг хонимларимиз латофатга йўғрилган маърифат билан ва покиза ахлоқ билан Сталь хонимни бениҳоят мафтун этган шу шарқона жозибани уйғулаштирганлар.

(«Dix années d'exil» — «Ўн йил қувғинда» асарига қаранг).

(7) Одессада ёзилган. (Сургун даврига ишора этмоқда. (Таржимон.)

(8) «Евгений Онегин»нинг биринчи нашрига қаранг. (Бу фаслнинг биринчи нашрида Пушкин бундай деб изоҳ берган:

«Муаллиф она томондан африкаликдир. Унинг бобокалони Абрам Петровиц Ганнбал 8 ёшлигида Африка соҳилларидан олиб қочилиб, Истамбулга келтирилган...» Устоз Ойбек таржимасида бу шарҳ муфассалроқдир. (Таржимон.)

(9) «Днепр сув парисп»нинг биринчи қисмидан. (Бунда Ганслер шеъри, Ф. Кауер мусиқаси асосида яратилган «Дунай

париси» операси назарда тутилади. Русча матн — Н. Красно-польскийга мансуб. (*Таржимон.*)

(10) Жарангдор исмлар, масалан, Агафон, Фллат, Федора, Фекла ва ҳоказолар бизда фақат оддий халқ ўртасида қўлланилади.

(11) Грандисон ва Ловлас — икки машҳур асарнинг қаҳрамонлари.

(12) Агар менда бахтга ишониш телбалиги бўлса эди, мен уни кўнликмадан қидирган бўлардим. (*Шатобриан.*)

(13) «Шўрлик Йорик!» — қизиқчининг калла суягига қараб, Ҳамлетнинг қилган хитоби. (*Шекспир ва Стернга қаранг.*)

(14) Юлия Вольмар — янги Элоиза. Малик Одил — Cottin хонимнинг ўртача романи қаҳрамони. Густав де Линар — баронесса Крюднернинг ажойиб қиссаси қаҳрамони.

(15) «Вампир» — Лорд Баронга янглиш нисбат берилган қисса. «Мельмот» — Матюриннинг доҳиёна асари. «Jean Sbo-gar» — Карл Нодьеннинг машҳур романи.

(16) «Бу ёққа киргувчилар ҳар қандай умидни ташлаб кирсинлар»... Камтарин муаллифимиз ушбу машҳур мисранинг фақат ярмини таржима қилди. (Сатр Дантенинг «Илоҳий комедияси» — «Дўзах» қисмидан олинган. Бу асарни халқимиз она тилимизда А. Орипов таржимасида ўқишга мушарраф бўлган. (*Таржимон.*)

(17) Е. А. Баратинский.

(18) Август Лафонтен — оилага онд кўнгина романлар муаллифи.

(19) Князь Вяземскийнинг «Биринчи қор» шеърига қаранг.

(20) Баратинскийнинг «Эде» асаридаги Финляндия қишининг тасвирларига қаранг.

(21) *Мушук мовни чорлайди.*

Печь устида ушлашга. — Бу тўйдан дарак беради, биринчи қўшиқ эса ўлим аломатидир.

(22) Шундай қилиб бўлажак кувьнинг исмини аниқлайдилар.

(23) Фол китоблари бизда Мартин Задека фирмасида нашр этилади. Б. М. Фёдоровнинг уқтиришича, бу муҳтарам зот ҳеч қачон фол китоби ёзмаган экан.

(24) Ломоносовнинг машҳур сатрларига пародия:

Шафақ гулгун қўл ила

Тонгги сокин сувлардан

Олиб чиқар қуёшга қўшиб... ва ҳоказо.

(25) Аёл жинсининг содиқ ихлосмандлари бўлган бизнинг мунаққидларимиз бу сатрларнинг адабсизлигини айтиб, қаттиқ танқид қилишган.

(26) Парижлик ресторан соҳиби.

(27) Грибоедов сатри.

(28) Машҳур қуролсоз.

(29) Левшин — хўжаликка онд кўнгина асарлар муаллифи.

(30) Бу қиёс ўйноқи тасавури билан машҳур бўлган К... дап олинди. К... нинг нақл қилишича, у бир дафъа князь Потомкин томонидан хоқон хотинга чопар қилиб юборилганида шундай тез елганки, аравадан осилиб қолган қилчи ҳар чақирим масофадаги устунларга шақилдоқ бўлиб урилаверган.



* *Муқаддима қўшиғи* А. С. Пушкиннинг қадрдон дўсти Пётр Александрович Плетнёвга бағишланган. П. А. Плетнёв — адабиётшунос, ўқитувчи, кейинроқ профессор, академик, Петербург дорилфунунининг ректори бўлган. Устоз Ойбек таржимасидаги изоҳда ҳам, Пушкин сургунда юрган замонларида Плетнёв унинг адабиётга доир илтимос ва тошшириқларини адо этиб тургани таъкидланган. Пушкин хатларидан бирида Плетнёвни «ҳам қариндошим, ҳам дўстим, ҳам ноширим, ҳам кассирим», деб таърифлайди.

Биринчи фасл

1. *Кн. Вяземский* (1792—1878) — шoir, мунаққид, князь Пётр Андреевич Вяземский — Пушкиннинг қадрли дўсти, улар орасида ёзишмалар бўлиб турган. Эпиграф унинг «Биринчи қор» шеърдан олинган. Пушкин «Евгений Онегин»нинг бешинчи фасли, учинчи бандида у билан мусоҳабага ҳам киришади:

Ўзга шoir хуш калом ила,
Худо берган чин илҳом ила
Тасвир этмиш биринчи қорни,
Қиш гаштини, рангу виқорни.
Сизни аспр этгай у авло,
Чаналарда сирли сайрлар
Сеҳрин айтгур ўтли сатрлар.
Ҳозирча мен беллашмам аммо...

2. *Зевс* — қадим юнон асотирида худолар худоси.

3. *Эй, Людмила билан Русланнинг*

Дўст-ёрлари!.. Пушкин ўша маҳал халқ ичида тарқалган «Руслан ва Людмила» достонига ишорат этиб, унинг ўқувчиларига мурожаат қилмоқда.

4. *Ювенал* — қадим Рим шoirи, эрамиздан аввалги 42—125 йилларда яшаб ўтган. Декабристларнинг сиёсий шеъриятида собит, эгилмас образ сифатида ишлатилган.

5. «*Энеида*» — қадим Рим шoirи Публий Виргилий Маронанинг эпик достони.

6. *Ромул* — Римнинг афсонавий асосчиси ва биринчи шоҳи.

7. *Ҳомер* — қадим юнон халқ шoirи, машҳур «Илиада» ва «Одиссея» достонларининг муаллифи. Бу асарларни она тилимизга таниқли мутаржим Қодир Мирмуҳамедов ўгирди. «Илиада» 1987 йилда Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди. Бу Қ. Мирмуҳамедовнинг шеърый таржима йўлидаги илк салмоқли тажрибасидир.

8. *Феокрит* — қадим юнон шоири, идилия, яъни табиат кўйнидаги тинч ва осойишта ҳаётни тасвирловчи кичик шеърый асар муаллифи.

9. *Адам Смит* (1723—1790) — инглиз иқтисодчиси, Н. Тургеневга ва декабристларнинг сиёсий-иқтисодий ғояларига кучли таъсир этган.

10. Бу мисралар Карл Маркснинг эътиборини тортган. «Сиёсий иқтисод танқидига доир» номли асарида у бундай деб ёзади: «Пушкиннинг достонида қаҳрамоннинг отаси товарнинг пул эканлигини ҳеч тушунолмади. Лекин пулнинг товар эканлигини руслар аллақачон тушуниб олганлар...» Тағни «Рус чоризмининг ташқи сиёсати» деган асарида К. Маркс бундай деб ёзади: «Бу шундай замонлар эдики, у вақтларда (Пушкиннинг) Евгений Онегини Адам Смитдан мана буларни биллиб олган эди:

Қандай қилиб бойийди давлат,
Нима билан кечирар ҳаёт;
Бўлса унда оддий маҳсулот,
Нечун бўлмас олтинга ҳожат?..

Ҳолбуки, иккинчи томондан:

Тушунмасди отаси уни,

Гаров кўяр эди мулкни. (Қайдлар «К. Маркс ва Ф. Энгельс саъбат тўғрисида» деган китобдан олинди. Лекин шеърый мисолларни янги таржимадан олдик.)

11. *Овидий Назон* — қадим Рим шоири. «Муҳаббат илми» достони машҳур бўлган. Ишқий шеър ва достонлари туфайли император Август томонидан Томи шаҳрига — Дунай дарёси этагига сургун қилинган.

12. *Фоблас* — фаранг ёзувчиси Луве-де-Кувреннинг (1760—1797) «Хуштор Фобласнинг кечинмалари» романи қаҳрамони. Ахлоқий жиҳати подурустроқ бўлганларни Пушкин «Фобласнинг шогирди» деб атамоқда.

13. *Боливар* — Пушкин бунга «A-L d Bolivar» — «шляпанинг номи» деб изоҳ берган. Бу цилиндр шаклли, четлари кенг шляпа бўлиб, сиёсий арбоб — Лотин Америкасида миллий озодлик ҳаракатининг сардори, европа либералларининг сифинган кишиси Симон Боливар номи билан боғлиқдир.

14. *Хиёбон* — бу ўринда ўша маҳал маълум тоифанинг сайроғи ҳисобланган Нева кўчаси назарда тутилган.

15. *Каверин Пётр Павлович* (1794—1855) — Пушкиннинг ёшликдаги дўсти. Ҳеттинген дорилфунунда таҳсил кўрган, саргашта ҳаёти ва эркин фикрлиги билан танилган.

16. *Федра, Клеопатра, Моина...* Пушкин бу бандда томошагоҳларда ижро этилган ролларнинг ўша даврдаги йиғма манзарасини тасвир этган.

Федра — Расиннинг «Федра» деган ғожнасида яратилган опера қаҳрамони.

Клеопатра — қадим Мисрда подшоҳлик қилган гўзал аёл. Бироқ Пушкин бу ном орқали қайси ролни назарда тутгани аниқланмаган.

Моина — Озеровнинг «Фингал» ғожнаси қаҳрамони.

17. Мазкур банддаги исмлар изоҳи:

Фонвизин — XVIII асрда кечган машҳур рус драматурги. Унинг «Норасида» (Недоросль) комедияси ўзбек тилига ўғирлиб, «Думбулбойвачча» деган ном билан чоп этилган.

Княжнин Яков Борисович (1742—1791) — ёзувчи, драматург. У фаранг драмаларининг воқеаларини усталик билан ўзлаштиргани учун Пушкин «тақлидчи» деб атайди.

Озеров Владислав Александрович (1769—1846) — драматург. «Эдип Афинада», «Фингал», «Дмитрий Донской» фожиалари шов-шув бўлиб, шухрат қозонган.

Семёнова Еккатерина Семёновна (1786—1849) — Гнедичнинг шогирди, фожиаларда ўйнагувчи машҳур актриса бўлган. Пушкин унинг иқтидорини жуда юксак баҳолаган.

Катенин Павел Александрович (1792—1853) — декабристлар ҳаракатининг фаол иштирокчиси, ҳарбий жамиятнинг бошлиғи бўлган. Фаранг драматургларидаан Корнель ва Расиннинг асарларини русчага ўгириб, шухрат топган. Корнелнинг «Цинна» фожиасидаги Цинна монологини таржима жараёнида сиёсий жиҳатини ошириб, декабристлар ғояси руҳига мослаб, «Ватан фарзанди» номи билан чоп эттирган.

Корнель Пьер (1606—1684) — фаранг классик фожиасининг асосчиларидан бири.

Шаховской Александр Александрович (1777—1846) — драматург, режиссёр, театр арбобларидан бири бўлган. Маздака (комедия) ёвуз, бадбин, замондошларнинг ҳажвий қиёфасини сахнада кўрсатувчи асар бўлиши лозим деб ҳисоблаган. Император театрларининг репертуар бўлимига бошлиқ бўлгани учун ажнабий ёзувчиларнинг асарларини ўгириб, ўзгартириб, сахналаштирган. Шу баҳонада Жуковский, Карамзин каби адибларга заҳрини сочган.

Пушкин шунга ишорат этмоқда.

Дидло Карл (1767—1837) — Петербургда атоқли балетмейстер бўлган. Унинг томошалари беҳад шухрат қозонган.

18. *Терпсихора* — қадим юнон асотирида рақс илоҳаси.

19. *Қўшойнак* — дастакли, очилиб-ёпиладиган, ойнаги қўшқаватли «лорнет»ни «қўшойнак» деб олдиқ, у маҳал томошагоҳларда дурбин бўлмаган.

20. *Истомина Авдотья Ильинична* (1799—1848) — Петербург балетининг ўша даврдаги етакчи балеринаси. Пушкин Истоминанинг санъатига ғоят мафтун бўлган. Истоминанинг баланд шухрати В. В. Шереметьев билан А. П. Завадовскийнинг фожиали дуэлига сабаб бўлган. Бу дуэль Пушкинни беҳад ҳаяжонга солган.

21. *Эол* — қадим юнон асотирида шамол илоҳаси.

22. XIX аср рус театрларида гардероб бўлмаганидан устки кийимларга қароллар қараб турар эдилар.

23. *Руссо Жан Жак* (1712—1778) — фаранг адиби ва файласуфи. Бунда Руссонинг наъмага қарши ҳолати баён қилинмоқда.

24. *Грим (Гримм) Мельхиор* (1723—1807) — қомусийлар даврасидан чиққан фаранг ёзувчиси, Руссонинг дўсти.

25. *Чадаев (Чаадаев) Пётр Яковлевич* (1794—1856) — жамоат арбоби, файласуф. У Пушкиннинг шаклланишида, курашчан бўлиб етишишида ғоят кучли таъсир этган. У фақат эркинпарварлиги, фикрий мустақиллиги билан эмас, орият бобида собитлиги, кийиниш бобида аслзодага хослиги билан ҳам шухрат топган. М. Жихаровнинг ёзишича, Чадаев «кийиниш санъатини қарийб тарихий ҳодиса даражасига кўтарган». Пушкиннинг унга бўлган эҳтироми бағишлов шеърларидан ҳам маълум.

26. *Педант* — бу ўринда қарашлари, дид-фаросати кибор доира қарашларига мос келгувчи киши маъносидадир. Биригчи

фаслининг V бандида ҳам бу сўз учрайди. Лекин ўша ўринда биз буни «қуруқ» деб оляшши лозим топгандик.

27. *Венера* — қадим Рим асотирида ишқ ва гўзаллик илоҳаси.

28. *Академик луғат* — Россия Академиясининг луғати. Биринчи марта 1794 йилда нашр этилган, 1806—1822 йиллардаги иккинчи наشري алифбо тартиби бўйича тузилиб, олти қисмдан иборат бўлган. Изоҳли луғат шаклида чиқарилган.

29. *Диана* — қадим Рим асотирида ой илоҳаси.

30. *Флора* — қадим Рим асотирида гуллар илоҳаси.

31. *Эльвина* — шартли шоирона бир исм.

32. *Армида* — Италиян шоири Торквато Тассонинг (1544—1595) «Озод этилган Қуддус» дostonи бош қаҳрамони. Классик адабиётда алдаб йўлдан урғувчи жодугар қиз тимсоли сифатида ишлатилади.

33. Beef — сlaks — пнглязча, бифштекс.

34. Child Harold — буюк инглиз шоири Жорж Гордон Байроннинг «Чайльд Ҳарольд зиёратлари» дostonи қаҳрамони. Байроннинг 1794 йили F. Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ўзбекча чоп этилган «Сайланма»сига улуг устоз Мақсуд Шайхзода таржимасида бу дostonдан парчалар киритилган.

35. *Сей* (Сэ) Жан Батист (1767—1832) — франг публицисти ва иқтисодчиси, Рикардо ва Адам Смитларнинг издоши. «Сийсий иқтисод курси» деган китоб ёзган.

36. *Бенгам* Иеремия (1748—1832) — инглиз буржуа публицисти, ҳуқуқшунос.

37. Бунда ва бундан кейинги уч бандда Пушкин чет элга қочиб ўтиш режасига ишорат этади.

38. *Ядронденгиз* — Адриатика денгизининг туркча атамаси.

39. *Бренга* — Ядрон денгизига қуйилгувчи дарё, унинг беласида, яъни тармоқланган мансабида (русчаси дельта) Венеция жойлашган.

40. *Апполо* — қадим юнон асотирида қуёш илоҳи ва шеърят ҳомийси. «Апполол авлоди» деганда Пушкин шоирларни назарда тутган.

41. *Альбион* — Англия, лекин бу ўринда Пушкин ғурур шоири Ж. Г. Байрон ижодини назарда туттади.

42. *Петрарка* — XIV аср Италиян классик шоири, муҳаббат куйчиси сифатида дунёга танилган. Афсус, ҳозиргача бу шоир шеъряти ўзбек тилида, алоҳида китоб ҳолида нашр этилмаган. Фақат Маъруф Жалил бир неча шеърини ўтирган, холос.

Иккинчи фасл

43. *Хораций Флакк* — эраивздан олдинги 65—8-йилларда яшаб ўтган Рим шоири.

44. *О, Русь!* — Пушкин бунда икки тилдаги шаклдош сўздан тажнис яратган: лотинча рус — қишлоқ, русча Русь — Россия маъносида келяпти. Таажжубки, Форс-тожик тилда ҳам қишлоқ деган сўзнинг ўзаги «русдир — русо.

45. Бунда *баршчина* ва *оброк* тўғрисида гап бормоқда.

46. *Фармазон* — яхудийларнинг «Франк-масоп» жамиятига маъсуб олифта одам маъносида. Бу ўринда қўшлари Онегини бадмастликда эмас, исрофгарликда айбламоқдалар. Пастдаги икки сатрда эса назокатсизлик, адабсизликда айблайдилар.

47. *Хеттингеннинг руҳида...* Хеттинген шаҳар дорилфунуни фақат Германиянинг эмас, балки Европанинг катта илмий даргоҳларидан ҳисобланган. Декабристлар ҳаракатининг сардорларидан бири А. И. Тургенев ва бошқа кўпгина эркин фикрли руслар унда таҳсил кўриб келган.

48. *Кант Иммануил (1724—1804)* — машҳур немис файласуфи.

49. *Шиллер, Гёте...* Шиллер Фридрих (1759—1805) — буюк немис шоири ва драматурги. 1985 йилда ўзбек тилида унинг «Макр ва муҳаббат» номли шеърлар ва драмалар китоби нашр этилди. Шеърларни Эркин Воҳидов, Омон Матжон, Муҳаммад Али; драмаларни эса Фафур Гулом, Асқад Мухтор, Туроб Тўла, К. Яшин ва Маъруф Ҳаким таржима қилишган.

И. В. Гёте ўзбек халқига Абдулҳамид Сулаймон Чўлпоннинг илк таржималаридан бошлаб таниш. Бугунга қадар Э. Воҳидов таржимасида «Фауст» икки марта нашр этилди. Унинг шарқ дунёси таъсирида ёзган «Гарбу шарқ» девонини иқтидорли шоир Садриддин Салимов немис тилидан она тилимизга ўгирмоқда.

50. *Аждодларнинг шартномаси...* — Жан Жак Руссонинг «Жамоат шартномаси тўғрисида» (1762) асари кўзда тутилади. 51. Ж. Ж. Руссонинг «Ахлоқни поклаш фани ва санъатини тиклаш имконияти яратилганми?» деган асари назарда тутилган.

52. *Шимол дostonи парчалари...* Шимол — рус шеърятини учун одатий бир атама эди. Бу ўринда Шотландиянинг қадим афсонавий шоири Оссиан кўшиқлари ва шу кўшиқларга тақлидан ёзилган шеърлар назарда тутилган.

53. *Чўрихона асиралари...* — Зодагонлар жамоатининг юқори табақасида Татьяна деган исм кам бўлган. Бу ном фақат қуйи табақа кишиларидагина учраган. Пушкингача бу номни бирон адиб ишлатгани ҳам йўқ.

54. *Ричардсон Самуил (1686—1761)* — инглиз адиби. «Кларисса Горлоу», «Грандисон» каби романлари машҳур бўлган.

55. *Ловлас, Грандисон* — Ричардсон романларининг қаҳрамонлари. Ловлас — ахлоқан бузуқ, хотинбоз одам, Грандисон эса — XVIII аср буржуа ахлоқининг тимсоли бўлган ижобий образ.

56. *Соч қирар хотин...* — Заминдорлар ўз қўли остидаги қаролларни ҳарбий хизматга берар, шундан олдин сочларини қирар эдилар. Умуман, аскарликка бериш «соч қириш» деган иборада ифодаланган.

57. *Полина деб Просковьяни...* — Просковья зодагонлар тасавурида «қора халқ» номи бўлган, шунинг учун Полина деб юқори табақа номи билан алмаштириб айтилган.

58. *Парғез* — черков хизматларига қатнаш ва тавба-тазаруъ қилишга тайёрланиш, шу фурсатда маълум таомлардан тийилиш одати бўлган.

59. *Троица* — насроний дин ҳайитларидан бири. Тасвирланган расмда ёзда қурғоқчилик бўлмасин, деган муножот яширин.

60. *Квас* — оддий халқнинг миллий неъматларидан ҳисобланган.

61. *Бригадир* — полковник билан генерал-майор ўртасидаги ҳарбий унвоп. XVIII аср охирида бекор қилинган.

62. *Очаков нишони* — 1787—1791 йилларда бўлган рус-турк уруши даврида турк қўрғонини олишда иштроқ этганларга берилган. Бу хоч шаклида бўлиб, «Хизмати ва мардлиги учун» деган ёзиғи бор эди.

Учинчи фасл

63. *Светлана* — Жуковскийнинг «Светлана» балладаси қаҳрамони. Аслида бу асар Бюргернинг «Ленора» балладасининг эркин ишланган бир нусхаси.

64. XVII асрда яшаган Голланд мусаввири Ван-Дейканинг «Какликлар орасидаги маъбуда» асари кўзда тутилади.

65. Улуғ немис адиби Гётенинг «Еш Вёртернинг изтироблари» романи қаҳрамони. Бу асар немисчадан она тилимизга ўгирлиб, нашр бўлган.

66. *Клариса* — Ричардсон романи қаҳрамони. (54-шарҳга қаранг.)

Юлия — Юлия Вольмар кўзда тутилади. (Ж. Ж. Руссо «Янги Элоиза»).

Дельфина — фаранг адибаси Де Сталнинг (1766—1817) «Дельфина» романи қаҳрамони.

67. Банддаги исмлар изоҳи:

Вампир — инглиз адиби Д. Пледорининг «Вампир» романи қаҳрамони.

Мельмот — инглиз адиби Чарльз Роберт Матюрининг «Саёқ Мельмот» романи қаҳрамони.

Агасфер — насронийлар афсонаси қаҳрамони, мангу ўлмасликка ва саёқликка маҳкум этилган.

Корсар — Ж. Г. Байроннинг «Корсар» достони қаҳрамони.

Сбогар — фаранг адиби Ш. Нодъеннинг «Жан Сбогар» романи қаҳрамони. Бу асар Россияда бениҳоят шуҳрат қозонган.

68. *Феб*, яъни Апполон — қуёш илоҳи ва шеърят ҳомийси.

69. Диний мактабда (семинарияда) ўқийдиганларни семинарчи деб аташган. Бу бандда сохта, ўзига олимона тус берадиган қуруқ аёллар масҳара қилинган.

70. *Богданович* Ипполит Фёдорович (1743—1803) — шоир, рус тилидаги илк ҳафиф (енгил) шеърят асосчиси дейилади.

71. *Парни* Эварист (Дезире де Форж 1753—1814) — фаранг шоири, нафис, ўйноқи ишқий шеърлар муаллифи...

72. «*Фрейшюц*» («Озод мерган») — немис бастакори К. Вебернинг (1786—1826) операси.

Тўртинчи фасл

73. *Неккер* Жак (1732—1804) — фаранг сиёсий арбоби ва молиячиси, адиба Ж. де Сталнинг отаси. XVIII аср фаранг инқилоби бошларида Людовик XVI нинг министри бўлган. Кўчирма Ж. Сталнинг «Фаранг инқилоби тўғрисида мулоҳазалар» деган китобидан олинган.

74. *Ловласлар* деб Пушкин бу ўринда фаҳшга берилган хотинбозларни айтади. (55-изоҳга қаранг.)

Қизил, *баланд пошна* Людовик XV саройида урф бўлган.

Улкан париклар XVIII асрнинг биринчи ярмида расм бўлиб, кейин урфдан қолган.

75. *Ҳименей* — қадим юнон асотирида никоҳ ва оила тангриси.

76. *Шагобриан* Рене (1768—1848) — фаранг адиби ва сиёсий арбоби.

77. *Кибрисдаги маъбад* — юнон асотирида муҳаббат илоҳаси ҳисобланган Афродитанинг Қибрис (Кипр) шаҳридаги маъбади.

(Асл хусхада Кирида (Афродитанинг лақаби) маъбади дейилган. Лекин биз шундай деб олишни лозим топдик).

78. *Толстой* Фёдор Петрович (1783—1873) — мусаввир, жиҳозкаш, ҳайкалтарош, Рассомлар Академиясининг вице-президенти бўлган.

79. *Изиков* Николай Михайлович (1803—1847) — романтик шоир, Пушкиннинг дўсти, майин элегиялар муаллифи.

80. *Мунаққид* — В. К. Кюхельбекер назарда тутилади. Қуйроқдаги «Қўмсамоқ бас ўтмиш, мозийни» деган сўзларни Пушкин Кюхельбекернинг «Шеърятимиз йўналиши тўғрисида» деган мақоласидан олган.

81. *Ҳаживнавис* — бу ўринда И. И. Дмитриев (1760—1837) — шоир, Қарамзиннинг сафдоши; баландпарвоз қасидалар ёзган шоирни у носамимий деб кулган.

82. *Гулнор* — Ж. Г. Байроннинг «Қорсар» дostonи қаҳрамони.

83. *Ҳеллеспонт* — Дарданель бўғозининг қадим юнонча номи. Байрон 1810 йилда шу бўғоздан сузиб ўтган. Бу ўринда Пушкин муболага усулидан фойдаланиб, Онегинга истеҳзо қилмоқда.

84. *Прадт* Доминик (1759—1837) — фараңг публицисти, Наполеон саройининг руҳонийси бўлган.

85. *Вальтер Скотт* (1771—1832) — инглиз адиби: ҳам носир, ҳам шоир. Пушкин унинг ўрта аср феодализи турмушидан олиб ёзган романиларини фараңгча таржимасида ўқиган.

86. *Клико*, *Мозга* — шампан виноларининг ёрлиқ-тамгалари.

87. *Инокрена* — қадим юнон асотирида шеърӣй илҳом булоғи.

88. *Бордо* — қизил фараңг шароби, енгил ичимлик.

89. *Аи* — Шампанидаги Аи шаҳри номи билан аталгувчи шароб.

Бешинчи фасл

90. *Лель* — Антик асотирида ёй-камалак билан қуролланган қанотли бола қиёфасидаги севги илоҳи.

91. *Шимол Аврорасидай...* — Аврора — қадим юнон асотирида тонгги шафақ илоҳаси.

92. Банддаги псмлар шарҳи:

Вергилий — эрамиздан аввалги 70—19-йилларда яшаб ўтган Рим шоири. «Энеида» дostonининг муаллифи.

Расин Жан (1639—1699) — фараңг драматурги, театр арбоби.

Сенека — эрамиздан аввалги 65—4-йиллар атрофида яшаб ўтган Рим файласуфи ва драматурги.

93. *Хонимларнинг мода журнали* — Бродскийнинг фикрича, сўз П. И. Шаликовнинг «Аёллар журнали» устида боради. Лекин бу наъма журнали эмас. XIX асрда Россияда бунақа журнал бўлмаган. Демак, фараңгча «Наъма журнали» назарда тутилган.

94. *Халдей* — қадим Бобилда фолчиларнинг юлдуз ҳаракатига қараб, келажакни айтишга уринганларнинг бошлиғи.

95. «*Мальвина*» — фараңг адибаси Мария Коттеннинг (1770—1807) олти қисмдан иборат бўлган романи.

96. «*Пётрнома*» — Пушкин киноя билан Александр Грузинцевнинг «Пётрнома» дostonи ва Сергей Шихматовнинг «Буюк Пётр» деган қаҳрамонлик дostonини эслаган.

97. *Мармонтель* — XVIII асрда яшаб ўтган иккинчи даражали бир фаранг ёзувчиси.

98. *Буянов... албат сизга танишдир...* Буянов — В. Л. Пушкиннинг «Хавфли қўшни» дostonи қаҳрамони. Кейинроқ Пушкин уни яна «Шижоатли Буянов акам» деб, шўхлик қилиб хотирлайди.

99. *Бостон, ломбер, вист* — қарта ўйинлари (қимор).

100. *Парис* — қадим юнон асотирида Троя подшоҳининг хотинини олиб қочган кўркем ва дилбар йигит.

101. *Альбани* Фрагческо (1578—1660) — италиян мусаввири.

Олтинчи фасл

102. *Регул* — эраиздан аввалги III асрда Рим қўмондонини бўлган. Ривоятга кўра, қарфагецликларга асир тушиб, сулҳ тузиш таклифи билан тагин Римга юборилган. Унда Сенатга урушни давом эттираверишни маслаҳат бериб, яна Қарфагенга қайтган. Бунда эса уни муқаррар жазо кутар эди.

103. *Дельвиг Антон Антонович* (1798—1831) — Пушкиннинг лицейдош дўсти, умрининг сўнгига қадар шонрининг энг яқин одами бўлиб қолган. Есениннинг шеърини эслагн: «Бизнинг Александр Дельвиг ҳақида Шеър ёзган мадҳ этиб калла суягин...»

104. *Лета* — қадим юнон асотирида тириклар билан ўликлар дунёсини ажратиб турувчи унутиш дарёси.

105. *Меҳробда гулхан сўнибдир...* — Устоз Ойбек шарҳига кўра, «қадим халқларда худога қурбон қилинатурган ҳайвонларни шу меҳробда — махсус тош устида ёндирар ё сўяр эдилар. Меҳробда ҳар вақт олов ёниб турар эди. Бу ерда эса «Шоир ўлди, ёлқинли илҳоми сўнди маъносида».

Еттинчи фасл

106. *Эпикур* — қадим юнон файласуфи.

107. *Приам* — қадим юнон асотирида Троя подшоҳи, буюк оила бошлиғи.

108. *Чўян қўғирчоқ...* — Наполеоннинг чўян ҳайкалчаси.

109. *Гяур, Жуан куйчиси* — Ж. Г. Байрон. «Гяур», «Дон Жуан» дostonлари назарда тутилган. Байроннинг шоҳ асари «Дон Жуан»нинг ўзбекчада икки нусхаси яратилди: Сулаймон Раҳмон — рус тилидан, Абдулла Шер инглиз тилидан она тилимизга ўғирдилар.

110. *Фалсафий жадвал* — Б. В. Томошевскийнинг ёзишча, фаранг статистик олими Шарль Дюпеннинг «Франциянинг иш-иш чққарини ва савдо кучлари» китобини Пушкин назарда тутган. Китобда Европа давлатларининг, жумладан, Россиянинг ҳам иқтисодини кўрсатувчи қиёсий статистик жадвал берилган.

111. *Автомедон* — Ҳомернинг «Илиада» дostonидаги Ахиллсинг аравакаши. Бу ерда киноя қилинмоқда.

112. *Учот* — «тройка»ни, яъни уч отдан иборат бўлган аравани шундай деб олишни лозим топдик.

113. Наполеон аввал Пётр қалъасига жойлашган. «*Кечаги шудратга мағрур*» деб шунга ишора қилинмоқда.

114. 1812 йилги Москва ёнғини назарда тугилади.

115. *Бухорийлар* — Москвада Ўрта Осёлик савдогарларни бухорийлар (бухоролликлар) деб аташган.

116. *Клуб* — 1770 йили Москвада ташкил топган имтиёзли ёпиқ муассасанинг инглиз клуби. Унга холис бой-дворянлар аъзо бўлишган.

117. *Архив йиғитлари* — Москвадаги адабий тўғаракнинг Ташқи ишлар министрлигида ишлаётган аъзоларига шундай лақаб берилган.

118. *Ултирарди нарида бир чол...* — Пушкиннинг дўсти, шоир Вяземскийнинг ёзишича, бунда И. И. Дмитриев назарда тutilган бўлиши эҳтимол.

119. *Мельпомена* — қадим юнон асотирида фожиа ва театр илоҳаси.

120. *Талия* — қадим юнон асотирида маздака ва театр илоҳаси.

121. Москвада, Катта Дмитровкада жойлашган Дворянларнинг Олийҳиммат машварати кўзда тutilган. Унда базм ва спектакллар ҳам ўтказилган. (Ҳозир Союзлар уйи, Пушкин муюлиши, К. Маркс проезди.)

Саккизинчи фасл

122. *Алвидо, ёр!* — Эпиграф Ж. Г. Байроннинг «Видо» шеъридан. Шеърни бир пайтлар Ҳамид Олимжон ўзбекчага ўлтирган. Эпиграфни ўша таржимадан олишни лозим кўрдик. Инглизча матннинг сўзма-сўз таржимаси қуйидагича бўлади:

Алвидо, мангуга бўлса ҳам агар,
Майлига, мангуга энди алвидо!

Бродский бу эпиграфни уч маънода тушуниши мумкин, деб шарҳлайди: Татьяна Онегинга сўнгги видосини айтади; Онегин ҳам у билан пачор хўшлашади; кейин муаллиф — Пушкин Онегин билан ҳам, Татьяна билан ҳам хайр-маъзур қилади... Бродскийнинг китобига тақриз ёзган А. Иванов эпиграфнинг маъноси фақат битта: мангуга хайрлашув муаллифга тааллуқдор, деб таъкидлаган.

123. *Апулей* — эраמידан аввалги (125-йиллар атрофида тугилган) Рим ёзувчиси. «Олтин ашак» асарини машҳур бўлиб, Пушкин уни фараиғ тилида ўқиган.

124. *Цицерон* — машҳур Рим потиғи, ёзувчиси ва сиёсий арбоби.

125. *Гаврила Державин* — машҳур шоир, Белинский уни «Рус шоирларининг отаси» деб таърифлаган. 1815 йили Лицейдаги имтиҳон даврида Пушкин Державин ҳузурида «Царское Село хотиралари» шеърини ўқиб, унинг назарига тушади. Кекса Державин таъсирланиб, шоирга эътибор қилади. Державин шеърларини ўзбек тилига ёш шоира Марзия Эрдонова яхши таржима қилган.

126. «*Иттифоқ*» бу ерда янги маънода: ҳам дўстлар, улфатлар иттифоқи, ҳам сиёсий жамият ҳисобланмиши «Мурувват» иттифоқи маъносидан.

127. Бюргернинг «Ленора» балладасига ишора.

128. Сўнгги байтдаги баъзи сўз ва жуфт қофия устоз Ойбек таржимасидан олинди.

129. *Чацкий* — Грибоедовнинг машҳур «Ақллилик балоси» маздакасининг қаҳрамони :у хорижда кезиб, Москвага қайтиши билан бал устидан чиқади.

130. *А. С. Шишков* (1754—1841)— адиб, адмирал, Россия Академиясининг президенти бўлган. Ажнабий сўзларнинг киришига қарши турган.

131. *Эммануил Сен При* (1806—1828)— гусар, кибор доирага мансуб ҳажвий рассом, номаълум сабабга кўра ўзини ўлдирган.

132. Ҳайит бозорларида сотиладиган, мумдан ишланган фаршга тасвири.

133. Банддаги номлар шарҳи:

Гиббон Эдуард (1737—1794)— инглиз тарихчиси, «Рим империясининг емирилиш тарихи» деган тадқиқоти мавжуд.

Манзони Александр (1785—1873)— итальян шоири ва адиби.

Гердер И. Г. (1744—1803)— немис файласуфи, адабиётшунос олим, оғзаки ижод тадқиқотчиси.

Шамфор Себастьян — Рок-Никола (1741—1794)— француз адиби.

Биша Мари-Франсуа Ксавье (1771—1808)— фаранг физиолог олими.

Тиссо — балки, ҳаким, тиббий асарлар муаллифи *Тиссо Симон-Андре*, балки, унчалик таниқли бўлмаган адиб *Тиссо Пьер Франсуа* назарда тутилгандир. Аниқланмаган.

Бел (Бейл) *Пьер* (1647—1706)— фаранг файласуфи.

Фонтенель Бернер Бовье (1657—1757)— фаранг файласуфи. Бошқа номлар юқорида шарҳланган.

Александр Сергеевич Пушкин ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН

МУНДАРИЖА

Нажмиддин Комилов. Муҳаббат достони	3
«Евгений Онегин»	
Биринчи фасл	13
Иккинчи фасл	42
Учинчи фасл	63
Тўртинчи фасл	88
Бешинчи фасл	111
Олтинчи фасл	133
Еттинчи фасл	156
Саккизинчи фасл	183
Пушкинни тушуниш («Евгений Онегин» китобига таржи- мон ёзуви)	212
«Евгений Онегин»га А. С. Пушкин изоҳлари	219
«Евгений Онегин»га таржимон шарҳлари	221

Александр Сергеевич Пушкин ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН

Литературно-художественное издание

Александр Сергеевич Пушкин ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН

Роман в стихах

Рецензент и автор предисловия — НАЖМИДДИН КАМИЛОВ
Художник В. АПУХТИН

Ташкент, издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма,
1988 г.

На узбекском языке

Адабий-бадний нашр

Александр Сергеевич Пушкин ЕВГЕНИЙ ОНЕГИН

Шеърлий роман

Тақризчи ва сўзбоши муаллифи — НАЖМИДДИН КОМИЛОВ

Муҳаррир Муҳаммад Юсупов

Расмлар редактори Анвар Мамажонов

Техн. редактор Татьяна Смирнова

Корректор Озода Турдубекова

ИБ № 3815

Босмахонага берилди. 20.04.88. Босишга рухсат этилди. 17.08.88.
Формати 34×100¹/₃₂. Босмахона қоғози № 1. Оддий янги гарнитура.
Юқори босма. Шартли босма л. 10,73+0,46 вкл. Шартли кр.—
оттиск. 12,47. Нашр л. 10,9+0,42 вкл. Тираж. 20000. Заказ. № 1125.
Баҳоси 1 с. 30 т. Мелований қоғозда баҳоси 2 с. 70 т. Шартнома
№ 243—87. Гафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти.
700129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

Ўзбекистон ССР Нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари Дав-
лат комитети «Матбуот» полиграфия ишлаб чиқариш бирлашмаси-
нинг Бош корхонаси. Тошкент—700129, Навоий кўчаси, 30.

Пушкин А. С.

Евгений Онегин: Шеърлий роман М. Кенжабек тарж.
[Кириш сўзи Н. Комиловники]. — Т. : Адабиёт ва санъат
нашриёти, 1988. — 232 б.

Буюк Пушкиннинг мазкур шеърлий романи муҳаббат ҳақи-
да. Уни истеъдодли ёш шоир Мирзо Кенжабек имконияти да-
ражасида ўзбек тилига ағдарди. Ният ягона — асар ўзбек ки-
тобхонини ҳам хушнуд этса, унга туганмас шавқу завқ бахши-
да этса.

Зукко китобхон! Мана, асар қўлингизда, ўзингиз ўқинг,
ўзингиз баҳоланг. Зеро, бу энг тўғри баҳо бўлмай.

Пушкин А. С. Евгений Онегин: Роман в стихах.

PI